



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

№1 (45) 2021

АХБОРОТНОМАСИ

et dosere et discere servitute legis

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ
АРАФАСИДА ВА ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ
ЙИЛЛАРИДА ПРОКУРАТУРА

ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА МАЪМУРИЙ
ПРЕЮДИЦИЯГА ЭГА ЖИНОЯТЛАРНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

ПОЛНОМОЧИЯ ПРОКУРОРА В ДОСУДЕБНОМ
ПРОИЗВОДСТВЕ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ В
ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ
БОСҚИЧЛАРИ



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
профессори, юридик фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ВА ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ПРОКУРАТУРА

АННОТАЦИЯ. Мақолада шўролар даврида КПСС Марказқўми ва Иттифоқ Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистонга ташланган “социалистик десантчилар”нинг ноқонуний ҳаракатлари, ички вазиятдаги зиддиятлар, уларни бартараф қилишга қаратилган республика раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари, республика прокуратура органларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган миллий қонунчиликни шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрены вопросы незаконных действий «социалистических десантников» брошенных в республику по решению Центрального комитета КПСС и Генеральной прокуратуры СССР, внутренние противоречия того времени, действия руководства страны по их предотвращению, разработка и совершенствование национального законодательства, направленного на обеспечение независимости органов прокуратуры республики.

ABSTRACT. The article deals with the illegal actions of the “socialist paratroopers” thrown into the republic by the decision of the former Central Committee of the CPSU and the General Prosecutor’s office of the USSR, internal contradictions of that time, the actions of the country’s leadership to prevent them, the development and improvement of national legislation aimed at ensuring the independence of the prosecutor’s office of the republic.

Калит сўзлар: Шўролар даври, “социалистик десантчилар”, қонунсиз ҳаракатлар, зиддиятлар, бартараф қилиш, прокуратуранинг мустақиллиги, қонунчиликни шакллантириш, такомиллаштириш.

Ключевые слова: Советский период, «социалистические десантники», незаконные действия, противоречия, предотвращение, независимость органов прокуратуры, разработка и совершенствование национального законодательства.

Key words: The Soviet period, “socialist paratroopers”, illegal actions, contradictions, prevention, independence of the prosecutor’s office, development and improvement of national legislation.

Шўролар ҳукумати нафақат шавқатсиз, балки жуда маккорона сиёсат олиб бориши билан ҳам дунёда донг таратган. Айни қонунбузарликларни “қонунлаштириш” учун “Марказ”дагилар тергов ишларининг қонуний ташкил қилинишини таъминлаши лозим бўлган республика прокуратурасига ўз вакилларини доимий ишлаш учун юборарди. Бунинг учун гўё асослар ҳам мавжуд эди. Аввало республиканинг ўша пайтдаги ношуд раҳбарияти “Марказ”дан ёрдам сўрашдан чарчамас эди.

Марказқўм ва Иттифоқ Бош прокуратураси ўзларининг бу ваколатларидан, албатта кенг фойдаланиб, қисқа муддат ичида Ўзбекистон ССР прокуратурасининг энг муҳим лавозимларидан тортиб, вилоят, туман прокуратураларигача “Марказ”дан доимий ишлашга юборилган вакиллар билан алмаштирилди. Ўзбекистонга ташланган бу “социалистик десантчилар”нинг сони эса юздан ортган эди. Уларнинг маҳаллий шарт-шароитни, халқимиз урф-одатлари ва тилини билмаслиги тизим идоралари зиммасидаги вазифаларнинг кўнгилдагидек бажарилишига салбий таъсир кўрсатиб, соҳа обрўсига путур етказди. Шу сабабли ҳам уларнинг учдан бир қисми бошланғич босқичлардаёқ ишдан бўшатилди.

Собиқ Марказ иттифоқдош “суверен” давлатларга аслида ким хўжайинлигини эслатиб қўйиш учун мустақил ўсиб ва ривожланиб кетиши эҳтимоли бор дарахтни каллаклар туриш машғулотининг давоми сифатида 1982–1987 йиллари Ўзбекистон тимсолида “пахта иши”ни ўйлаб топди. Унинг буюртмасига асосан республикамизда пахта етиштириш асносида йўл қўйилган айрим нохуш ҳолатлар бўйича вилоят миқёсида кўзғатилган жиноят ишларига ниҳоятда катта сиёсий тус берилди. Қарабсизки, “Бутунлай издан чиққан, қўшиб ёзишлару порахўрликлар авж олган юртда тартиб ўрнатиш шарт!” деган баҳонада диёримизга СССР прокуратураси терговчилари Т.Гдлян, Д.Иванов ва бошқалар бошчилигидаги махсус гуруҳлар сафарбар қилинди. Уларнинг таркибидаги “адолат пешволари” жорий қонунларни заррача менсимадилар. Бутун бошли Иттифоқни қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш мақсадида кечаю кундуз тинмай ишлаган минг-минглаб бегуноҳ одамларни жиноий жавобгарликка тортиб, қамоққа олдилар. Тергов жараёнида ўта ярамас ва ваҳшиёна усулларни қўллаб, сунъий далиллар тўпладилар. Жиноят ишига “Ўзбеклар иши” номини бериб, жон-жаҳдлари билан республика раҳбарияти ва бутун ўзбек



халқини бадном қилишга киришдилар ¹.

Аммо, ўзбек халқини ёппасига ёмонотлиқ қилишга қаратилган шум ниятларига етолмадилар. Кейинчалик – 1989–1991 йилларда республика раҳбарияти томонидан амалга оширилган дадил саъй-ҳаракатлари натижасида ноҳақ қамалганлар озодликка чиқарилди, уларнинг бўйнидаги “судланган” деган тавқи лаънат олиб ташланди. Ўзбек халқига қўйилмоқчи бўлган тамға йўққа чиқди.

Турган гап, шўро даврида коммунистик фирқа чекланмаган ҳокимиятга эгалик қилгани туфайли прокуратура идоралари жиноятчиликка қарши кураш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолиятини рисоладагидек амалга ошириши амримаҳол эди. Ҳукмрон доираларнинг тергов ва суд ишларига бемаврид аралашини кўп ҳолларда уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, фуқаролар ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келди.

Шундай бир шароитда тизим ходимлари орасида адолатпарвар ва виждонлилари, ҳар қандай шароитда ҳам одилонга иш тутиб, ҳақиқатни қарор топтиришга интиладиганлари кўп эди. Улар турли қонунбузарликларга қарши курашишдан ташқари, ноҳақ жазоланганларни оқлаш ишларида ҳам фаол қатнашдилар. Чунончи, ўтган асрнинг ўттинчи – эллингинчи йилларида сиёсий қатлиом қурбонига айланганлар ва саксонинчи йилларда “пахта иши” бўйича айбланганлар ишларини қайта ўрганиб чиқиб, ноқонуний ҳукмларнинг бекор қилинишига, беҳуда жабрланганларнинг оқланишига катта ҳисса қўшдилар.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари арафасида кўплаб муаммолар тўпланиб қолгани, шўро тузуми росманасига инқирозга юз тутаётгани сабабли бошқа қўшни республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам ижтимоий вазият бирмунча мураккаблашган эди.

Албатта, неча йиллар давомида ҳал этилмаган, халқнинг сабр косасини тўлдирган жуда кўплаб муаммолар охир-оқибатда ижтимоий вазиятни ларзага келтириши муқаррар эди. Шундай бўлди ҳам. 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июнь ойининг охирига келиб ниҳоятда авж олиб кетди. Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фарғона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай қонли фожа ҳисобидан обрў топишга, ўзининг ғаразли манфаатларига эришишга, халқимизни бадном қилиш-

га уринган кимсалар кўп бўлган.

Ўша таҳликали йилларда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеаларига, тарихда “ГКЧП” деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ, империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий фитнага нисбатан Республикамиз раҳбарияти томонидан принципиал қонуний баҳо берилди².

1990 йил 17 февраль куни, – деб ҳикоя қилиб берган эди Бўка туманининг собиқ прокурори, марҳум Нурали Эргашев, – Бўкадаги ҳолат таҳдидли тус олди. Оломоннинг ғазаби жунбушга келса, туппа-тузук одамлар ҳам эс-ҳушини йўқотиб қўяркан шекилли, ур-сур, ёндир-куйдир бошланди! Бўка марказида, собиқ райком биноси олдида қарайб минг кишилиқ оломон тўпланди. Вилоят, туман, республика вакиллари гап бошламасдан оғзига уришди. Бизга Президентнинг ўзи керак, дейишди.

Президент етиб келганда оломон тагин ҳам кўпайган, ғалаён авжига чиққан эди. Халойиқ Президентни бир зумда ўраб олди! Бирови пахта экиб, косаси оқармаганини айтади, бирови туман раҳбарларининг адолатсизлигидан шикоят қилади, яна бири нима хоҳлаётганини ўзи ҳам билмайди. Биттаси айниқса баланд овозда ҳайқиргани эсимда:

“Ўртоқ Президент! Сиз ҳам марказдагилардан кўрқасиз. Сиз ҳам ўшаларни айтганини қиласиз!”. “Мен улардан кўрқмайман, – деди Президент қатъият билан. – Мен уларни айтганини қилмайман”. Шунда қозондек қайнаб турган оломон бир зум жимиб қолди. “Нима дедингиз? – деди бояги чинқириқ овоз. – Яна бир марта қайтаринг!”

“Мен улардан кўрқмайман! – Президент яна ўша қатъият билан давом этди. – Менга пахта эмас, сизлар кераксиз! Менга халқим керак! Менинг кўнглимда халқимга атаб қўйган кўп яхши ниятларим бор. Шу ният йўлида жонимни ҳам аямайман! Фақат орзуим ушалиши учун тинчлик керак. Билиб қўйинглар, агар сизлар бошқа кучларнинг сўзига кириб қон тўксангиз, биродаркушлик қилсангиз, юртимизда ҳеч қачон тинчлик бўлмайди!”

Оломон билан мулоқот қарийб ярим кечагача давом этди. Президент одамларнинг гап-сўзларини сабр-тоқат билан тинглади. Ҳар бир саволга муносиб жавоб берди. Охир-оқибат тўпланганлар “Президент, биз Сизга ишондик”, деб тарқалди³.

Айтиш керакки, қарамликка асосланган муштабид тузумдан янги бир тарихий даврга ўтиш – мустақил давлат барпо этиш йўлидаги оғир си-

1 Аббосхўжаев О. Чин ўзбеклар иши ёхуд Марказдан келган қонун посбонларининг кирдикорлари ҳақида. “Халқ сўзи” 2003 й. 22 июль, 150 (3262)-сон.

2 Прокуратура айбномаси // “Халқ сўзи”, 2000 й. 18 октябрь. (Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Матбуот маркази.

3 Ўткир Ҳошимов. Мардлик ёхуд истиқлолни авайлаш масъулияти // : “Халқ сўзи” 2000 й. 22 апрель сони.



новлар шу билан якун топгани йўқ. 1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ қўпоровчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишди.

1992 йил 16 январда Тошкент шаҳридаги Таалабалар шаҳарчасида аламзада экстремистик кучлар томонидан яна жанжал чиқарилди. Ҳали онгу тафаккури шаклланиб улгурмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган талаба-ёшлардан фойдаланиб, бир гуруҳ манфаатпараст, амалпараст кимсалар юртимиздаги вазиятни издан чиқаришга ва шу тариқа дунё ҳамжамиятидан ўз ўрнини топишга интилаётган ёш Ўзбекистоннинг обрўсига путур етказишга, уни ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишди.

Ана шу ва шу каби бошқа қалтис вазиятларда Биринчи Президентимизнинг халқимиз иродасига, қонунларимизга таянган ҳолда олиб борган вазмин сиёсати, ўз вақтида қатъият билан кўрган чора-тадбирлари туфайли бундай хавф-хатарлар қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали бартараф этилгани, озодлигимиз, ҳурриятимиз сақлаб қолингани, ҳақиқатан ҳам истиқлол йўлининг биз учун нақадар мураккаб, оғир ва машаққатли бўлганидан далолат беради⁴.

Бундай вазият Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан нафақат қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларини, балки бошқа барча соҳаларни собиқ Иттифоқ тасарруфидан чиқариб, миллий давлат тасарруфига олинишига оид жасоратли ғояни илгари сурилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан оқ қонун устуворлигини таъминлашга, қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилишга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга йўналтирилган миллий прокуратуранинг ташкил топиши ва шаклланишига алоҳида эътибор берилди. Ушбу йўналишдаги биринчи илдам қадам – давлат раҳбарининг прокуратура органларини Иттифоқ марказидан ҳақиқий мустақиллигига эришиш юзасидан қилган саъй-ҳаракатлари бўлди.

Ушбу ҳаракатлар жиддий оқибатларга олиб келиши, масала собиқ Иттифоқ КПСС МҚ Сиёсий бю-

росида кўрилишгача етиши мумкинлиги тушуниб етилган эди.

Қолаверса, мамлакатимиз раҳбарияти республикада ичида ҳам жиддий қаршиликларни ҳис қилиб турарди. Чунки, партиянинг олий эшелонида, республика прокуратураси идораларида ҳанузгача масъул лавозимларда “десантчилар” деб номланадиганлар ишлаб келишаётган эди.

Шундай хавф бўлишига қарамасдан, мамлакат раҳбарияти томонидан 1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг “Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш тўғрисидаги дадил ва жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда биринчи марта Иттифоқ доирасида Ўзбекистон ССР прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари илгаригидек СССР Бош прокурори томонидан эмас, республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти томонидан тайинланиши мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси парламенти ва Президенти олдида ҳисоб бериши ва жавобгарлиги белгиланди.

Бундан буён Қорақалпоғистон АССР прокурори автоном Республика парламенти томонидан Ўзбекистон ССР Президенти билан келишилган ҳолда тайинланиши қонун билан мустаҳкамланди. Бундан ташқари, илгари вилоятлар ва туман, шаҳарлар прокурорлари Ўзбекистон ССР прокурори томонидан СССР прокуратурасининг розилиги билан тайинланган бўлса, энди қонун бўйича кадрлар масаласини ҳал қилиш Республика прокурорининг мутлақ ваколатига тегишли эканлиги қайд этилди. Республика прокуратураси ходимларининг тўлиқ мустақиллиги, шу жумладан, СССР прокуратурасидан ҳам тўлиқ мустақиллиги, уларнинг фақат Ўзбекистон ССР прокуроригагина бўйсуниши эълон қилинди⁵.

Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ прокуратурасининг гегемонлик асри якунланишини билдирад, республика прокуратурасининг ҳақиқий мустақиллигини ифода этар эди.

Мазкур конституциявий қонун қабул қилинган Республика Олий Совет сессиясида Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон ССР прокурори лавозимига миллий кадр Бўритош Мустафаев тайинланди.

4 Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

5 Ўзбекистон ССРнинг “Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси Асосий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // 1990 йил 1 ноябрь.



Б.МУСТАФАЕВ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимида 9 йил мобайнида фаолият кўрсатиб, самарали хизматлари учун II-даражали “Шон-шараф” ордени, “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” кўкрак нишони билан тақдирланган. 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси унвонига сазовор бўлган.

СССР прокуратураси раҳбарияти “марказдан узоқ бўлган прокуратура”нинг бундай мустақиллиги бошланишини, табиийки, “илиқ” кутиб олмади. Прокуратура органларига раҳбарлик услубларини таг-томири билан йўқотиб ташлаш мақсадида бутун кучлар билан ишни эски изга солиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Чунки бу даврда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда “десантчилар” ишлашни давом эттиришаётган эди. Ўзбекистон Республикасининг турли органларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фуқароларга нисбатан оғир жиноятлар содир этган СССР прокуратурасининг собиқ терговчилари Т.Гдлян ва Н.Ивановларнинг жазосиз қолаётганлигидан ҳайратга тушган фуқароларнинг жуда кўп эътирозли ариза, шикоятлари келиб тушиши давом этаётган эди.

Маълумки, қайд этилган фактлар юзасидан ўз вақтида собиқ СССР прокуратураси томонидан кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва СССР прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи В.И.Илюхин бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан Гдлян ва Ивановлар томонидан қонунийликнинг қўпол равишда бузилганлиги юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилган. Қонунийликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари фуқаро-

ларни оммавий тарзда қонунсиз қамоққа олиш, шу билан бирга уларга жисмоний ва руҳий жабр етказиш, айбланувчиларнинг хотини, болалари ва яқин қариндош-уруғларини қамоққа олиш билан қўрқитиш каби ҳаракатларида ўз ифодасини топар эди.

Номи баён этилган тергов бригадаси томонидан амалга оширилган тергов ҳаракатлари натижасида “зарур бўлган айбига иқдорлик кўргазмаси”сини олиш учун ҳақиқатан ҳам жавобгарликка тортилган шахсларнинг яқин қариндошлари қамоққа олинганлиги, улар орасида ҳатто ҳомиладор аёллар, қарияларнинг борлиги аниқланган. Бу айбсиз шахслар қамоқхоналарда 2-3 ойлаб, ҳатто 7 йилгача қонунсиз равишда сақланганлар. Бир қатор Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларга нисбатан қўлланилган бундай қийноқларга чидай олмасдан ҳаётларини ўзларини ўлдириш билан тамомлаганлар. Тергов материалларида эса Гдлян ва Ивановлар пора олганликлари ҳамда олинган моддий қимматликларнинг жуда кўп миқдорини ўзлаштириб юборганликларини тасдиқловчи далиллар мавжуд эди.

Гдлян ва Ивановлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар аниқланганидан сўнг собиқ СССР Бош прокурори СССР Олий Советига ушбу шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш ва уларни қамоққа олишга рухсат беришни талаб этиб, тақдимнома билан мурожаат қилган. Афсуски, Иттифоқ Олий Совет депутатларининг маълум бир қисми сиёсий ўйинларга берилиб, прокуратура томонидан аниқ-равшан далил-исботлар тақдим қилинган бўлишига қарамасдан, қарши овоз бериши натижасида керакли бўлган овоз тўплашнинг имкони бўлмаган. Олий Совет Гдлян ва Ивановларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ва прокуратура органларидан ишдан бўшатишгагина розилик берган холос ва уларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига эришишган.

1991 йил 30 август куни янги тайинланган СССР Бош прокурори Трубин томонидан қонунийликка нисбатан ўтакетган беҳаёлик билан ҳеч қандай талабга жавоб бермайдиган, асослантирилмаган, яъни уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳақидаги адолатсиз қарор қабул қилинган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва прокуратурасида Гдлян ва Ивановлар, улар раҳбарлик қилган тергов гуруҳи таркибига кирган қатор терговчилар томонидан содир этилган юқорида қайд этилган жиноятлар ҳақида жуда кўп материаллар мавжуд⁶ эди.

Собиқ СССР Бош прокурори Трубиннинг Гд-

6 Аббосхўжаев О. Чин ўзбеклар иши ёхуд Марказдан келган қонун посбонларининг кирдикорлари ҳақида // “Халқ сўзи”, 2003 й. 22 июль, 150(3262)-сон.



лян ва Ивановларга тегишли жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори собиқ СССР қонунчилигига ҳам, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳам, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам зид ҳисобланади. Хусусан, 1984 йил 10 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва шахснинг қадр-қимматини камситувчи муносабатлар ва жазоларга қарши Конвенция", "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", Россия ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро нормалар шулар жумласидандир.

Минск Конвенциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Россия Бош прокурорига бир неча бор мурожаат қилиб, айбдор шахслар – Гдлян ва Ивановларни республика прокуратурасига топшириш, уларга тегишли бўлган жиноят иши материалларини ёки унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборишни талаб қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Қийноқларга қарши комитети"га Конвенциянинг 20-моддаси талабларига мувофиқ равишда ушбу Комитет вакиллари томонидан инсон ҳуқуқларининг Гдлян ва Ивановлар раҳбарлигидаги тергов гуруҳи томонидан бузилиши, фуқароларнинг қийноққа солиниши юзасидан текшириш ўтказишни сўраб мурожаат қилиниши лозимлиги мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу ўринда прокуратура органларининг ҳақиқий мустақиллиги ва мутелиқдан озод бўлганлигини таъминлаш учун қабул қилинган иккита ҳужжатни алоҳида эътироф этиш лозим. Уларнинг биринчиси – Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси" бўлса, иккинчиси – 1991 йил 31 августда қабул қилинган, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонундир.

Шуни таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ прокуратура органларини алоҳида орган ҳамда давлатнинг тараққиёти ва равнақи учун таянч бўлиб хизмат қилувчи марказлаштирилган давлат ҳокимияти тизимининг асосий бир бўғини сифатида шакллантиришга қаратилган сайъ-ҳаракатлар бежиз эмас.

Мамлакатдаги ижтимоий ҳолат, авваламбор давлатчиликнинг дастлабки шаклланиш даври, миллий қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ёш мустақил республикада барқарорликни сақлаб қолиш, жамоат тартиби ва жиноятчиликнинг олдини олиш, шунга ўхшаш жамиятга қарши ва

миллатлараро келишмовчилик ҳолатларини келтириб чиқармаслик зарурияти зудлик билан бундай дадил қадамларни қўйишни талаб этар эди.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда прокуратура ҳал қилувчи ролни ўйнарди. Айнан шу ҳолат прокуратура органларини зудлик билан шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди. Прокуратура органлари нормал фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база шакллантирилиши керак эди. Чунки одатда прокуратура органларининг асосий фаолияти қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилиши зарур эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир банди фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мамлакат мустақиллиги, жамият ва давлат қурилиши, сиёсий ва иқтисодий тизимни ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Чунки ўтиш даврининг дастлабки йилларида республикада қонунбузарлик ва жиноятчилик собиқ Иттифоқнинг сарқити сифатида жуда кенг тус олган эди. Турли жиноий унсурлар ҳудуд ва объектларни ўзаро тақсимлаб, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар ваколатига кирадиган масалаларни ҳам ҳал эта бошлаганлар. Вазият шу даражада бўлганки, жиноят олами "етакчилари" ўзига тўқ фуқароларга "солиқ солиш", зўрлик билан уларнинг мол-мулкни тортиб олиш, яқинларини қўрқитиш, гаровга олиш, қийнаш ва ўлдиришгача бориб етганлар. Ҳатто, аксарият одамлар ўзларининг олиб қочилган автомашиналарини жиноий тўда аъзоларига пул бериш эвазига қайтариб олганлар.

1993 йилда жиноий гуруҳларнинг ҳудуд таллашиб, Тошкент туманидаги "Дендропарк"да содир этган қуролли тўқнашувлари оқибатида кўплаб қон тўкилиб, ёш йигитлар нобуд бўлганлиги вазиятнинг нақадар аянчли бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Жиноят олами вакиллари уларга қарши курашаётган давлат ва ҳокимият органлари ходимлари ҳаётига реал хавф туғдирган бир вазиятда, прокуратура ходимлари қотиллик, товламачилик, босқинчилик каби ўта оғир жиноятларни содир этган жиноий гуруҳ ва уюшмаларнинг барча аъзоларига қарши самарали ва мардонавор курашганлар. Жиноий гуруҳлар аъзоларини тергов қилиш, қамоққа олишга санкция бериш прокурорлар ва уларнинг оила аъзолари ҳаётига қанчалик реал хавф солганлигини ўша даврда ишлаган ходимлар яхши билишади. 1992 йилнинг декабрь ойида жиноий гуруҳ ва уюшма аъзоларига нисбатан



жиноят ишларини холис ва адолатли тергов қилаётган Бош прокуратуранинг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Хабибулла Саломов қасддан ўлдирилганлиги фикримиз далилидир⁷.

Республикадаги вазият, унинг барқарорлигини таъминлаш қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи – прокуратура органларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашни тақозо этарди.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари ва ишлаш принциплари ҳамда унинг фаолият йўналишларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунига ва 1992 йил 8 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида”ги Президент фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат суверенитетини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида ЎзССР прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди. Яъни 1992 йил 8 январда мустақил мамлакат прокуратураси ташкил топди.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Мудофаа вазирлигида, унинг жойлардаги идора ва бўлимларида, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинларда қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси ҳам юкланди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 1992 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳукуматнинг ушбу қарори нафақат прокуратуранинг мавқеини амалий равишда мустаҳкамлашга, балки прокуратура ходимларига қатор имтиёз ва устунликлар бериш, уларнинг моддий-техника базасини шакллантиришга хизмат қилди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимида “Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Маркази”ни ташкил этиш учун молиявий асослар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Ҳарбий трибуналлар ва

ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги ПФ–335-сонли фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан СССР Бош прокуратураси бўйсунувда бўлган Туркистон ҳарбий округи прокуратураси базасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар прокуратураси ташкил этилди ва у республика прокуратураси тизимига киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 96-сонли қарори асосида прокуратура тузилмасида “Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида порахўрликка, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш” бошқармаси ташкил этилди.

Республикамиз қонуншуносларининг бундай қадами халқаро тажриба ва ривожланган демократик давлатларнинг амалиёти ва миллий хусусиятлари, халқнинг менталитетини ҳисобга олган ҳолда қонун ижодкорлиги ишига фаол киришишига имконият яратди.

1992 йил 8 декабрда қабул Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-бобида (118-121-м.м.) Бош прокурор мақоми ва прокуратуранинг ваколатлари ва мавқеи белгилаб берилди. Мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди. Ана шу конституциявий норма асосида 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши миллий қонунчилик тизимини яратиш йўлидаги ишларнинг ёрқин ифодаси бўлиши билан биргаликда, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асоси ҳисобланган бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принципларини ўзида акс эттирди. Бу эса миллий қонунчилик тизимини яратиш йўлидаги ишларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу даврга қадар аҳолининг аксарият қисми прокуратура органларини давлат бошқарувинининг негизини ташкил этувчи сиёсий режим манфаатларига хизмат қилувчи восита ёки қурол сифатида тасаввур этган. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва миллий прокуратуранинг ташкил топиши, прокуратуранинг ҳақиқий халқ, жамият, давлат манфаатларига хизмат қилувчи орган сифатида шаклланишига замин яратди.

7 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси (18-бошқарма) архиви.



Баҳриддин ВАЛИЕВ,
мустақил тадқиқотчи

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ХАЛҚАРО ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ҲОЛАТИ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмуни, халқаро ҳужжатларни мамлакатимиз қонунчилигига жорий этиш истиқболи, соҳадаги камчиликлар ўрганилиб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган мулоҳазалар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются международно-правовые инструменты защиты прав детей, их содержание, перспективы внедрения международных инструментов в законодательство нашей страны, недостатки в этой сфере, а также даются комментарии по совершенствованию организационно-правовой базы защиты прав детей.

ANNOTATION. The article discusses international legal instruments for protecting the rights of children, their content, the prospects for introducing international instruments into the legislation of our country, shortcomings in this area, and also provides comments on improving the organizational and legal framework for protecting the rights of children.

Калит сўзлар: бола, бола ҳуқуқлари, конвенция, ҳимоя, миллий қонунчилик, болалар омбудсмани, такомиллаштириш.

Ключевые слова: ребенок, права ребенка, конвенция, защита, национальное законодательство, уполномоченный по правам ребенка, совершенствование.

Keywords: child, child rights, convention, protection, national legislation, child ombudsman, improvement.

Ҳозирги кунда дунёда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий шартномалар тизимини 1000 дан ортиқ ҳужжат ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларидир. Бу ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устунлиги таъминланди аксарият ривожланган давлатлар томонидан тан олинган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг универсал хусусиятга эга бўлган тизими доирасида минтақавий тизим ҳам шаклланиб бормоқда. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Европа, Америка ҳамда Африка тизимининг ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Умумэтироф этилган амалиётга мувофиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилган давлат унинг нормаларини ўзининг миллий қонунчилигига киритиш мажбуриятини олади. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий ҳужжатларни ратификация қилиши халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ тизимига босқичма-босқич имплементация қилинишини бошлаб берди. Натижада муайян қонун ҳужжатлари блоки халқаро

ро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мос келиш-келмаслиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқила бошланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида кўплаб универсал шартномалар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг ичида инсон ҳуқуқларининг умумий масалаларини тартибга солувчи қуйидаги энг муҳим ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш жоиз: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бундай жиноят учун жазо тўғрисидаги конвенция (1948), Қочоқлар мақоми тўғрисидаги халқаро конвенция (1951), Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965), Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979), Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция (1984), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989).

Болаларни халқаро-ҳуқуқий муҳофазалаш хусусида сўз юритилганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг муҳим йўналиши бўлган бола ҳуқуқлари ва унинг шаклланиш жараёнини ёритиб ўтишни ўринли деб топдик.

Халқаро ҳуқуқда бола ҳуқуқлари БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган Бола ҳуқуқлар тўғрисидаги конвенцияда ўрнатилган ёки



тан олинган инсон ҳуқуқлари тоифасига киритилди. Болалар декларация ва конвенцияларда назарда тутилган, шунингдек алоҳида давлатларнинг қонунларида эълон қилинган ёки тан олинган барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланади.

Яна бир нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, кўп давлатларда болалар оғир шароитда яшамоқда ва улар алоҳида эътибор ҳамда ҳимояга муҳтождир. Яъни шундай болаларни назарда тутмоқдамизки, улар ота-онасидан ёки уларнинг оилавий муҳитида ўсиш имкониятидан маҳрум бўлган: қочоқ болалар; тўсқинликка учраган болалар; туб аҳоли болалари ёки озчиликни ташкил этган этник, диний ва тил хусусиятлари билан ажралиб турадиган гуруҳ болалари; қуролли тўқнашувлар таъсирида қолган болалар, қийноқ ва бошқа шафқатсизликларга, ноинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муносабатга ёки жазога дучор қилинган болалар; наркотик дори ва психотроп воситалар таъсиридаги болалардир.

Боланинг ҳар томонлама ривожланиши ва уни ҳимоя қилиш учун ҳар бир шахснинг маънавий даражаси ва урф-одатлари муҳимлигини ҳисобга олиш керак. Болага инсон ҳуқуқлари ҳеч қандай истисносиз берилиши шарт. Махсус қўшимча ҳуқуқлар аёлларга, ногиронларга, ақли заифларга, эркинлиги чекланганларга, этник, диний ва тил юзасидан озчиликни ташкил этган шахсларга берилади. Шунингдек, яна бошқа ҳуқуқлар турли сабабларга кўра бошқаларга қараганда ожиз бўлган шахсларга ҳам берилади. Махсус ҳуқуқлар болаларнинг бошқалар билан тенг бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Бола ҳуқуқлари ҳақида гапиришдан олдин бола ўзи кимлигини аниқлаб олишимиз зарур. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда «18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланидиган қонун бўйича у эртaroқ вояга етмаган бўлса, бола ҳисобланади» дейилган. Демак, ҳар бир бола конвенцияда белгиланган ҳуқуқларга: фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга эга. Бола ҳуқуқлари, ўз-ўзидан маълумки, болалар эга бўлиши мумкин бўлган эркинлик ва амалга ошира оладиган ҳаракатлар тизимидир. Бола жисмоний мавжудот бўлгани учун туғилиши билан бу ҳуқуқларга эга бўлади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қиёсий тарихи шуни кўрсатадики, бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ турли маданий урф-одатларни ўзида акс эттиради. Ғарбий Европада боланинг ҳуқуқий мақомини юзага чиқариш қуйидаги уч муҳим ривожланиш босқичи билан боғлиқ:

биринчи босқичда қишлоқ хўжалиги меҳнатида одамлар сонининг камайиши билан болаларнинг одатий иқтисодий фойдаси, яъни иқтисодий ишларга жалб қилиниши ҳам камайди; иккинчи босқич болалар ва бошқаларга XIX асрда мажбурий таълим тўғрисидаги қонунларнинг таништирилиши таълим кўринишларининг расмий тартибда тан олинишига олиб келди. Бу боланинг кунлик иш соатини че-

гараловчи ва унинг меҳнат шароитини тартибга солувчи қонун қабул қилинишига сабаб бўлган; учинчи босқичда ғарб жамиятларида аёллар ўз мавқеини эгаллаш учун кучли ўзгаришларни бошдан кечирди. Аёллар эркак кишиларнинг бир қисми эмас, балки мустақил жисмоний шахс сифатида қабул қилинди. Натижада болалар отанинг ягона мулки ёки жавобгарлигида эмаслиги таъкидланди.

Баъзи давлатларда ҳайвонларни ҳимоя қилувчи қонунлар амал қилган вақтда уларда болаларни ҳимоя қилувчи нормалар бўлмаган. Масалан, ота-оналар фақатгина қизларини ит ёки мушук сингари оила аъзоси сифатида бўлганини сабаб қилиб кўрсатиш орқали ўз қизларини ёмон муомаласи учун айблаганлар. Буни 1874 йилда Нью-Йорк шаҳридаги Мари Еллан мисолида кўриш мумкин. Черков ходимлари калтак зарбидан оғир касал бўлиб қолган, фақат нон ва сув билан боқилган бир қизни топиб олади. Бундай муомалага қарши ҳуқуқий ҳимоянинг йўқлиги сабабли ота-она учун бу чора ўз қизини айблашнинг ягона ечими бўлган.

Шу ўринда тан олиш керакки, ғарб жамиятларида болаларга, айниқса қизларга эътибор XIX-XX асрлардан бошланганини кўриш мумкин. Лекин Осиё давлатларида, хусусан, Арабистон ва бошқа мусулмон давлатларида болаларга ва қизларга инсоний муносабат бундан XIV аср олдин шаклланиганини ва бу ҳолатлар мусулмон ҳуқуқининг манбаларида алоҳида мустаҳкамланганини кўриш мумкин. Шунингдек, мусулмон ҳуқуқининг боланинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормалари бола ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқини шакллантиришда асосий манбалардан бири вазифасини ўтаган («кафола» қоидаси). Исломдан олдин Марказий Осиёда бола тарбиясига алоҳида эътибор берилгани ва булар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлангани, хусусан, «Авесто»даги нормалар кенг қўллангани бизга маълум.

Болалар ота-онасининг ҳам, давлатнинг ҳам, биронта диний ташкилотнинг ёки бирор шахснинг ҳам мулки эмас. Ҳар бир бола ҳурмат қилиниши лозим бўлган ва шундай ҳуқуқлардан фойдалана оладиган алоҳида шахсдир. Бола ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзининг қонун билан тан олинган ҳуқуқларини, оилавий муносабатларини, исмини, миллатини, шахсиятини муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ўз қарашларини ифодалаш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай бола унга дахлдор бўлган барча ҳолларда бу қарашларини эркин билдириш ҳуқуқига эга.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжат сифатида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқларини яратиш учун ушбу ҳуқуқларни умумий терминлардан фойдаланиб, тушунарли тилда белгилаб қўйган. Шунингдек, бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда тараққиёт учун кўмаклашган ва уларнинг махсус ҳуқуқлари кўпроқ тан олинишига ёрдам берган.

Бола ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилишнинг таркибий



қисми ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш доирасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бола ҳуқуқларига тааллуқли муаммоларнинг мустақил предмети сифатида, объектив тусга эга бўлган қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

биринчидан, катталарга нисбатан болаларнинг ижтимоий мақоми бир неча тарихий шароитлар натижасида пастроқ бўлгани учун бола ҳуқуқларининг халқаро ҳимояси катта ёшдагилар билан тенг имкониятларни ва ҳуқуқларни таъминлашга йўналтирилган;

иккинчидан, болаларнинг ақлан ва жисмонан етилмагани сабабли уларга алоҳида ҳуқуқ ва ҳимоя берилиши лозим.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш билан тенг равишда бола ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш ҳам ривожланди. Мазкур ривожланиш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларни ишлаб чиқишда намоён бўлди ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назорат қилувчи махсус органлар ташкил этилди.

Ўз навбатида, бола ҳуқуқлари бир неча йўналишда ҳимоя қилинди:

1. Бола ҳуқуқларининг инсон ҳуқуқлари келишувларида (1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда) мустаҳкамланиши.

2. Бола ҳуқуқлари бевосита болалар билан боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг (аёллар, қочоқлар кабиларнинг) ҳуқуқларини тартибга солган келишувларда ёки муносабатларнинг алоҳида соҳасида (оилавий соҳада, меҳнат, таълим ва бошқаларда) қабул қилинган халқаро ҳужжатларда (1954 йилдаги Апатридлар мақоми тўғрисидаги конвенция, 1979 йилдаги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, 1962 йилдаги Никоҳдан ўтиш ва розилик бериш, никоҳ ёши, никоҳни қайд этиш ҳақидаги конвенция, 1999 йилдаги Халқаро меҳнат ташкилотининг Болалар меҳнатининг ёмон кўринишларини бартараф қилиш бўйича зарур ҳаракатлар конвенцияси ва бошқаларда) мустаҳкамланди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция доирасида унинг шартларини бажаришни назорат қилувчи махсус механизм яратилган. Бу Бола ҳуқуқлари кўмитаси бўлиб, давлатларнинг конвенция талабларини бажариш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги миллий маърузаларини кўриб чиқади.

Шундай қилиб, давлатларнинг бола ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлигининг тарқоқлиги, ўзаро ҳамкорлигининг ягона принциплари ва амалга ошириш механизмини яратиш зарурати, ўз навбатида бола ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий миллий ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган механизмларни янада такомиллаштириш лозим, деган хулоса чиқаришга олиб келади.

Шунингдек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ажралмас қисми сифатида Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳеч камситмасдан ҳурмат этишга асос солувчи тамойиллардан бирини эълон қилган БМТ доирасида шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили БМТнинг низомида мустаҳкамланди. Низомнинг кириш қисмида инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг қадр-қимматига бўлган ишончни татбиқ қилишга қаратилган халқларнинг эзгу истаклари ҳақида гапирилди. БМТ низомининг 1-моддаси учинчи қисмига асосан ташкилотнинг мақсадларидан бири инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш деб белгиланди.

Шундай қилиб, БМТнинг низоми инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида халқаро андозалар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилувчи халқаро органларни тузишни ўз ичига олган инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимоя механизмини шакллантиришга ҳуқуқий замин яратди.

Бола ҳуқуқларини муҳофазалаш чораларини ишлаб чиқиш зарурати, уларнинг жисмоний ва ақлий томондан ҳали балоғатга етмагани сабабли, бола ҳуқуқларининг халқаро ҳимоясини алоҳида йўналиш сифатида ажратишни талаб қилди. Айнан шу мақсадда БМТда Ижтимоий ҳайъат (комиссия) ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) тузилди. Бундан ташқари, айрим йўналишларда болаларнинг ҳимояси билан БМТнинг соҳавий муассасалари шуғулланмоқда. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХССТ), Таълим фан, маданият масалалари бўйича БМТ ташкилоти (ЮНЕСКО).

Бевосита бола муаммолари билан шуғулланувчи ташкилот БМТнинг Болалар фондидир (ЮНИСЕФ). У Бош ассамблеянинг 1946 йил 11 декабрдаги резолюцияси билан ташкил топган. Унда фонд урушдан кейинги Европа болаларига ёрдам бериш мақсадида тузилаётгани ҳақида айтилган.

ЮНИСЕФдан ёрдам олаётган давлатлар бу ёрдамни эҳтиёжга қараб, ирқи, дини, миллати ва сиёсий эътиқоди камситилмаган ҳолда тақсимлаши шарт. Резолюцияга асосан ЮНИСЕФнинг бошқарув органи – Ижроия уюшмаси ташкил топди. Ижроия уюшмаси БМТга аъзо давлатларнинг вакиллари ичидан саралаб олинган. Резолюцияда Ижроия уюшмасининг 25 аъзоси эълон қилинган.

Ижроия директори Ижроия уюшмаси билан маслаҳатлашган ҳолда БМТнинг бош котиби томонидан тайинланган. ЮНИСЕФнинг Ижроия уюшмаси ўзининг биринчи мажлисини 1946 йилнинг 19 декабрида ўтказган. 1953 йилда Болалар фонди БМТнинг тизимига кирди ва унинг ваколати кенгайди: унга



иқтисодий, сиёсий ёки қуролли тўқнашувлар натижасида вужудга келган шароит сабабли узоқ вақт давомида таъминланмаётган болаларга ёрдам бериш ҳуқуқи топширилди.

ЮНИСЕФнинг асосий вазифаси – ривожланган давлатларга мактаб ускуналари, озиқ-овқат, дори-дармон етказиш ва ўқитувчиларни стипендия билан таъминлашдан иборат. 36 аъзодан иборат ЮНИСЕФнинг Ижроия уюшмаси асосий фаолият йўналишларини белгилайди, дастурларни таҳлил қилади ва фонднинг бюджетини тасдиқлайди. Штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган ЮНИСЕФнинг котибияти 140 дан ортиқ давлатдаги бюrolари (200 дан ортиқ) орқали ишини амалга оширади. ЮНИСЕФ доирасида Бола камолоти халқаро маркази фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз доимий аҳолисининг салкам 20 фоизи (6,1 млн. нафари) болалардир, юртимизда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган улкан ишлар олиб борилаяпти. Аввало, Ўзбекистон томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди, миллий қонунчилигимизни ушбу халқаро ҳужжатга мослаштириш мақсадида 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. БМТнинг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари, 1985 йил) ҳамда БМТнинг Вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш учун бош тамойиллари (ар-Риёд бош тамойиллари, 1990 йил) шулар жумласидандир.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида», «Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида», «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларда бола ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ акс этган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Шу мақсадда 2019 йил 22 апрелда давлатимиз раҳбарининг «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди ва фаолиятини бошлади.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш йўналишида 2750 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, шу жумладан бир қатор жамоат фондлари фаолият юритиб келмоқда.

Бироқ, шундай бўлса-да, болалар ҳуқуқларининг жинсий-ҳуқуқий ҳимояси бўйича муаммолар мавжуд бўлиб, миллий қонунчилик тизимининг вояга етмаганларга нисбатан қабул қилинган андозаларга мос келиши ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг фаолиятида етарлича кўринмаяпти. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, муаммоларнинг аксарияти шу соҳада назарий ва ҳуқуқий билимлар етишмаслиги сабабли вужудга келмоқда.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатидаги болалар омбудсмани тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишини жадаллаштириш, унда бола манфаатлари йўлида ихтисослашган омбудсманнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, бола манфаатлари йўлида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бу билан боғлиқ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қоидаларини амалга оширишнинг аниқ механизмларини жорий этиш каби таклифлари тезроқ рўёбга чиқарилиши лозим.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш замонамизнинг глобал муаммоларидан бири ҳисобланади ва унинг ҳал этилишидан дунё ҳамжамияти манфаатдордир. Буни ёш авлоднинг жамият тараққиётини кафолатловчи салоҳияти билан тушунтириш мумкин. Лекин шу нарсани тан олиш керакки, дунёда бирон-бир давлат бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида намуна мақомига даъво қилолмайди. Ҳатто энг демократик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ҳам вояга етмаганлар жиноятчилиги кўрсаткичларининг ошиши, тиббий хизмат етишмаслиги натижасида болалар ўлимининг мавжудлиги ва безори болаларнинг кўпайиши каби муаммолар мавжуд. Хитой файласуфи Сюн-Цзи «Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади. Катта бўлганларида эса турли қилиқлар қилишади» дейди. Ушбу омиллар болалар билан боғлиқ муаммоларни фақат миллий воситалар билан ечиш мумкин эмаслигини исботлайди ва умуман дунё ҳамжамиятининг интилишларини бирлаштиришни тақозо этади. Бу ҳол бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро-ҳуқуқий институтларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, болаларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомига оид ҳужжатлар такомиллашиб, дунё мамлакатлари миллий қонунчилигига босқичма-босқич сингдириб борилмоқда. Асосий вазифа ана шу халқаро-ҳуқуқий мезонларга миллий қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда уларга ҳамма-нинг қатъий риоя қилишига эришишдир.



Фахри РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, ю.ф.д.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада асосан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида барча органлар билан бирга жамоатчиликнинг ҳам иштироки хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Бу соҳада сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг "Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази" томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ишлари ҳам баён қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрены вопросы предупреждения преступности и правонарушений, участия в этом процессе общественности. Проанализированы нормативно-правовые документы, принятые в этой сфере за последние годы, и проделанная работа в этом направлении. Описывается деятельность «Центра системного анализа и изучения причин преступлений» Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан в области предупреждения преступности и правонарушений.

ANNOTATION. This article provides feedback on crime prevention and delinquency prevention. The article analyzes the regulatory documents adopted in this area in recent years, and the work done in this direction. The article describes the work of the "Center for systematic analysis and study of the causes of crimes" of the Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan in the field of crime prevention and delinquency.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, қонунчилик, таҳлил, самарали фаолият.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, борьба с преступностью, законодательство, анализ, эффективная деятельность.

Key words: prevention of offenses, fighting crime, legislation, analysis, effective performance.

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши, тараққий этиши, ютуқларга эришиши, албатта, мамлакатда яратилган шароитларга боғлиқ. Биргина иқтисодий мустақамлаш тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, мазкур жараён фақатгина тадбиркорларга барча шароитларни яратиш билан чекланиб қолмайди. Бунинг учун жуда кўплаб йўналишларда салмоқли ишларни амалга ошириш асосий роль ўйнаши шак-шубҳасиз. Бундай тадбирлардан мамлакатда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ва аҳоли тинчлигини сақлаш алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, мамлакатда осойишталикни таъминлаш ва уни сақлаш давлат сиёсатининг энг зарур йўналиши ҳисобланиб, тинчликни сақламасдан туриб бирор нарсага эришиб бўлмайди.

Шу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қабул қилган биринчи қонунлари қаторида 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни ҳам мавжуд.

Ушбу Қонун лойиҳаси кўп йиллар олдин тайёрланган бўлса-да, 2016 йилга қадар қабул қилинмасдан келган эди. Мамлакатда асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, Конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини

таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат бўлган ички ишлар органлари кўп йиллар давомида ўз фаолиятини тартибга соладиган махсус қонуни бўлмаган ҳолда фаолият юритиб келди.

Шу тўғрисида ва бошқа қатор сабабларга кўра Ўзбекистонда 90-йиллардан бошлаб жиноятчилик кўпайиб бориб, мамлакатда беқарорлик юзага келди, унга қарши курашишни тизимли равишда ташкил этишга эътибор берилмади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақидаги дастлабки тушунча ва ғоялар инсоният тарихининг илк босқичларидаёқ шакллана бошлаган. Инсоният ўз ривожланишининг энг дастлабки босқичларидаёқ жиноятчиликни фақатгина жазолаш йўли билан ушлаб туриш мумкин эмаслигини тушуниб етган, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш уни содир қилгандан кейин жазолашдан афзал эканлиги ҳаммага аён бўлган эди.

Юнон файласуфи Афлотун "...қонун чиқарувчилар шундай қонунлар ишлаб чиқсинларки, бу қонунлар таъсирида кишилар ўзларини жиноят содир қилишдан тийсинлар" деган фикрни билдирган. Машҳур француз мутафаккири, ҳуқуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескье ўзининг "Қонунлар руҳи ҳақидаги" фалсафий ҳуқуқий асарида шундай фикрни билдирган: "...ақлли қонун чиқарувчи жиноят учун жазо ҳақида эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш учун қайғуради. У жиноят учун жазолаш эмас, балки ахлоқни яхшилаш



учун ҳаракат қилади¹. Охирги йилларда мамлакатда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга барча тегишли органлар билан бирга жамоатчилик ҳам, маҳаллалар ҳам жалб этилди. Бу жараён қонун доирасида, тизимли тарзда амалга ошириб борилди. Бу тадбирлар охирги йилларда ўз натижасини берди. Ўзбекистонда жиноятчилик кескин камайди. Аҳоли тинчлиги таъминланиб, ҳамма ўз ҳаётини сокинликда ўтказишга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар². Шу нуқтаи назардан, Конституциянинг талаби бўлган давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятларни фош этиш ва олдини олиш таъминланмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун давлат томонидан жиноятчиликни олдини олиш ва профилактика қилиш учун комплекс чоралар кўрилмоқда, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича давлат ва идоралараро дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда жиноят содир қилишда фойдаланилаётган воситаларнинг кундан-кунга такомиллашиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жиноятчилар жиноят содир этишда ўқ отар қуроллар, автомашиналар, компьютер ва бошқа энг сўнгги, замонавий технологик воситалар ёрдамида жиноят содир этишлари кузатилмоқда. Эндиликда кечаги кундаги восита ва усуллар билан уларга қарши курашиб бўлмайди. Шундай экан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши туришнинг замонага мос келадиган самарали усуллари ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу жараёнларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга жамоат ташкилотларининг иштироки жуда ҳам фойдали бўлиши ҳаммага маълум.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олиш ишига оммавий ахборот воситалари ҳам жалб қилиниши, уларни нафақат жиноятчилик, олдини олиш ва профилактика қилишда, балки ижобий хулқ-атворни, қонунларга итоаткорлик руҳини шакллантириш борасида тарғибот ишларини амалга ошириш учун ёрдамга чақириш жуда муҳим.

Аҳолини жиноятчиликнинг олдини олишга фаол жалб этиш учун, жамоатчилик онгида ҳар бир шахснинг шахсий хавфсизлиги умумий жиноятчиликнинг олдини олишнинг самарали тизимсиз таъминланиши мумкин эмаслиги принципни шакллантириш ва мустаҳкамлаш лозим бўлади. Бунинг учун эса, давлат имкониятларининг инсонда қонунларга итоаткорлик руҳи шаклланишига ва уни рағбатлантиришга, рағбатлантирувчи

нормалардан рационал фойдаланиш ва мажбурлашдан қочишга қаратилиши самарали бўлади. Шу билан биргаликда, виктимологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни аҳолига етказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу билан инсонга нисбатан жиноий ҳаракат содир қилиниши учун шароитлар ўзгартирилади ва унинг жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли бартараф этилади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 25 апрелда ўтказилган видеоселекторда белгиланган тапшириқлар ижросини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш, унга қарши курашишни кескин кучайтириш, содир бўлган ҳар бир жиноятни қисқа муддатларда маҳаллада кенг жамоатчилик ва аҳолини жалб қилган ҳолда атрофлича муҳокама қилиш, аҳолининг содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабардорлигини ошириш ҳамда жиноятларни содир этиш сабабларини муҳокама қилиш бўйича ягона амалиётни шакллантириш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Худудда жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида"ги Қўшма қарори³ қабул қилинган.

Ушбу қарорга мувофиқ, содир бўлган ҳар бир жиноятни қисқа муддатда (жиноят содир бўлган кундан кечиктирмасдан ёки кейинги кун) бевосита прокурор ва ички ишлар раҳбари, шунингдек худуддаги профилактика инспектори иштирокида, энг аввало, айнан жиноят содир бўлган маҳалла ва жиноят содир қилган шахснинг яшаш жойида кенг жамоатчилик (халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар жамоалари, Ёшлар иттифоқи вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари, Нуроний жамғармасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) вакиллари иштирокида чуқур муҳокама қилиш амалиёти жорий қилинди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олиш механизмида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, уларни бошқарилиши юзасидан жамоатчилик фикри ҳам эътиборга олинishi лозим. Бунинг учун, аҳоли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишлари лозим. Бундан ташқари, криминологик изланишлар доирасида улар ҳақида, уларга нисбатан аҳолининг муносабати ва баҳоси, ижобий ва салбий фикрлар тўғрисидаги жамоатчилик фикри юзасидан мақсадли сўровлар ўтказилиши фаолиятимизни янада яхшилашга хизмат қилади.

1 Зарипов З., Исмаилов И. Криминология. Дарслик. – Т.: 1996. – Б.8

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон

3 2018 йил 31 январь куни Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши раиси(4-Қ/Қ-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири(6-сон) томонидан имзоланган "Худудда жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида"ги Қўшма қарори.

Айнан шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сон қарорига мувофиқ ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланиб, ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, қонунийлик аҳволи ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш, ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказиш, аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш белгиланди.

Мазкур қарор билан ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Мамлакатда кенг миқёсда ташкил этилган бу тадбирлар ўз самарасини тез вақтда кўрсатди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни амалга оширадиган органлар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги кутилган натижаларни берди ва мамлакат раҳбарининг бу йўналишдаги ташаббуси омма томонидан жуда ҳам маъқулланди. Ахир ҳамма ҳам тинч ва барқарор жамиятда яшашни исташи табиий.

Охириги 3-4 йил ичида мамлакатда жиноятчилик кескин камайди. Чет эллик меҳмонлар, туристлар, тадбиркорлар нафақат Тошкент шаҳри, балки Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари кечаю, кундуз бирдек осойишта эканлигини бежиз таъкидлаган эмаслар. Улар мамлакатимизни айланиб, ҳар бир ҳудудида бўлиб, шундай хулосага келганлар. Аслини олганда барча халқлар ҳам тинч, осуда яшашни истадилар, лекин ҳамма давлат ҳам бунга эришган эмас. Бунинг замирида катта уюшқоқлик, меҳнат, масъулият ва талабчанлик ётади.

Пандемия шароитида кўпгина давлатларда аҳоли жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар, умумий тартибсизликлар, талончилик, ўзгалар мулкани нобуд қилиш, ёқиш каби нохуш ҳаракатлар содир этдилар. Ўзбекистон халқи бу синовдан ҳам чекланган йўқотишлар билан, сабр ва босиқлик намоён этиб босиб ўтдилар. Ўзбекистон Президентининг бу жараёндаги фаолияти нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси мувофиқ, Бош прокуратуранинг “Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими” янги тузилмасининг асосий вазифаларидан бири оммавий ахборот воситалари кўмагида прокуратура органлари ҳақида жамоатчиликнинг объектив фикрини шакллантириш ҳамда маҳаллий ва хориж жамоатчилигини прокуратура органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилишдан иборатдир.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ҳуқуқ” газетаси таҳририятининг ўрнини алоҳида эътироф этиш мумкин. Газетада прокуратура органларининг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўлидаги самарали фаолиятини оммага етказиш яхши йўлга қўйилган.

Прокуратура органларининг қонунчилик ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини янада ошириш ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини сўзсиз амалга ошириш мақсадида жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланиб, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган тадбирлар қаторида аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатиш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонун бузилишига нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ва профилактика тадбирларининг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги тадбирларнинг таъсирчанлигини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш қайд қилинди¹.

Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли Фармони.



янада ошириш мақсадида, шунингдек, илмий ва амалий тадбирларни биргаликда олиб боришни назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академиясида Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди. Таъкидлаш лозимки, ушбу марказ нафақат жиноятчиликка қарши курашнинг назарий масалаларини таҳлил этиш, балки амалий жиҳатдан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича самарали ишларни амалга ошириш йўлини, усулларини ҳам амалиётга тақдим этмоқда.

Жумладан, пандемия шароитида дунёда содир этилган жиноятчилик, унинг аҳволи ва ушбу ҳолатларни мамлакатимиз ҳудудидаги таъсири юзасидан “Карантин даврида жиноятчилик аҳволи” мавзусида тўплам (дайжест) ишлаб чиқилди. Унда карантин даврида яққаланиш режими жорий этилгандан сўнг, оилада содир этиладиган жиноятлар ҳамда бошқа турдаги алоҳида жиноятларнинг (қасддан одам ўлдириш, ўғирлик, фирибгарлик, талончилик) сабаб ва шарт-шароитлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари ўрганилди ва амалиётга жорий этишга тақдим этилди.

Хусусан,

– ижтимоий тармоқлар ёрдамида гиёҳвандлик моддаларини реализация қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш юзасидан таҳлилий-маълумотнома;

– вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва тизимли муаммоларни бартараф қилиш юзасидан таҳлилий-маълумотнома;

– республикада кибержиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларга қарши курашиш ҳамда уларнинг содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини бартараф қилиш юзасидан таҳлилий-маълумотнома каби кўплаб илмий-амалий таклифларга асосланган материаллар тайёрланди.

Шу билан бирга, ИИБ Академияси билан ҳамкорликда жиноятларни криминологик прогноз қилиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва амалиёт учун фойдаланишга тақдим этилди. Худди шунингдек, айрим жиноят турлари бўйича амалга оширилган таҳлиллар асосида қисқа муддатда бир нечта методик қўлланмалар чоп этилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида халқаро амалиётга доир 2020 йил ўтган ойлар учун дайжестлар тўплами тайёрланди. Мазкур дайжестларда хорижий амалиёт-

нинг энг самарали деб топилган чора-тадбирлари, шунингдек, мамлакатимиздаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ишлар акс эттирилган.

Ушбу таҳлилий материаллар сўзсиз ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, кескин чоралар ва амалий ишлар қилишга самарали таъсирини кўрсатди.

Академия маркази БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик масалалари бўйича бошқармаси билан биргаликда “Одил судловга қаратилган таълим” ҳамда “Хавфсиз, инклюзив ва барқарор жамиятларда шаҳар хавфсизлигини бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар тузилди ва ушбу лойиҳа асосида тизимли тарзда тадбирлар ўтказилмоқда.

Марказ томонидан БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ёрдами билан OLX интернет сайти ҳамкорликда “Интернет-фирибгарлардан қандай қилиб сақланиш мумкин” номли ижтимоий видеоролик ишлаб чиқилиб, интернет маконда кенг тарқатилди.

Бундан ташқари, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ГМЖБ) Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда “Мен спортни танлайман!” ижтимоий мотивацион видеороликларни ишлаб чиқди ва бу аҳоли ўртасида ижобий қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мамлакатда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш йўналишида барча органлар ва улар олиб бораётган сиёсат аҳолининг тинч ва осойишта яшашига шароит яратиб бермоқда. Дунёда мавжуд беқарорликни англаган Ўзбекистон халқи мамлакатнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилишлари лозимлигини ва тинчлик учун уларнинг ўзларининг масъуллигини англаб етмоқдалар. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлиги халқимизни жамоат ишларида астойдил иштирок этишларида кўринади. Улар ўзлари, оила аъзолари ва жамият олдидagi масъулиятни доимо ҳис қилиб яшашлари, атрофдаги ҳодисаларга бепарволик билан муносабатда бўлмасликлари, тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш барчанинг кундалик ҳаёт тарзига айланиши зарур эканлигини эътироф этадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зарипов Э., Исмаилов И. Криминология. Дарслик. – Т.: 1996. – Б.8
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон
3. 2018 йил 31 январь куни Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши раиси(4-Қ/Қ-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири(6-сон) томонидан имзоланган “Худудда жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида”ги Қўшма қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамла-

Ваҳобжон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, юридик фанлар доктори

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ҚУРИЛМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ёритилган ҳамда уларни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

АННОТАЦИЯ. в статье освещены сущность изменений и дополнений внесенных в оперативно-розыскное законодательство Республики Узбекистан, а также рекомендации по их совершенствованию.

ABSTRACT. The article highlights the main points of changes in operational-search legislation of the Republic of Uzbekistan and gives recommendations for further development of legislation.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, техник воситалар, телекоммуникация қурилмалари, телефон биллинг.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, технические средства, телекоммуникационные устройства, биллинг телефона.

Key words: operational-search activities, operational-search events, forensics, telecommunication devices, telephone billing.

Мамлакатимизда тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-651-сон Қонун билан жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган янгиликлар мазкур соҳада белгиланган долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида қайд этилган 16 та тезкор-қидирув тадбирларининг ай-

римларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 14-модданинг ўнинчи хатбоши-сидаги тезкор-қидирув тадбирининг номланиши “Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш” деб ўзгартирилиб, унга кўра, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўшимча равишда техник воситалар (компьютерлар ва алоқа қурилмалари)ни ҳам текшириш ваколати юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, ушбу тезкор-қидирув тадбирининг қонундаги тушунчаси ҳам ўзгартирилиб, қуйидаги таҳрирда берилди: Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадида турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир.

Тадбир объектини ташкил қилувчи жойлар, бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари ва транспорт воситаларини текшириш тезкор бўлинмалар ташаббуси билан кундалик тадбирлар доирасида ўтказилади. Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини чеклаш орқали ўтказиладиган текшириш тадбири-



га Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига биноан фақат прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади. Тадбир доирасида техник воситалар (компьютерлар ва алоқа қурилмалари)ни кўздан кечириш ҳамда ўрганиш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам янгидан киритилган бўлиб, бунда уни ўтказиш учун “прокурордан рухсат олиш керакми”? деган асосли савол туғилади, чунки юқоридаги қонунда бу борада ҳеч нарса дейилмаган. Башарти, бу каби воситалар фуқароларнинг турар жойида ёки иш жойлари (офислари)да бўлар экан, албатта бундай тадбирни ўтказиш учун прокурор санкцияси олиниши лозим бўлиб, фикримизча, бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш талаб этилади.

Хориж тажрибаси ўрганилганда, Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 6-моддаси биринчи қисмида “Компьютер ахборотларини олиш”га доир тезкор-қидирув тадбири ўз аксини топган бўлиб, ушбу тадбир ошкора ва ношкора шаклларда амалга оширилади. Ошкора шаклдагиси компьютер тармоқларидаги очиқ ахборотларни мониторинг ва таҳлил қилиш йўли билан улар ичидан тезкор бўлинмалар учун қизиқиш туғдирувчи маълумотлар олинса, ношкора шаклдагиси эса бевосита компьютер қурилмалари ёки тармоқларига уланиш орқали зарур ахборотни олиш ва улардан тезкор-тактик мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлиб, бу шакли фақат суд қарорига мувофиқ ўтказилиши белгиланган¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритилган яна бир ўзгартишга кўра, унинг 14-моддаси ўн биринчи хатбошисидаги тезкор-қидирув тадбирининг эски номланишидан “бошқа хабарлар” деган жумла чиқариб ташланиб, “Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш” деган янги таҳрирда берилди ҳамда тегишинча унинг тушунчаси ҳам қўйидаги таҳрирда баён этилди: Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда телеграф хат-хабарларни ношкора танлаб олиш ва ўрганишдан иборат бўлган тадбир.

Тадбирнинг эски номидаги “бошқа хабарлар” жумласи мазкур модданинг ўн иккинчи хатбошисидаги “Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш” тезкор-қидирув тадбиридаги “телекоммуникация қурилмалари” билан қамраб олиниши сабабли чиқариб ташланди.

Назорат объектларини почта алоқаси тармоқлари орқали юбориладиган хатлар, телеграммалар, посилкалар, бандероллар, банк контейнерлари, пул ва курьерлик жўнатмалари ташкил этади. Бунда муайян шахсга юборилган ёки ундан чиқаётган, шунингдек муайян манзилга келиб тушувчи ёки ундан чиқувчи барча хат-хабарлар назорат қилиниши мумкин. Почта муассасаларини четлаб алоҳида шахслар орқали юборилган почта жўнатмалари ушбу тадбирни ташкил қилмайди.

Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тартиби тезкор-қидирув қонунчилиги² ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмаларини цензурадан ўтказиш мазкур тезкор-қидирув тадбирини ташкил қилмайди, чунки уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби жиноят-ижроия қонунчилиги³ ҳамда Ички ишлар вазирлигининг тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинган⁴.

Мазкур тезкор-қидирув тадбири ўз моҳиятига кўра, жиноят процессидаги почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тергов ҳаракатига ўхшаб кетади⁵. Уларнинг фарқи шундаки, почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш тезкор-қидирув тадбири тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарорга мувофиқ прокурор санкцияси асосида ўтказилса, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тергов ҳаракати суд ажримига биноан ўтказилади.

Терговчи ёки суриштирувчининг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори прокурор орқали судга юборилади. Судья почта-телеграф жўнатма-

1 Қаранг: Дубоносос Е.С. Оперативно-розыскная деятельность: учебник и практикум для вузов. – М.: Юрайт, 2020. – С. 224-225.

2 Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув тўғрисида”ги ЎПҚ-344-сонли Қонуни 14-моддаси ўн биринчи хатбошиси // www.lex.uz

3 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // www.lex.uz

4 2013 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 228 – 234-бандлари // www.lex.uz

5 2013 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 228 – 234-бандлари // www.lex.uz

ларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, уларни хатлаш тўғрисида ёки хатлашни рад этиш ҳақида асосланган аҳрим чиқаради. Тадбирни ўтказиш ҳақидаги қарор тегишли алоқа муассасасининг бошлиғи номига юборилади ва уни бажариш мазкур бошлиқ учун мажбурийдир. Бу қарор ёки аҳримни бажармаслик ёки унинг ошкор этилиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунга киритилган яна бир ўзгартишлардан бири – бу “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”-ги Қонуннинг 14-моддаси ўн иккинчи хатбошисида қайд этилган “Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш” тезкор-қидирув тадбирининг янги, яъни, “Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш” деган таҳрирда берилиши бўлди. Тегишинча унинг тушунчаси ҳам ўзгартирилиб, “махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган сўзлашувларни, шу жумладан узатиладиган матнли, график ва мультимедиа ахборотини ношкора эшитиб туриш, тутиб қолиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир” деган таҳрирда берилди. Яъни бунда тадбирнинг эски номидан фарқли ўлароқ янги тадбир нафақат ахборотини ношкора эшитиб туришни, балки улар орқали узатиладиган ахборотни олиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, тадбирнинг янги номи Жиноят-процессуал кодексининг 169-моддаси номланиши билан айнанлаштирилди.

Мазкур тезкор-қидирув тадбиридаги “телекоммуникация қурилмалари” билан 14-модданинг ўн учинчи хатбошисидаги “Алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш” деб номланган тезкор-қидирув тадбири қамраб олингани сабабли ушбу тадбир рўйхатдан чиқариб ташланди.

Телекоммуникация атамаси икки сўз теле (юнонча – узоқлик) ва коммуникация (лотинча – хабар, алоқа) бирикмасидан ҳосил бўлиб, узоқ масофага хабар узатиш деган маънони англатади⁶. Телекоммуникация – бу сигнал, белги, матн, тасвир, овоз ва бошқа турдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимлари мажмуидир⁷. Бугунги кунда телекоммуникациянинг асо-

сий тармоқларини, телефон алоқасидан ташқари, интернет, мобиль алоқаси, ахборот узатиш тармоқлари (симсиз, оптик толали ва бошқалар), йўлдош алоқа тизими, рақамли телевидение ва электрон банкинг (масофадан банк хизмати кўрсатиш) тизими ташкил этади.

Украина миллий аэрокосмик университети мутахассислари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра ҳозирги кунда узатиладиган ахборотнинг телекоммуникация тармоқлари бўйича тақсимооти қуйидагича: интернет – 30%, мобиль алоқа – 20%, ахборот узатиш тармоқлари – 15%, йўлдош алоқа тизими – 10%, рақамли телевидение – 10%, телефон алоқаси – 10% ва электрон банкинг – 5%⁸. Бундан кўринадики, бу соҳада ахборот узатишнинг тенг ярми интернет ва мобиль алоқасига тўғри келса, қарийб учдан бир қисми интернет улушига тўғри келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони 22 миллионни, шу жумладан мобиль интернетдан фойдаланувчилар сони 19 миллионни ташкил этади⁹.

Ушбу тадбир учун фойдаланиладиган алоқа каналларининг техник хусусияти (симли алоқа линиялари, радиотелефон каналлари, уяли алоқа, йўлдош алоқаси каналлари кабилар) ҳуқуқий жиҳатдан қараганда муҳим эмас. Ўзининг мазмунига кўра мазкур тезкор-қидирув тадбири Жиноят-процессуал кодексининг 21-бобида¹⁰ назарда тутилган тергов ҳаракати, яъни телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишга ўхшаш бўлиб, бунда қўзғатилган жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи томонидан зарур ҳужжатлар тайёрланиб, прокурор санкцияси олиниб, тегишли тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган орқали махсус ваколатли давлат органига ижро этиш учун юборилади.

Мазкур тадбир телефон орқали бўладиган сўзлашувларни эшитиб туриш билан боғлиқ алоқа тармоқларидан нутқий ахборотни узатишдан ташқари, бошқа телекоммуникация қурилмалари (телекс, селектор, радиорелели ахборот узатиш каналлари, шахсий радиочақирув тизимлари (пейжинг алоқаси), шунингдек абонентлик телеграфи, IP-телефония, электрон почта тармоқлари, интер-

6 Словари и энциклопедии на Академике. <http://dic.academic.ru>

7 Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. /Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020. 4-том. – Б. 58.

8 Украина миллий аэрокосмик университети «ХАИ» веб-сайти <http://k504.khai.edu>

9 Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги веб сайты.

10 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 21-боби Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ўРҚ-651-сонли Қонуни таҳририда.



нет, факсимиль хабарлар, рақамли маълумотлар узатиш, компьютерлар ўртасида видеосигналлар ва бошқа хабарлар (масалан, sms, mms хабарлар) ҳамда бошқа алоқа каналлари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, шунингдек улар орқали узатиладиган ахборотни олишга оид ҳаракатларни қамраб олади.

Фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, худди шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан таҳдид юзага келган тақдирда, уларнинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишга мазкур шахсларнинг аризасига ёки ёзма розилигига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари тасдиқлаган қарор асосида рухсат этилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилинади¹¹.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, бу каби тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослангандиган қарор асосида йўл қўйилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилинади. Узоқ давом этадиган тезкор-қидирув тадбири ўтказилган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган бундай тадбирни ўтказиш ҳақида тадбир бошланган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида прокурорнинг санкциясини олиши ёхуд тадбир ўтказишни тугатиши шарт¹².

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш чоғида олинган ахборот қайд этилиши (ёзилиши) керак. Сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш натижасида олинган фонограммалар муҳрланган ҳолда, бегона шахслар эшитиши ва кўпайтиришдан ҳимояланган шароитда сақланади. Сўзлашувларни эшитиб турилган шахсларга нисбатан жиноят иши кўзғатилган тақдирда сўзлашувларнинг фонограммаси ва ёзувларининг қоғоздаги манбалари суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор бўйича жиноят ишига қўйиш учун юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-651-сонли Қонуни билан «Тезкор-қидирув фаолияти тўғриси-

да»ги Қонуннинг 14-моддаси ўн учинчи хатбоши-си «Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш» деб номланган янги тезкор-қидирув тадбири билан тўлдирилди. Қонунда унинг тушунчаси қуйидаги таҳрирда берилган: «Абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ноошкора олишдан иборат бўлган тадбир».

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мобиль телефонлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки қарийб ҳар бир фуқарода уяли алоқа воситалари мавжуд бўлиб, нафақат улардан қўнғироқ қилиш учун, балки интернетга кириш, матнли хабарларни юбориш ҳамда дунёда бўлаётган турли ҳодисаларни ёзиб олиш ва уларни тарқатишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, телефон орқали унинг эгаси манзилини, бошқа абонентлар билан боғланишларини аниқлашда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Муқаддам абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш тадбири «Маълумотлар тўплаш» тезкор-қидирув тадбири доирасида ўтказиб келинган бўлиб, бунинг учун тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг сўров хати орқали алоқа операторлари томонидан тегишли ахборот тақдим қилинади эди.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда такомиллаштириш, тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда қонун устуворлиги принципларини рўёбга чиқариш мақсадида тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра «Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш» тезкор-қидирув тадбири, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослангандиган қарорга ҳамда прокурорнинг санкциясига мувофиқ, махсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад текшириладиган шахсларнинг жиноий фаолиятга алоқадорлиги, қидириладиган шахсларнинг ёки алоқа воситаларининг қаердалиги ва шу каби бошқа ахборотларни аниқлаш учун абонентлар ёки абонент қурилмала-

11 Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сонли Қонуни 16-моддаси тўртинчи қисми.

12 Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сонли Қонуни 16-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари.

ри ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборотларни олишдан иборатдир. Мазкур тадбирнинг моҳиятини тўғри англаш учун “абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” атамаси мазмунини тўғри тушуниб олиш лозим. Одатда ушбу тадбир “телефон биллинг (деталлаштириш)”¹³ деб аталиб, кундалик ҳаётда ва айниқса жиноятчиликка қарши курашда ундан кенг фойдаланилади. Маълумки, ҳар бир телефон қурилмаси ноёб (IMEI) кодга эга бўлиб, унга сим-карта қўйилиб илк бор қўнғироқ қилиниши (SMS юборилиши ёки интернетга кирилиши) билан телефон тегишли мобиль алоқа оператори тармоғи серверига қайд қилинади ва унда сақланади. IMEI код ёрдамида: а) қурилманинг манзили;

б) қурилмани узиб қўйиш; в) тариф режага оид маълумот; г) кирувчи, чиқувчи қўнғироқлар, SMSлар; д) абонент ҳақидаги ахборотларни олиш мумкин. Ушбу код зарур ҳолларда (масалан, телефон йўқолганда, ўғирланганда) телефон апаратининг жойини аниқлаш ва уни узиб қўйиш имконини беради. Бундай маълумотлар биллинг серверига юборилади ва у ерда узоқ вақт сақланади. Шунингдек, у ерда тариф режа, қўнғироқлар ва SMSлар тарихи ҳамда ҳисоб тўлдирилганига оид ахборотлар жамланади¹⁴.

Мазкур тадбир ҳақида сўз борганда қўнғироқ ва SMSлар тарихи ҳамда унинг қаерда эканлигига оид ахборотларнинг долзарблиги ошади ва телефон апаратининг жойи оператор томонидан жуда тез аниқланиши мумкин. Муайян телефон орқали қўнғироқ қилинганда (SMS юборилганда, интернетдан фойдаланилганда) объектга яқин жойлашган станция антеннага сигнал юборилади ва шу орқали унинг манзилини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда телефон ёки унинг эгасини қидириш мақсадидан қатъи назар, телефон биллингдан юзага келган муайян вазиятдан келиб чиқиб фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бир қатор хорижий давлатларда, жумладан, Россия Федерациясида телефон биллингдан фойдаланишнинг қуйидаги турлари кўп учрай-

ди: Биринчи турдаги телефон биллинг (оддий деталлаштириш), яъни алоқа оператори телефон эгасининг аризасига кўра, унинг муайян вақтдаги боғланишлари (қўнғироқ, SMS ва ҳ.к.), телефон сақланаётган жой, ҳисобдаги маблағлар, қилинган харажатлар, йўқолган аппаратдаги телефон китобчасини тиклаш юзасидан ҳақ эвазига тегишли ахборотларни тақдим этиши мумкин. Телефон биллингдан фойдаланишнинг бошқа турлари эса суд қарорига биноан ўтказилади. Иккинчи турдаги телефон биллингидан нафақат боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида, балки қўнғироқ қайси жойдан амалга оширилганлиги, абонентнинг ҳудуд бўйича ҳаракат қилиши (геолокацияси)га оид ахборотларни олиш мумкин. Учинчи турдаги телефон биллинг яна ҳам мураккаброқ бўлиб, бунда абонентнинг ҳудуддаги ҳаракатларидан ташқари у билан боғланган бошқа абонентнинг ҳам ҳаракатлари (геолокацияси), қайси ҳудуддан қўнғироқ қилаётгани ҳақидаги ахборотларни олиш мумкин. Бу ҳолда таҳлил қилиш учун кўпроқ имконият яратилади, чунки муайян телефоннинг сим-картаси олиб ташланганда ёки алмаштирилганда ҳам телефон ёки ундан фойдаланаётган шахснинг ҳаракатини ундаги IMEI код орқали назорат қилиш мумкин¹⁵.

Ушбу тезкор-қидирув тадбири Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари тезкор-қидирув қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, бу тадбир Қозоғистонда прокурорнинг санкциясига биноан ўтказилса¹⁶, Қирғизистонда эса фақат суд қарорига биноан ўтказилади¹⁷.

Мазкур тадбирни ўтказиш орқали аксарият оғир ва ўта оғир жиноятлар фош этилиши, қидирувдаги шахс ёки телефон апаратининг аниқ жойини аниқлаш каби техник жиҳатдан самарали ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин. Телефон биллингининг аниқлиги, авваламбор, муайян ҳудуддаги мавжуд станция антенналарининг жойлашиш даражасига боғлиқ. Масалан, шаҳар марказида бундай антенналар кўплиги сабабли аниқлик тахминан 10-15 метргача бўлса, чекка ҳудудларда уларнинг аниқлиги 800 метргача бўлиши мумкин¹⁸.

13 Биллинг – (инглизча – billing) тўлов учун ҳисоб киритиш маъносини англатади (манба <http://itglobal.com>)

14 Қаранг: Дерюгин Р.А. Специализированная криминалистическая техника, предназначенная для анализа и обработки информации о соединениях между абонентами или абонентскими устройствами // Полицейская и следственная деятельность. 2016. №3. – С. 32-35.

15 Қаранг: Дерикьянц П.П. Обзор архитектур современных биллинговых систем и перспективы их развития. Краснодар: Электронный журнал Кубанского государственного аграрного университета. 2013. № 1. – С. 47-48.

16 Қозоғистон Республикасининг 1994 йил 15 сентябрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 154-ХIII-сонли Қонуни 11-моддасининг учинчи пункт, учинчи кичик пункти.

17 Қирғизистон Республикасининг 1998 йил 16 октябрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 131-сонли Қонуни 7-моддасининг биринчи қисм, йигирма биринчи банди.

18 Қаранг: Калужный А.Н. Использование возможностей средств сотовой связи в раскрытии и расследовании преступлений, посягающих на свободу личности // Актуальные вопросы судебно-экспертной деятельности ОВД / Вестник Восточно-Сибирского института МВД РФ. 2018. № 2. С. 54-55.



Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддаси еттинчи қисмида “Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, тезкор кузатув, почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар сифатида амалга оширилади” деган талаб қўйилган. Аммо ушбу рўйхатга “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” тезкор-қидирув тадбири киритилмаган.

Ваҳоланки, бу тадбир фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳолда ўтказилиши сабабли, уни ўтказиш учун прокурор санкциясини олиш талаб этилади. Шу боис, юқоридаги тадбирлар рўйхатини ушбу тезкор-қидирув тадбири билан тўлдириш тўғрисида қонуннинг 16-моддаси еттинчи қисмига ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмалари ихтиёридаги мазкур тезкор-қидирув тадбирларининг мавжудлиги, шунингдек уларнинг рўйхатини янги тезкор-қидирув тадбирлари ва техник воситалар билан тўлдирилиши оғир ва ўта оғир жиноятларга қарши курашиш самардорлигини янада оширади.

.....





Эркин САТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
бўлим бошлиғи, психология фанлари номзоди, доцент

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВНИНГ ИЛҒОР АМАЛИЁТИДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАР МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАТБИҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада компетентлик, шу жумладан бошқарув компетентлигини ўлчаш заруриятининг келиб чиқиш сабаби, компетенциянинг моҳиятига нисбатан аниқ бир фикрга келинганлиги, унга одамнинг самарали ишлаши билан сабабли боғлиқ асосий характеристикаси сифатида таъриф берилиши, компетенциянинг таркибий қисмлари масалалари муҳокама қилинган. Айниқса, компетенциялар моделларини яратишда олимларнинг кенг қамровли тадқиқотларга асосланганликлари, бунинг натижаси сифатида менежернинг самарали хулқ-атвори билан боғлиқ компетенциялар кластерлари ишлаб чиқилганлиги тўғрисида гап боради. Америка меҳнат вазирлиги томонидан таъсис этилган Энг муҳим Малакаларни Ривожлантириш бўйича Давлат Комиссияси томонидан белгилаб берилган “умумий” компетенциялар рўйхатининг татбиқ этилиши натижалари таҳлил қилинганган. Компетенцияларни тушунишга ва аниқлашга америкача ёндашув масалалари атрофлича муҳокама этилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются причины возникновения необходимости измерения компетенций, формирования конкретного подхода к определению значимости компетенций, характеристики компетенций как основы эффективной работы человека, компонентов компетенций. Отмечается обоснованность создания моделей компетенций на основе исследований, разработанность на этой основе кластеров компетенций, определяющих эффективное поведение менеджеров. Проанализирован список общих компетенций, определенный Государственной Комиссией по Развитию Важнейших Навыков, учрежденной Американским министерством труда. Также всесторонне изучен Американский подход к пониманию и определению компетенций.

ABSTRACT. The article discusses such issues as the reasons for the emergence of the need to measure competencies, the formation of a specific approach to determining the importance of competencies, the characteristics of competencies as the basis for effective human work, components of competencies. Especially, we are talking about the validity of the creation of competency models by thorough research, the development on this basis of clusters of competencies that determine the effective behavior of managers. The list of “general” competencies defined by the State Commission on the Development of Essential Skills, established by the US Department of Labor is analyzed. The American approach to understanding and defining “competencies”, which later had a decisive influence on the management system of many companies, as well as the question of the fact that the list of competencies developed for managers is reflected in the behavioral system has been comprehensively analyzed.

Калит сўзлар: Компетентликни ўлчаш, интеллект тестлари, компетенция, яхлит модель, “Катта саккизлик” компетенциялари моделлари.

Ключевые слова: Измерение компетентности, тесты интеллектов, компетенция, целостная модель, модели компетенций «Большая восьмерка».

Key words: Measurement of competence, intelligence tests, competency, holistic model, G8 competency models.

Компетентлик (конкрет одамнинг мазкур меҳнат постидаги фаолиятга лойиқлик даражаси) ни ўлчаш, айниқса бошқарув компетенцияларини ўлчаш, уларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ўтган асрнинг охирларига келиб ривожланган давлатларда долзарб масалалардан бирига айланди. Саноат ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари ривожланишида асосий ролни ўйнайдиган бошқарув кадрлари салоҳиятини ошириш, бу борада турли технологияларни ишлаб чиқиш масаласига АҚШда биринчилардан бўлиб алоҳида эътибор қаратилди. Компетентликни ўлчаш масаласи когнитив (билиш билан боғлиқ) интеллектни ўлчашга йўналтирилган анъанавий тестлар қўлланилишининг муқобили сифатида ишлаб чиқилди, чунки бу борадаги тестлар иш самарадорлигини прогноз қилиш учун унчалик етарли имкониятга

эга эмас эди. Аммо қатор муаллифлар, масалан, Баррет ва Деспинет (6) интеллект тестларининг прогностик қобилияти борлиги тўғрисидаги фикрни ҳимоя қилишади. Компетенциявий ёндашув йўналишидаги тадқиқотчилар муваффақиятли ва самарали ижрочилар камроқ даражада муваффақиятга эга одамлардан нимаси билан фарқ қилишини аниқлашни мақсад қилиб қўйишган ва муаммони ўрганишни шу тоифадаги одамларни кузатишдан бошлашган. Компетенция, шу тариқа, когнитив қобилиятлар, масалан, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тартибга солиш ва ижтимоий малакалардан ташқарида жойлашган малака ва хусусиятларни ўз ичига олади деган фикрга келинди. Улардан айримлари эса индивидуал таксономияга (мураккаб тизимга) киритилиши мумкин. Компетенция индивидуаллик ва интеллектдан фарқ қилиб,



кўп даражада хулқ-атвор характеристикаси бўлганлиги учун у ўқитиш ва ривожлантириш орқали шакллантирилиши мумкин (16). Бу анъана АҚШда алоҳида ривожланган бўлиб, у ерда компетенциялар “одамнинг асосий характеристикалари” атама-ларида ифодаланиб, улар “ишни самарали ва аъло даражада бажарилиши билан сабабли боғлиқ” ва “турли вазиятларда ва узоқ муддатли вақтда намоён бўладилар”, деб қаралади (7; 1). Hay Group (лавозимларни балл-фактор асосида баҳолаш тизими) (13) бу ёндашувнинг АҚШ компанияларида кенг тарзда қўлланилишини намоёиш қилиб берди.

АҚШда компетенциялар муаммосини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган ва амалиётга татбиқ этган олим Бояцис фикрларига эргашиш анъанаси мавжуд. 12 та компанияда 41 хил лавозимни эгаллаган Бояцис 2000 та менежерда ўтказган тадқиқоти асосида турли хил бошқарув билан боғлиқ вазиятларда менежерлар фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаб берадиган хусусиятларини аниқлади. Аҳамиятга эга жиҳати шундаки, Бояцис “компетенция” тушунчасининг таърифини белгилаб берди. Унинг фикрига кўра, “компетенция” – бу одамнинг самарали ишлаши билан сабабий боғлиқ бўлган асосий характеристикасидир” (7). Компетенцияга мотивлар, хусусиятлар, малакалар, одамнинг ўзини ўзи қандай тасаввур қилиши ва ижтимоий роль, шунингдек, билимлар кириши мумкин. Бояцис менежерлик компетенцияларининг яхлитланган моделини таклиф қилиб, у ушбу хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг ҳам бошқарув функциялари билан, ҳам ички ташкилий муҳит билан муносабатларини тушунтириб берди.

Худди шу сингари, Л.Спенсер ва С.Спенсерлар (23) иш ўринларининг умумий моделини яратиш мақсадида 650 та иш ўрнини таҳлил қилиш асосида компетенцияларни баҳолаш методологиясини қўллаш имкониятини намоёиш қилдилар. Уларнинг фикрича, компетенциялар: мотивларни, белгиларни, Мен-концепцияни, муносабатлар ёки қадриятларни, билимлар мазмунини, когнитив ва хулқ-атвор малакаларини – ўлчаниши ва ҳисобланиши мумкин бўлган, “аъло даражадаги” ва “ўртача” ёки самарали ва самарасиз ижрочиларни табақалаштириб берадиган ҳар қандай индивидуал хусусиятларни ўз ичига олади (23; 1).

МакКлелланднинг олдинги ғояларини ифода-лаб, Бояцис компетенция тушунчасини иш самарадорлиги билан боғлайди. Унинг фикрича, “Самарали иш – бу маълум хатти-ҳаракатлар орқали ва хулқ-атворнинг, хатти-ҳаракатлар тартибининг ва ташкилот шароитларининг ягона йўналишини қўллаб-қувватлаш туфайли маълум бир натижаларга (муваффақиятга) эришишдир” (7). Персонал компетенция одамга ушбу хатти-ҳаракатларни амал-

га ошириш имконини беради. Компетенция – бу имконият: “Персонал компетенциялар жамланмаси одамнинг имкониятларини акс эттиради. Улар одам нима қила олишини (аммо қилиши шарт бўлмаган), бунинг устига вазият ва шароитга боғлиқ бўлмаган ҳолда қила олишини тавсифлайдилар”.

Компетенцияларни “самарали ишни қониқарли ёки самарасиз ишдан ажратиб турувчи характеристикалар жамланмаси” сифатида тавсифлар экан, Бояцис иш учун аҳамиятли, лекин самарага олиб келмайдиган характеристикаларни қандай белгилаш мумкин, деган саволга дуч келади. У буларни бошланғич компетенциялар деб аташга қарор қилади.

Мотивлар, хусусиятлар, ўзини қандай тасаввур қилиш ва ижтимоий роль, кўникмалар ва малакалар – ҳаммаси компетенциялар деб ҳисобланишига қарамасдан, Бояцис фикрига кўра улар иерархияни шакллантиради. Уларнинг ҳар бири турли даражаларда алоҳида мавжуд бўлиши мумкин: мотивлар ва хусусиятлар онгсизлик даражасида, кўникмалар хулқ-атвор даражасида бўлиши мумкин, малакалар эса бошқа барча таркибий қисмларга чуқур таъсир кўрсатиши мумкин.

Бояцис турли тадқиқотларни таҳлил қилиб, самарали ишни ажратиб турувчи, лекин ноёб бўлмаган характеристикаларни танлаб олган. Бунинг натижасида раҳбарнинг энг умумий компетенцияларидан 19 тасининг рўйхати тузилган ва улар 1982 йилдаги «The competent manager» номли нашрга киритилган. 19 та таркибдан 12 таси табақалаштирувчи ва 7 таси бошланғич компетенциялар сифатида белгиланган (2). Масалага бундай ёндашув кейинчалик компетенциялар моделларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Қанчалик мантиққа зид бўлмасин, АҚШда “умумий” компетенцияларни қўллаш “ядро” компетенцияларга йўналган стратегик ёндашув билан ёнма-ён ривожланиб келди. Тахминан қирқ йиллар олдин Америка Менежмент Ассоциацияси (АМА) компетенцияларнинг менежер самарали хулқ-атвори билан боғлиқ деб ҳисобланган бешта кластерини ажратиб кўрсатди. Бу натижалар Америка коллежлари ва Бизнес мактаблари Ассоциациясини (AACSB) компетенциявий ёндашувни Америка Бизнес мактабларига олиб киришига ундади (3). Кейинроқ Америка меҳнат вазирлиги томонидан таъсис этилган Энг муҳим Малакаларни Ривожлантириш бўйича Давлат Комиссияси (SCANS) “умумий” компетенциялар (ресурслар, шахслараро, ахборот тизимлари ва технологиялар) рўйхатини белгилаб берди. “Умумий” ва “ядро” компетенциялар ўртасидаги алоқа компетенцияларни моделлаштириш ва баҳолаш орқали амалга оширилади. Компетенцияларни моделлаштириш

муваффақиятнинг асосий (калит вазифасини бажарувчи) омилларини аниқлаш учун қўлланилса, компетенцияларни баҳолаш эса ушбу калит компетенцияларнинг ифодаланганлик даражасини аниқлаш учун қўлланилади (23).

XX асрнинг 90 – йиллари охирларидан бошлаб компетенциялар асосидаги HR-менеджмент АҚШда нафақат HRD (Human Resource Development – Инсон ресурсларини ривожлантириш)га нисбатан, балки лидерликка нисбатан ҳам, шунингдек, ходимларни танлашда, уларни лавозимда ушлаб туришда ва рағбатлантиришда ҳам кенг тарқалган ҳодисага айланди (4; 5; 8; 10; 17; 20). Бу даврда компетенциялар концепцияси, унга МакКлелланд анъанасидаги хулқ-атвор ёки психо-социал характеристикалар билан бир қаторда, билимлар ва малакаларни киритиш ҳисобига сезиларли даражада кенгайди. Ҳатто устун бўлган хулқ-атвор ёндашуви доирасида кўпчилик компетенциялар концепциялари эндиликда: муносабатлар, хулқ-атвор, иш одатлари, қобилиятлар ва шахс хусусиятлари билан бир қаторда ўзига билимлар ва малакаларни ҳам қўшиб оладиган бўлдилар (11; 12; 15; 18; 19; 22).

АҚШда пайдо бўлаётган компетенцияларнинг янада кенгроқ моделлари билимлар билан биргаликда ишлар ва жараёнлар стандартларини ҳам қамраб олади (9). Компетенциялар моделлари индивидуал қобилиятларни ташкилотнинг “ядро” компетенцияларига нисбатан тенглаштириш учун кенг қўлланилади (21). Компетенциялар моделига одатда Инсон ресурсларини ривожлантиришни ташкилий стратегия билан боғловчи механизм сифатида қаралади: “ташкilotдаги ишларни самарали бажариш учун зарур бўлган малакалар, билимлар, шахс ва хулқ-атвор хусусиятларини идентификация қиладиган тавсифловчи инструмент бизнесга стратегик мақсадларга эришиш учун ҳам ёрдам беради” (15). Олимлар (11) таъкидлашадики, “компетенциялар асосидаги методлар калит HR бизнес-жараёнларини ташкилотнинг стратегик мақсадлари билан мувофиқлаштириш учун ишлатилади (7).

1989 йилда Л.Спенсер ва С.Спенсерлар компетенцияларга бағишланган, шу пайтгача МакБер компанияси томонидан яқунланган ишларни таҳ-

лил қилишни бошладилар. Улар таҳлил билан нафақат раҳбарларни, балки турли-туман ташкилотлардан тадбиркорларни, сотувчиларни, хизмат кўрсатиш соҳаси ишчиларини ҳам қамраб олдилар. 20 йилдан ортиқ вақт давомида юздан зиёд тадқиқотчи 286 та моделни (уларнинг учдан икки қисми Американики, қолганлари эса 20 та мамлакат томонидан ёки ҳамкорликда ишланган) таклиф қилишди.

Л.Спенсер ва С.Спенсерлар ушбу барча моделларни таққосладилар ва олинган маълумотларни умумий тилга ўгирдилар (24). Кейин эса барча хулқ-атвор кўрсаткичлари умумий маҳраж топиш мақсадида таҳлил қилинди. Шундан кейин улар ҳар бир моделдаги хулқ-атвор индикаторларини ёзиб чиқишди. 760 тача атрофида хулқ-атвор турлари аниқланди. Улардан 21 та компетенцияни белгилаб берувчи 360 таси ҳар бир моделга киритилган хулқ-атвордан 80-98 фоизни ташкил этди. Уларнинг ҳаммаси хулқ-атвор индикаторларининг дастлабки луғатида жамланди.

МакКлелланднинг ва МакБер консалтинг компаниясининг фаолияти шу тариқа компетенциялар бўйича катта бир саноатни юзага келтирди.

Ҳам консалтинг, ҳам хусусий ташкилотлар АҚШда, Буюк Британияда ва бутун дунё бўйлаб ўзларининг моделлари ривожланиши методикаларидан фойдаланадилар ва қатор бошқарув жараёнларига татбиқ этадилар.

1970 ва 1980-йилларда америкалик иш берувчилар ва америкалик трансмиллий корпорациялар ўз ташкилотлари доирасида компетенциялар рўйхатини тузиш ташаббусини ўз қўлларига олдилар. Буюк Британияда жойлашган айрим трансмиллий корпорациялар нафақат бу ишни давом эттирдилар, балки ривожлантирдилар ҳам.

Кейинги пайтда “Катта саккизлик” модели кенг қўлланила бошлади. Бу модель SHL’s “Great Eight” Competencies (Saville and Holdsworth Limited, SHL) (14) компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у 8 та компетенцияни ўз ичига олади. Бу модель оммавийликка эришди ва ҳозирги кунда замонавий компанияларда қўлланилаяпти. Бу моделнинг афзаллиги – унда ифодаланган бошқарув компе-

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Спенсер Л. Компетенции на работе / Л.Спенсер, С.Спенсер; пер. с англ. Я. Яковенко. –М.: ГИППО, 2010.–384 с.
- 2.Что такое компетенции? FRANCOISE DELAMARE LE DEIST & JONATHAN WINTERTON // Human Resource Development International: пер. Я.Ю.Епугтаева.Vol. 8. – №1. – March. – 2005. – P.27-46.
- 3.Albanese R. Competency based management education //Journal of Management development. – 1989.pp. 14-20.
- 4.Allbredge, M. E. and Nilan, K. J. 3M’s leadership competency model: an internally developed solution, Human Resource Management. -2000., 39(2), pp. 133 – 145.
- 5.Athey T. R., Orth M. S. Emerging competency methods for the future //Human Resource Management: Published in Cooperation with the School of Business Administration, The University of Michigan and in alliance with the Society of Human Resources Management. – 1999. – Т. 38. – №. 3. – С. 215-225.



тенцияларининг тўлиқлигидир. Аммо, бизнинг фикримизча, бу моделга унда келтирилган компетенцияларни классификация қилиш учун мантиқий асоснинг етишмаслиги хос – улар структура ва тизимсиз - “тартибга солинмаган рўйхат” билан берилган. Бу компетенцияларнинг характеристикаси 1-жадвалда берилган.

1-жадвал. SHL's “Great Eight” (“Катта саккизлик”) компетенциялари моделининг тавсифи

Компетентлик	Тавсифи
Лидерлик ва қарор қабул қилиш	Назорат ва раҳбарликни амалга оширади. Бошқаларни хатти-ҳаракатга йўналтиради, йўналиш беради ва масъулиятни ўзига олади
Қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик	Бошқаларни қўллаб-қувватлайди, ижтимоий вазиятларда уларга ҳурмат ва ижобий муносабат намоён қилади. Алоҳида шахслар ва жамоа билан, мижозлар ва персонал билан самарали ишлаб, биринчи ўринга одамларнинг қизиқишларини қўяди. Ташкилот кадрларини тўлдирадиган ўз аниқ шахсий кадрлар билан ўзини изчил тутати.
Ўзаро таъсир ва таъсир кўрсатиш	Самарали мулоқотга киришади. Муваффақиятли ишонттиради ва бошқаларга таъсир кўрсатади. Бошқаларга ишонч билан ва хотиржам муносабатда бўлади.
Таҳлил ва интерпретация	Аниқ таҳлилий тафаккур ишотини намоён қилади. Мураккаб муаммолар ва саволларни тушунади. Ўз экспертизасини самарали қўллайди. Янги технологияларни тез ўзлаштиради. Ёзма тарзда яхши мулоқотга киришади.
Креативлик ва концептуаллаштириш	Янги ғоялар ва тажриба учун очик. Ўқини, ўрганиш имкониятини излайди. Вазиятлар ва муаммоларни инновациялар ва ижодкорлик билан ечади. Кенг ва стратегик фикрлайди. Ташкилий ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.
Ташкиллаштириш ва бажариш	Келажақни режалаштиради ва тизимли ҳамда ташкиллашган ҳолда ишлайди. Кўрсатмалар ва қондаларга риоя этади. Мижозлар эҳтиёжларини қондиришга йўналган ва келишилган стандартларга мос келадиган сифатли хизматлар ёки маҳсулотлар тақдим қилади.
Мослашиш ва бартараф этиш	Мослашади ва ўзгаришларга яхши жавоб қайтаради. Кўрсатилган босимни самарали бошқаради ва муваффақиятсизликларни уddaлайди.
Уддабуронлик ва интизомлилик	Ишнинг натижаларига ва шахсий мақсадга эришишга йўналган. Иш натижалар билан яқин боғлиқ бўлганда ва шахсий зўр бериш таъсири яққол бўлганда жуда яхши ишлайди. Бизнесни, савдо-сотикни ва молни тушунишни кўрсатади. Ўз-ўзини ривожлантириш ва карьерада ўсиш учун имконият излайди.

АҚШда ва Буюк Британияда иқтисодиётнинг давлат сектори етакчи позицияда бўлишига қарамасдан эрта содир бўлган қайта ўзгаришларнинг асосий қисми хусусий секторга тўғри келади. Буюк Британияда давлат сектори компаниялари, асосан ўрта ҳажмдагилари, қайта ўзгаришларни

фақат 1990 йилларнинг охирига келиб ўтказа бошладилар ва ҳозиргача бу ишни давом эттириб келмоқдалар. Ривожланишнинг бундай сценарийси инглиз тилида сўзлашувчи бошқа ҳудудларда, масалан, Австралия ва Канадада, шунингдек, Швейцария, Испания, Скандинавия давлатлари, Голландияда ва Германия ҳам кузатилади.

Компетенциявий ёндашувнинг шу йўл билан амалиётга тарқалиши “компетенцияларни” тушунишга ва аниқлашга америкача ёндашув кўпчилик компанияларнинг бошқарув тизимида таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, ушбу ёндашувдаги компетенциялар рўйхати бошланиш даврида раҳбарлар учун ишлаб чиқилган ва хулқ-атвор даражасида жамланган (7).

Аммо камдан-кам раҳбарлар ҳозирда чекланган ҳолда компетенциялардан фақат хулқ-атворни табақалаштириш учун фойдаланаяптилар, улар ёндашувга компетенциялар ифодаланганлиги даражаси табақалашган шкаласини киритиб, бу ёндашувдан кенг фойдаланмоқдалар, яъни шу йўл орқали йўл қўйиб бўлмайдиган (“салбий”) хулқ-атвордан то намунали хулқ-атворгача бўлган даражаларни ўрганмоқдалар. Кўпчилик раҳбарлар компетенциялардан фақат раҳбарлар даражасидагина фойдаланмасдан, уни ходимларнинг бошқа тоифалари, хатто баъзида жисмоний меҳнат ходимлари учун ҳам қўллаяптилар.

Компетенциялар моделларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантириш бўйича америкача тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, анъанавий америкача ёндашув “яхши ишларни” баҳолаш учун индивидуал хусусиятлар ва хулқ-атвор компетенцияларини қўллаш муҳимлигини намоён қилди.

Хулоса қилиш мумкинки, бизнинг мамлакатимизда ҳам бошқарувнинг барча соҳалари ва бўғинларида компетенциявий ёндашувни қўллаш даври етиб келди. Чунки саноатда, ишлаб чиқаришда, давлат бошқарувида, ҳатто бизнесда ҳам бошқарув кадрлари тўғри танланганлиги самарадорликни белгилаб берадиган асосий омил эканлиги дунё тажрибасида ўз илмий ва амалий ишотини топ-

- 6.Barrett G, Depinet R. Reconsideration of testing for competence rather than intelligence. American Psychologist, 1991, October, 1012-1023.
- 7.Boyatzis RE. The competent manager: A model for effective performance. New York: Wiley. 1982.
- 8.Dubois D. D., Rothwell W. J. Competency-based human resource management: Discover a new system for unleashing the productive power of exemplary performers. – Nicholas Brealey, 2004.
- 9.Evers A, Heigl F, Ott J, R_ger U. Lehrbuch der Psychotherapie. Gustav Fischer Verlag, 1997.
- 10.Foxan, M. J. Closing the global leadership competency gap: the Motorola GOLD process, Organization Development Journal, 1998. 16, pp. 5 – 12.
- 11.Gangani N. T., Mc Lean G. N., Braden R. A. Competency-based Human Resource Development Strategy., Academy of Human Resource Development Annual Conference, Austin, TX, 4-7 March, Proceedings Vol. 2. – 2004.
- 12.Green PC. Building robust competencies: Linking human resource systems to organizational strategies. San Francisco: Jossey-Bass. -1999.
- 13.Hay Group. 1996. <https://www.kornferry.com/haygroup>.

ган. Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг ривожланиши, бу борада жаҳон ҳамжамияти ривожланиши шиддатидан орқада қолмасликка эришиш соҳалар бўйича, шу жумладан прокуратура соҳасида ҳам бошқарув бўйича малакали (компетент) мутахассис-ҳодимларни танлаш, уларни ўқитиш, ривожлантиришни назарда тутадиган тизимларни татбиқ этишга бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бу борада компетенциялар моделларини ишлаб чиқишга нисбатан мавжуд жаҳон тажрибасини, хусусан америкача ёндашувни ўрганиш ва уни мамлакатимиз хусусиятларига мослаштирган ҳолда давлат хизматида, шу жумладан прокуратурада кадрлар билан ишлаш соҳасига татбиқ этиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди.

#

14. Kurz R., Bartman D. Competency and individual performance: Modelling the world of work // Organisational effectiveness: The role of Psychology. 2002 Wiley. Pp. 227-258/
15. Lucia A. D., Lepsinger R. Competency Models: Pinpointing critical success factors in organizations // San Francisco: Jossey-Bass/Pfeffer. – 1999.
16. McClelland DC. Testing for competence rather than for "intelligence". American Psychologist, 1998. 28, 1-14.
17. Naquin S. S., Holton III E. F. The effects of personality, affectivity, and work commitment on motivation to improve work through learning // Human Resource Development Quarterly. – 2002. – Т. 13. – №. 4. – С. 357-376.
18. Naquin S. S., Wilson J. Creating competency standards, assessments, and certification // Advances in Developing Human Resources. – 2002. – Т. 4. – №. 2. – С. 180-187.
19. Nitardy C. N., McLean G. N. Project management competencies needed by HRD professionals: a literature review // Proceedings of the Academy of Human Resource Development. – 2002. – Т. 2. – С. 956-963.
20. Rodriguez, D., Patel, R., Bright, A., Gregory, D., & Gowing, M. K. Developing competency models to promote integrated human resource practices. Human Resource Management: Published in Cooperation with the School of Business Administration, The University of Michigan and in alliance with the Society of Human Resources Management, 2002. 41(3), 309-324.
21. Rothwell W. J., Lindholm J. E. Competency identification, modelling and assessment in the USA // International journal of training and development. – 1999. – Т. 3. – №. 2. – С. 90-105.
22. Russ-Eft D. Defining competencies: A critique // Human Resource Development Quarterly. – 1995. – Т. 6. – №. 4. – С. 329.
23. Spencer LM, McClelland DC, Spencer S. Competency assessment methods: History and state of the art. 1994. Boston: Hay-McBer Research Press.)
24. Spencer LM, Spencer SM. Competence at work. New York: 1993. Wiley.



Алишер МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи, ю.ф.ф.д.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ИНСТИТУТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада жиноят процессида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг асослари, мавжуд процессуал муаммолар ва уларнинг илмий-назарий таҳлили хорижий давлатлар тажрибаси мисолида кўриб чиқилган қилинган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассмотрены основы института предварительного закрепления показаний (депонирование), существующие процессуальные проблемы и их научно-теоретический анализ на примере опыта зарубежных стран.

ABSTRACT. This article analysis the basics of the institution of preliminary confirmation of testimony, the existing procedural problems and their scientific and theoretical interpretations on the examples of the foreign experiences.

Таянч сўзлар: кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, суриштирувчи, терговчи, гувоҳ, жабрланувчи, дастлабки тергов, сўроқ қилиш.

Ключевые слова: депонирование, дознаватель, следователь, свидетель, жертва, предварительное следствие, допрос.

Key words: pre-reinforcement of the testimonies, inquirer, investigator, evidence, victim, preliminary investigation, interrogation.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, одиллик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни тўлиқ рўёбга чиқаришдир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йилнинг 10 августида имзоланган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, жиноят процессини соддалаштириш, фуқароларни жиноят ишини юритиш жараёнига етарли асосларсиз жалб қилишга барҳам бериш, амалиётда учраётган бошқа муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган¹.

Фармонга мувофиқ, гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, суд томонидан уларнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш белгиланган.

Маълумки, содир этилган жиноятни фош этишда гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари муҳим далиллар қаторига киради. Бироқ, ушбу шахслар айрим ҳолларда суд муҳокамасида маълум сабабларга кўра қатнаша олмаслиги мумкин ва бундай

ҳолатлар амалиётда учрайди.

Шундай вазиятда суд уларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириши мумкин. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 104-моддасига мувофиқ, сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқларда берган кўрсатувлари иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқилаётганда ўқиб эшиттирилиши мумкин. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги қарорида қўйидагича тушунтириш берилган: “Жабрланувчининг ёки гувоҳнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари фақат уларнинг ушбу кўрсатувлари билан суддаги кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар бўлганда, шунингдек, жабрланувчи ёки гувоҳнинг судга келиш имкониятини чекловчи сабаблар туфайли суд мажлисида қатнашмаган тақдирда эълон қилиниши мумкин”¹. Бизнингча, ушбу нормалар Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида белгиланган ҳақиқатни аниқлаш принципига ҳамда 455-моддасидаги суднинг ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлигига оид нормаларга тўлиқ мос келмайди.

Жумладан, ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчилар суриштирувчи ёки терговчи томонидан яқка тартибда сўроқ қилинади. Яъни бу жараёнда гумон қилинувчи ёки айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирок этмайди, улар гувоҳ

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон- <https://lex.uz/>

ҳамда жабрланувчига ўз саволларини бера олмайдилар. Табиийки, агар суд муҳокамасида гувоҳ ёки жабрланувчи қатнаша олмаса, гумон қилинувчи ёки айбланувчида уларнинг кўрсатувларига нисбатан эътирозлар юзага келиши мумкин. Шу билан бирга, суриштирувчи ёки терговчи томонидан гувоҳ, жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний амалга оширилганлиги, уларга нисбатан бирон-бир тазйиқ ёки қийнаш содир этилмаганлигига ҳам шубҳалар туғилади.

Суриштирувчи, терговчи томонидан сўроқ қилинган шахснинг суд муҳокамасида иштирок этмаслиги билан боғлиқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари тўлиқ бўлмаса, шахснинг жиноят содир этганлигини тўлиқ исботловчи ҳолатларни аниқлаш имкони чекланади. Зеро, шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқариш учун судда ишда тўпланган далиллар ҳамда судланувчининг кўрсатувлари юзасидан ишда қатнашмаётган гувоҳ ва жабрланувчига берилиши лозим бўлган саволлар юзага келиши мумкин.

Демак, ишни судга қадар юритиш босқичида тўпланган барча далилларнинг суд томонидан бевосита текширилиши ишнинг тўғри ва адолатли ҳал этилишига замин яратади. Зеро, Жиноят-процессуал кодексининг 12-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади, охириги нуқтани суд қўяди.

Бизнингча, гувоҳ ёки жабрланувчининг айбланувчига қарши берган кўрсатувларини суд томонидан ўқиб эшиттириш билан боғлиқ миллий қонунчилигимизда белгиланган ушбу нормалар суд томонидан жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, у билан боғлиқ барча ҳолатлар аниқланиши, бу борада суд томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқирилиши кераклигига оид қоидаларга номувофиқдир.

Қонунчилик ҳамда амалиётдаги юқоридаги муаммоларни бартараф этишга кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) институти хизмат қилади.

“Депонирование” лотинча “депоно” сўзидан олинган бўлиб, “қўйиш”, “қолдирмоқ” деган маъноларни англатади. Яъни бу атама “бирор нарсани сақлаш жараёнини билдириш” учун ишлатилади. А.А.Поповнинг фикрича, жиноят процессида депоно қилиш деганда судья томонидан алоҳида ҳолларда дастлабки тергов жараёнида ўтказиладиган жиноят процесси иштирокчисининг сўроғини тушуниш керак. Депонирование, шунингдек, ушбу кўрсатув-

ларни келгусида суд муҳокамасида ўқиб эшиттириш учун сақлашни назарда тутати (сўроқ қилинган шахснинг судга келишига имкон бўлмаса)².

А.А.Поповнинг депонированиега берган таърифида у фақатгина алоҳида ҳолларда ўтказилиши қайд этилган. Албатта, ушбу институтни фақатгина фавқулодда ҳолатларда қўллаш тўғри бўлади. Зеро, шахснинг дастлабки терговда тўпланган барча далилларга таянган ҳолда, суд муҳокамасида тарафларнинг иштирокида бевосита сўроқ қилиниши унинг кўрсатувларини тўғри баҳолашга хизмат қилади.

Ушбу институт биз учун мутлақо янги ва уни қўллаш билан боғлиқ хориж тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 217-моддасида депонирование гувоҳ, жабрланувчининг Қозоғистондан ташқарида муқим яшаши, чет давлатга чиқиши, соғлиғининг оғирлашиши, уларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш зарурати мавжуд бўлганда ўтказилиши белгиланган. Сўнги уч асос Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексининг 198-моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Украина Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида гувоҳ ва жабрланувчи ишни судга қадар юритиш босқичида судья томонидан ушбу шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётига нисбатан хавф юзага келса ва бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда сўроқ қилиниши қайд этилган.

Молдова Жиноят-процессуал кодексининг 110.1-моддасига мувофиқ, 14 ёшга етмаган гувоҳни жинсий эркинликка қарши, вояга етмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари ёки маиший зўрлик билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек, бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар буни одил судлов ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, жиний таъқибни амалга оширувчи судья томонидан ўтказилади.

Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 691-моддасига кўра, гувоҳнинг кўрсатувлари гувоҳга ёлғон кўрсатув беришга таъсир қилиш ҳолатлари мавжуд бўлганда депонирование қилиниши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги Фармонида депонирование ўтказиш учун иккита асос кўзда тутилган:

- 1) гувоҳ ва жабрланувчининг оғир касаллиги;
- 2) уларнинг узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиши.

Фикримизча, мазкур Фармон асосида ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Жино-

2 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги 12-сонли “Суд томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги қарори 4-банди учинчи хатбоси.



ят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳасида хориж тажрибаси асосида гувоҳ ёки жабрланувчига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш зарурати мавжудлигини тегишли асослар қаторига киритиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳат гувоҳ ва жабрланувчиларни уюшган гуруҳ фаолияти билан боғлиқ жиноят иши ва уларнинг ҳаётига таҳдид соладиган бошқа ишларда мунтазам жалб қилишнинг олди олинади.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармонида депонирование ўтказиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокат томонидан киритилиши мумкинлиги белгиланган. Бу борада ҳам хорижда турлича амалиёт шаклланган.

Хусусан, Қозоғистон тажрибасига кўра, депонирование ўтказиш ҳақидаги илтимоснома прокурор, терговчи, суриштирув органи бошлиғи, гумон қилинувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан берилиши мумкин³. Бундай ҳуқуққа гувоҳ ва жабрланувчи эга эмас.

Қирғизистонда эса депонирование ўтказиш учун илтимоснома киритиши мумкин бўлган субъектлар қаторига барча процесс иштирокчилари киритилган⁴.

Судга депонирование ўтказиш борасида илтимоснома билан чиқувчи шахслар доирасининг кенг қамровли бўлиши дастлабки терговнинг мустақиллигига таъсир ўтказиши мумкинлигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи ушбу шахслар доирасини аниқ белгилаши мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда барча тергов ҳаракатлари бўйича судга илтимоснома тергов устидан назорат қилувчи прокурор орқали киритилишини ҳисобга олиб, депонирование процессуал ҳаракати бўйича илтимоснома процесс иштирокчилари томонидан прокурор орқали киритилишини белгилаш бугунги кун талабига мос келар эди.

Депонирование институтини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишда эътибор қаратилиши керак бўлган яна бир муҳим масала – кўрсатувлари депонирование қилинган шахснинг

қайта сўроқ қилиниши ва судда сўроқ қилинмаган шахснинг кўрсатувлари далил сифатида тан олинishi ёки олинмаслигидир.

Судда сўроқ қилинмаган шахснинг кўрсатувлари далил сифатида тан олинishi ёки олинмаслиги борасида БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси бўйича берилган тавсияларда Жиноят-процессуал кодексига депонирование институтига оид қоидаларда судда сўроқ қилинмаган гувоҳнинг кўрсатувлари асосида айблов ҳукмини чиқариш мумкин эмаслигини белгилаш лозимлиги қайд этилган. Бизнингча, мазкур нормани киритиш зарурати мавжуд эмас. Зотан, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Ишотланиши керак бўлган ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, улар ишни ҳал қилиш учун етарли ҳисобланади⁵. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳам ўз тушунтиришларида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувлари мақбул далил эмас деб топилишини қайд этган⁶.

Амалиётда кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамланган гувоҳ ва жабрланувчиларга суд муҳокамаси давомида қўшимча саволлар берилиши мумкин. Шу боис, қонун чиқарувчи кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган гувоҳларни, жабрланувчиларни қайта сўроқ қилишга кейинчалик судга қадар иш юритиш босқичида ёки суд муҳокамаси давомида кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган шахсга берилиши керак бўлган, иш учун муҳим аҳамиятга молик янги саволлар туғилганда йўл қўйилиши мумкинлигига оид қоидаларни кўзда тутиши лозим, деган фикрдамиз.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-процессуал қонунчилигига депонирование институтининг киритилиши судлар томонидан далилларни бевосита текширишга оид қоидаларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилишига, амалиётда учраётган кўплаб муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

#

3 Попов А.А., (2014), Проблемы регламентации досудебного депонирования показаний в уголовном процессе (компаративистский подход). Пробелы в российском законодательстве, 6: 196-200.

4 Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 217-моддаси (04.07.2014 й. № 231-V), <https://online.zakon.kz>

5 Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 198-моддаси (02.02.2017 й. № 20), <https://online.zakon.kz>

6 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддаси - <https://lex.uz/>



Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси
кафедра бошлиғи, ю.ф.ф.д, доцент

ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯГА ЭГА ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилиш муаммолари таҳлил қилинган, Олий суд Пленуми қарорларидаги айрим тушунтиришлар ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар билдирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализирован проблемы квалификации преступлений с административной преюдицией. Представлены некоторые разъяснения Пленумов Верховного суда и предложения по внесению в них изменений.

ABSTRACT. This article contains analysis of crimes with administrative prejudice. Also there are given some explanations of the related decisions of the Supreme court and the proposals for amendments.

Калит сўзлар: маъмурий преюдиция, квалификация, суд-тергов амалиётидаги муаммолар, Преюдиция.

Ключевые слова: административная преюдиция, квалификация, судебно-следственная практика, Преюдиция.

Key words: administrative prejudice, practical problems of forensic investigation, prejudice

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда – ЖК) 55 та моддасида 67 та жиноят таркиби бўйича маъмурий преюдиция назарда тутилган. Яъни ушбу моддадаги қилмишлар жиноят сифатида малакаланиши учун “маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши” талаб этилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (кейинги ўринларда, МЖТК) 37-моддасида “башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади”¹ деб мустаҳкамланган. Демак, ушбу моддадан шахс маъмурий жазога тортилган кундан бошлаб, **яъни маъмурий жазо** қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб ҳамда жазони ўташ муддати тугагандан сўнг бир йил давомида маъмурий жазога тортилган ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. ЖКдаги баъзи қилмишлар жиноят сифатида баҳоланиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ҳамда маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг худди шундай қилмишни содир этган бўлиши талаб этилади. Шу ўринда савол туғилади? Шахс маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг қанча муддатда ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни содир этса, жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори ми-

солида кўриб чиқамиз. Мазкур Қарорнинг 24-бандида “Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган даражада енгил шикаст етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми) ёки соғлиқнинг қисқа вақт давомида ёмонлашувига сабаб бўлган (ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади”². Демак, Пленум қарорида маъмурий преюдицияга эга бўлган ЖКнинг 109-моддасининг биринчи қисми мисолида жиноий жавобгарлик “маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран” содир этилган ҳолдагина келиб чиқиши тушунтирилмоқда. Яъни ушбу мисолда шахсни ЖКнинг 109-моддаси биринчи қисми учун жавобгарликка тортиш учун 2 та белгига эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, шахс МЖТКнинг 52-моддаси иккинчи қисми билан жазога тортилган бўлиши, иккинчидан, жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида содир этилган бўлиши талаб этилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига асосан, қонун ҳужжатларини

1 Lex.uz

2 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорлари тўплами. -Т.: Адолат: 2014. - 62- бет.



қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир. Шу сабабли, суд-тергов амалиётида ҳам ушбу тушунтиришларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади.

Шу ўринда, юқоридаги Пленум қароридаги тушунтиришни МЖТКнинг 37-моддаси талабларидан келиб чиқиб, кўриб чиқамиз. Юқорида келтирганимиздек, “башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади”. Бу ерда Пленум қарорида келтирилган “**маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб**” тушунчаси МЖТКнинг 37-моддасидаги “**маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб**” тушунчасидан фарқ қилади. Фикримизча, “маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноят таркиблари учун жиноий жавобгарлик вужудга келишига оид тушунтиришларда МЖТКнинг 37-моддаси талабларига асосан, башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида тақроран содир этилган ҳолдагина келиб чиқишига оид” тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ. Бунда бир йил ўтгандан сўнг содир этилиши қилмишни жиноят сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида малакалашга асос бўлади.

Қайд этиш лозимки, маъмурий преюдиция институти юқорида келтирилганидек, бир қатор МДХ давлатлари Жиноят кодексларида мавжуд бўлиб, бундай институт аксарият хорижий мамлакатлар қонунчилигида қўлланилмайди. Қирғизистон Республикасининг янги қабул қилинган Жиноят кодексига, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексларида маъмурий преюдиция назарда тутилмаган.

Россия олимлари ўртасида ҳам маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш

борасида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, профессор Н.А.Лопашенко³ маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқаришни ёқласа, профессор В.П.Малков⁴ мазкур институтни қолдириш тарафдори. В.В.Волженкин⁵ ва М.И.Ковалев⁶ жиноят қонунчилигида маъмурий преюдициянинг мавжудлиги *non bis in idem* тамойилига зид деб таъкидлайди. Уларнинг фикрича, шахс ўз қилмиши учун жавобгарликка тортилиб бўлинган, шунинг учун кейинги худди шундай қилмиши учун, устига-устак жиноят сифатида жавобгарликка тортиш учун эса асос йўқ деб ҳисоблайдилар. А.Г.Безверхов⁷ эса маъмурий преюдиция нафақат қилмишни жиноят сифатида белгилаш, шунингдек, жиноятларни қисман декриминализация қилинишига олиб келади деб таъкидлайди. Профессор Н.А.Лопашенко⁸ маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқаришнинг асоси сифатида шахс белгиси қилмишни жиноят сифатида белгилашга асос бўлмаслиги керак деб таъкидлайди. Умуман олганда, маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш ёки қолдириш масаласида турлича қарашлар мавжуд. Фикримизча, профессор Н.А.Лопашенконинг фикрига қўшилган ҳолда шахс белгиси қилмишни жиноят сифатида белгилашга асос бўлмаслиги керак. Чунки қилмишнинг моҳияти, унинг табиати, ижтимоий хавфлилиги шахсга қараб ўзгариб қолмайди. Қилмиш ўша-ўша, фақат шахс илгари шу қилмиш учун маъмурий жазога тортилган. Шахсни мазкур қилмишни маъмурий жазога тортилганидан сўнг бир йил ичида яна тақроран содир этиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги, жумладан, Россия Федерацияси ЖКнинг 157-моддасида⁹ болалар ёки ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модда маъмурий преюдицияга эга. Мазкур нормага асосан шундай қилмиш учун маъмурий жазога тортилган шахс, маъмурий жавобгарликка тортилган деб ҳисобланган даврда юқоридаги қилмишни содир этса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Яъни, ЖК моддасининг ўзида бевосита қайси даврда

3 Лопашенко Н. А., Административной преюдиции в уголовном праве – нет! / Н. А. Лопашенко // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 64–71.

4 Малков В. П., Административная преюдиция: за и против / В. П. Малков // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 58–64.

5 Волженкин Б. В., Принцип справедливости и проблемы множественности преступлений по УК РФ / Б. В. Волженкин // Законность. – М., – 1998 – № 12 – С. 2–7.

6 Ковалев М. И., Преступление и проступок / М. И. Ковалев // Проблемы совершенствования законодательства по укреплению правопорядка и усиление борьбы с правонарушениями: межвуз. сб. науч. тр. Свердловск: Изд-во Свердл. юрид. ин-та, – 1982 – С. 3–14.

7 Безверхов А. Г., Административная преюдициальность в уголовном законодательстве России: истоки, реалии, перспективы / А. Г. Безверхов // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия: Право – 2011 – № 2. – С. 40–41.

8 Лопашенко Н. А., Административной преюдиции в уголовном праве – нет! / Н. А. Лопашенко // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 69.

9 www.consultant.ru

содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланган. Бундай норма Россия ЖКнинг маъмурий преюдиция назарда тутилган моддаларида белгиланган.

Беларусь Республикаси ЖКнинг маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятларида қилмишни маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил ичида содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши бевосита Кодекснинг ўзида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига маъмурий преюдиция институтини қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорларида белгиланган.

Қайд этиш лозимки, муайян ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари муҳокама қилиниб, Пленум қарорлари қабул қилинганда тушунтиришларни бошқа ишлар бўйича аналогия сифатида қўллаб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддасида белгиланган “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” жинояти маъмурий преюдицияга эга. Яъни “Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. МЖТ-Книнг 47⁴-моддасида “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳолда ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки МЖТга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

2009 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 14-бандида шахсни ЖК 122-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш шартлари сифатида:

моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги;

бундай шахсни моддий таъминлашдан бўйин товланганлик учун шахсга нисбатан муқаддам маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги;

ушбу маблағ жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат

мобайнида тўланмаслиги¹⁰ кўрсатилган.

Шу ўринда савол туғилади? МЖТКнинг 47⁴-моддаси бўйича жавобгарлик тортилиб, ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинланган шахсга нисбатан қачон жиноят иши қўзғатилиши мумкин? Яъни ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш жазоси ўталгандан кейин икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлангандан кейинми ёки маъмурий жазога тортиш ҳақида қарор кучга киргандан кейин икки ойдан кейинми? Фикримизча, бу ҳолатда ҳам юқоридаги Пленум қарорига шахс маъмурий қамоқ жазосини ўтаб бўлгандан сўнг, икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлангандан кейин жиноий жавобгарлик келиб чиқиши ҳақида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорига ЖК 232-моддасида назарда тутилган маъмурий преюдицияни қўллаш бўйича ҳам тушунтириш берилган. Жумладан, Қарорнинг 4-бандида “Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликка тортишнинг мажбурий шarti бўлиб, маъмурий жазога тортилганидан ва жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма тарзда огоҳлантирилганидан сўнг шахс томонидан суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш бўйича ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг давом эттирилиши ҳисобланади” деб белгиланган.

Шунингдек, мазкур Қарорда “суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш деганда, шахс томонидан номулкий хусусиятга эга қонуний кучга кирган суд ҳужжати талабини бажаришдан бўйин товлаш бўйича қилинган ҳар қандай ҳаракат тушунилиши лозим. Бироқ, жиноий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) шахсга нисбатан МЖТК 198-1-моддаси бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг давом эттирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 71-моддаси талабига риоя этилиши, чунончи шахс ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши, ҳам келгусида суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товланган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида давлат ижрочиси томонидан ёзма тарзда огоҳлантирилган бўлиши талаб этилади. Қонуннинг 71-моддасига асосан давлат ижрочиси қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни қўзғатаётганда уларни ихтиёрий равишда ижро этиш учун унга ўн беш кунлик муддат белгилайди. Давлат ижрочиси ижро ҳужжатининг ўзи белгилаган муддатда ихтиёрий равишда ижро



этилиши устидан назоратни амалга оширади. Қарздор ижро ҳужжатининг талабларини давлат ижрочиси томонидан белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда, давлат ижрочиси қарздорга нисбатан маъмурий жазо қўллади, суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда эса уни жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма шаклда огоҳлантиради. Қарздор шундан сўнг ҳам ижро ҳужжатини ижро этишдан бўйин товлаган тақдирда, давлат ижрочиси қонунда белгиланган тартибда уни жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўради. Демак, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма шаклда огоҳлантирилган шахс ўн беш кунлик ихтиёрий муддат даврида суд ҳужжатини ижро этиши керак. Агар ушбу муддат ичида суд ҳужжати ижро этилмаса жиноят иши қўзғатилиши учун асос бўлади.

Бундан ташқари, суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган бўлиши муҳим талаб ҳисобланади. Масалан, шахс бошқа маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий қamoқ жазосини ўтаётган бўлса, ушбу маъмурий қamoқ жазосини ўташ муддати суд ҳужжатини ихтиёрий ижро қилиш муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги лозим.

Шунингдек, маъмурий жазо қўлланилган бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаб бўйича Олий суд Пленуми қарорида алоҳида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, жарима маъмурий жазоси тайинланганда ушбу жарима тўланганидан сўнг маъмурий жазо қўлланилган ҳисобланадими ёки маъмурий жазо тайинланган вақтданми, деган савол туғилади. Фикримизча, шахсни маъмурий жазога тортилганлиги унга нисбатан маъмурий жазо тайинлаш тўғрисидаги қарор кучга кирган вақтдан бошлаб шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган ҳисобланади.

Маъмурий преюдицияга эга жиноятлар таркибининг тузилишига эътибор қаратсак, улар бир қанча шаклда намоён бўлади.

1. Фақатгина модданинг биринчи қисмида маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилади. Масалан, ЖКнинг 109-моддаси биринчи қисми.

2. Барча қисмларда маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилади. Масалан, ЖКнинг 125¹-моддаси барча қисмлари.

3. Маъмурий преюдиция назарда тутилган қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда қилмиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланади. Масалан, ЖКнинг 127¹-моддасининг учинчи қисми.

4. Маъмурий жазо қўлланилгандан кейин қонунда белгиланган муайян вақт ўтганидан кейин. Масалан, ЖКнинг 232-моддаси.

5. Жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун қилмиш иқтисодий миқдорга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан,

2013 йил 6 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига асосан, қонун божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик турини божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликлар миқдори билан боғлаган бўлиб, бу миқдор уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдоргача ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳуқуқбузарлик учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъи назар, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (МЖТКнинг 227²¹-моддаси, 227²²-моддасининг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

ЖКнинг 182-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахс товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар, келиб чиқади. Бунда ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» ва «г» бандлари бўйича жиноий жавобгарлик фақат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади¹¹. Яъни Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш: ЖКнинг 182-моддаси иккинчи қисмида а) жуда кўп миқдорда; б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб; г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса каби оғирлаштирувчи белгилар мавжуд. Демак, жиноий жавобгарлик шахс жуда кўп миқдордаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, келиб чиқади. ЖКнинг 182-моддаси иккинчи қисмидаги “Чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб; хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса”

каби оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноий жавобгарлик фақат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади.

ЖКнинг 186¹-моддаси биринчи қисм диспозициясидаги маъмурий жазога тортилганлик ёки муайян белгиланган миқдорда қилмишни содир этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Масалан, ушбу моддада “Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деб белгиланган. Бу ўринда анча миқдорда ҳуқуқбузарликни содир этилиши маъмурий жавобгарликка тортилганликни талаб этмайди. Анча миқдорда ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши эса, маъмурий жазога тортилганликни талаб этади. Ушбу модданинг иккинчи қисми “б”, “г” бандлари, учинчи қисмининг “б” банди билан жиноий жавобгарлик маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар фақат этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда содир этилган бўлса келиб чиқади.

б. Маъмурий преюдиция назарда тутилган қилмишни муайян миқдорда ёки бошқа оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда қилмиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланади. Масалан, ЖКнинг 214-моддасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши ҳуқуқбузарлиги учун жиноий ҳамда МЖТКнинг 193-2-моддасида эса маъмурий жавобгарлик белгиланган. Яъни шахсни ЖКнинг 214-моддаси биринчи қисми билан жавобгарликка тортиш учун, унга МЖТКнинг **193-2-моддасига** асосан маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилади.

Фикримизча, маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятларда оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилганда “ўша ҳаракатлар” жумласи ишлатилганда “ўша ҳаракатлар” ибораси шахсга боғлиқ ҳаракатларни назарда тутати ҳамда маъмурий жазога тортилган бўлишни назарда тутмайди. Мисол учун, ЖКнинг 214-моддаси биринчи қисмида “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий

жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деб белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисмида ўша ҳаракатлар: “а) анча миқдорда; б) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса” деб белгиланган. Бунда ўша ҳаракатлар деганда, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши тушунилади. Демак, “давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши анча миқдорда содир этилган бўлса” тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Шунингдек, “давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса ҳам тўғри жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Бундай ҳолатларда маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмаслиги ҳақидаги тушунтириш берилиши таклиф этилади.

Юқоридаги ҳолатлар, тергов ва судда турлича амалиёт шаклланганлигини, маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантиришга оид тушунтиришлар мавжуд эмаслиги ҳамда бундай ишлар бўйича Олий суд Пленуми қароридан тушунтиришлар берилиши заруратини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларга асосан, “Маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятлар бўйича қонун нормаларини тўғри қўллашга оид” Олий суд Пленумининг қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Олий суд Пленумининг юқоридаги қарорининг қабул қилиниши қонун нормаларини тўғри қўллашга, турлича шаклланган амалиётни бартараф этишга ҳамда ўз навбатида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.



Луқмонжон ИСОҚОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ХАЛҚАРО МАНБАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада миграция ҳуқуқи манбалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Жумладан, миграция масаласига оид халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ўрганилган.

АННОТАЦИЯ: В данной статье рассмотрены источники миграционного права и их особенности. В частности, изучены общепризнанные принципы и нормы международного права по вопросам миграции.

ABSTRACT: This article describes the sources of migration law and their features. In particular, the principles and norms of international law on migration were studied.

Калит сўзлар: манба, мигрант, миграция, миграция ҳуқуқи, норма, принцип, халқаро ҳуқуқ, ҳуқуқ, қонун.

Ключевые слова: закон, источник, международное право, мигрант, миграция, миграционное право, норма, право, принцип.

Keywords: international law, law, migration, migrant, migration law, norm, principles, right, source.

Асосий Қонунимиз Муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлиги келтирилган¹. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади (17-модда)². Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши кўзда тутилган (23-модда)³. Шу нуқтаи назардан, миграция ҳуқуқининг халқаро манбаларини ҳам тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда миграция ҳуқуқи шаклланиши ва ривожланишининг яна бошқа бир хусусияти халқаро ҳуқуқнинг миллий қонунчиликка кенг таъсиридадир. Албатта, ҳуқуқнинг барча соҳалари ва ҳуқуқий институтлар бу каби таъсирни ҳис этади. Бироқ миграция ҳуқуқида ушбу омил бошқа ҳуқуқий институтларга нисбатан кўпроқ сезилади. Чунки миграция эркин ҳаракатланишга бўлган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш йўли билан таъминланадиган глобал интеграциявий жараёнларнинг шаклларида биридир.

Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш бўйича халқаро

универсал ва минтақавий стандартларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Демак, ушбу ҳуқуқдан чекиниш нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормаларини бузишга олиб келади.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миграция ҳуқуқи манбаларининг мазмунига яна бир сезиларли таъсири бошқа кўпгина давлатларга нисбатан мамлакатимизда миграция қонунчилигининг етарли даражада кечроқ шаклланиши билан ҳам изоҳланади. Миграция соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг асосий нормалари ва принциплари анча аввал пайдо бўлган.

Сўнгги пайтларда халқаро оммавий ҳуқуқдан халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида халқаро миграция ҳуқуқини ажралиб чиқиш тенденцияси кузатилмоқда. Халқаро миграция ҳуқуқи автоном субъектлар ва объект билан бир бутунликни ташкил этади ҳамда халқаро миграция муносабатларини ўзига хос кўринишини тартибга солади.

Академик Т.Я.Хабриева тўғри таъкидлаганидек, миграция соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган аксарият нормалар ўз-ўзидан ижро қилинмайди, чунки ҳуқуқнинг миллий манбаларида уларнинг давлат ичида амалга оширилиши талаб этилади⁴.

Шу ўринда миграция ҳуқуқининг халқаро миграция ҳуқуқидан асосий фарқли жиҳатлари ҳам иккала ҳуқуқ соҳасининг айнан манбаларида ўз аксини топган, деб ҳисоблаймиз. Зеро, муайян давлатнинг ички қонун-қоидалари бошқа бир давлат учун ҳуқуқий манба

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2019. – Б.12.

2 Ўша жойда. – Б. 11.

3 Ўша жойда. – Б. 11.

4 Хабриева Т.Я. Избранные труды: в 10 т. Т. 4: монографии. Содерж.: Миграционное право России: теория и практика. – М., 2018. – С.45.

бўлмайди, лекин халқаро ҳуқуқ манбаси бир пайтнинг ўзида аксарият давлатлар учун миллий миграция ҳуқуқининг ҳам манбаси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, халқаро миграция ҳуқуқи манбалари миллий миграция ҳуқуқи манбаларига қараганда торроқ доирани ташкил этиши ҳақида ҳулоса қилиш мумкин.

Ҳозирги кунга қадар нафақат халқаро миграция ҳуқуқи, балки халқаро ҳуқуқнинг манбаларига нисбатан ҳам ягона ёндашув мавжуд эмаслиги асосий муаммолардан биридир.

Халқаро ҳуқуқ мутахассисларининг аксарияти Бирлашган миллатлар ташкилоти Халқаро суди статутининг⁵ 38-моддасига ҳавола келтиришни афзал кўришади. Чунки ушбу моддада халқаро конвенциялар, халқаро одатлар, ҳуқуқнинг умумий принциплари, суд қарорлари ва оммавий ҳуқуқ бўйича энг малакали мутахассисларнинг таълимотлари ўрин олган. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, Статут БМТ Халқаро суди учун мажбурий бўлган қоидаларни ўрнатиб, функционал хусусиятга эга. Бинобарин, унда кўрсатилган халқаро ҳуқуқнинг манбалари тўлиқ эмас ва бойитиб борилади.

Қуйида миграция ҳуқуқининг халқаро манбаларига алоҳида тўхталиб ўтаемиз:

1) Халқаро ҳужжатлар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар). Халқаро ҳужжатлар орасида миграция ҳуқуқи учун пойдевор вазифасини ўтайдиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий ўрин эгаллайди. Мазкур ҳужжатда эркин ҳаракатланиш ва ҳар бир давлат ҳудудида яшаш жойини танлаш, ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, бошқа мамлакатларда бошпана излаш ва ушбу бошпанадан фойдаланиш каби бир қатор миграцияга доир ҳуқуқлар ўз аксини топган. Декларация юридик кучга эга мажбурий шартнома эмас, балки сиёсий хоҳиш-ирода тўғрисидаги баёнот тарзида қабул қилинган бўлса-да, лекин инсон ҳуқуқлари мустаҳкамланган илк халқаро ҳужжат сифатида улкан аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган пайдан бошлаб, унинг кўпгина принциплари юридик мажбурий ҳужжатларда такрорланиб, умумий оддий нормалар мақомига эга бўлди.

Бундан ташқари, миграция жараёнларини шартнома шаклида тартибга солиш бўйича бир қатор тарихий мисолларни келтириш мумкин. 1648 йилдаги Вестфалия сулҳи⁶, Халқаро меҳнат ташкилотининг 1949 йилдаги меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисидаги 97-сонли конвенцияси⁷, 1969 йилдаги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси, 1984 йилдаги Қочоқлар тўғрисидаги Картахен декла-

рацияси, 1985 йилдаги истиқомат қилаётган мамлакатлар фуқароси ҳисобланмаган шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 1985 йилдаги Шенген келишуви⁸, 1992 йилдаги Маастрихт шартномаси, 1997 йилдаги Амстердам шартномаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Муайян миграция муаммолари бўйича халқаро ташкилотлар тузилиши ва фаолияти билан тегишли конвенцияларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши фаоллашди. Масалан, бунда миграция ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномалар орасида қочоқлар муаммоларини тартибга солиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни мисол келтириш мумкин. 1951 йилдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва 1967 йилдаги ушбу конвенцияни тўлдирувчи протокол халқаро ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга аниқ ҳуқуқий тартибни белгиловчи универсал шартномалар ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар “non-refoulement” принципи, яъни қочоқлар ва бошпана излаётган шахсларни таъқиб қилиш таҳдиди мавжуд бўлган мамлакатга қайтаришни тақиқлайди.

1961 йилдаги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция, Халқаро меҳнат ташкилотининг 1975 йилдаги Миграция соҳасидаги суистеъмолликлар ва меҳнаткаш-мигрантларга имкониятлар тенглигини таъминлаш тўғрисидаги 143-сонли конвенцияси, 1990 йилдаги Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция миграция муносабатлари соҳасида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Минтақавий даражадаги миграцияга доир ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўзига хос тарзда шаклланиб, самарали равишда ушбу муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Одатда табиий-географик жойлашувига мувофиқ (масалан, қитъалар миқёсида Осиё, Европа, Америка) ёки сиёсий-ҳуқуқий мақомига кўра (масалан, ташкилотларга аъзолигига қараб Европа Иттифоқи, МДХ) ва бошқа мезонлар асосида минтақавий-ҳуқуқий ҳужжатлар пайдо бўлади.

Собиқ Совет иттифоқининг парчаланишидан сўнг миграция соҳасида давлатлараро ҳамкорлик ва унинг МДХ доирасида ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш бошланди. Миграция соҳасида МДХ доирасидаги илк шартномалардан бири 1992 йилдаги “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари фуқароларининг бу мамлакатлар ҳудудида визасиз юришлари тўғрисида” ва “МДХ иштирокчи-давлатларнинг визаларини ўзаро тан олиш тўғрисида”ги битимлар

5 Статут – БМТ Уставининг ажралмас қисми бўлиб, БМТ Халқаро суди фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

6 Gross, Leo (1948). “The Peace of Westphalia, 1648–1948”. *American Journal of International Law*. 42 (1): 20–41 [p. 25]. DOI:10.2307/2193560

7 Мазкур Конвенциянинг дастлабки намунаси 1939 йилда қабул қилиниб, 1949 йилда қайта кўриб чиқилган ва 1952 йилда кучга кирган.

8 Лазарев С.Е. Основные черты и проблемы шенгенского права // Гражданин и право, № 6. 2016. – С.44-56.



умумий миграция макони принципига таъриф берди.

Миграция соҳасида Ўзбекистон ҳам МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг фаол даражада иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон 1992 йил 13 ноябрдаги “Миграция, ижтимоий муҳофаза ва меҳнат бўйича консултатив кенгаш ташкил қилиш тўғрисида”ги⁹, 1994 йил 15 апрелдаги “Меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги¹⁰, 2007 йил 5 октябрдаги “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг миграция ташкилотлари кенгаши бошлиқларининг таълими тўғрисида”ги¹¹ ва бошқа шу каби халқаро миграцияни тартибга солувчи битимларга қўшилган.

Бундан ташқари, ҳар бир мамлакат билан алоҳида тарзда, яъни икки томонлама шартномалар доирасида ҳам ўз ҳуқуқ-мажбуриятларини бажариб келмоқда. Масалан, 2007 йил 4 июлдаги “Ноқонуний миграцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасидаги битим¹², 2007 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги меҳнаткаш-мигрантлари фуқароларининг ва Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнаткаш-мигрантлари фуқароларининг меҳнат фаолияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасидаги битим; Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2012 йил 7 сентябрдаги “Шахсларни реадмиссия қилиш тўғрисида”ги битими¹³; 2012 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчиларни Корея Республикасига юбориш тўғрисида”ги Англашув меморандуми¹⁴, 2017 йил 5 апрелдаги “Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасидаги битим ва ҳоказолар бунинг ёрқин мисолидир.

Келтирилган ушбу таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, миграция жараёнлари мигрантларнинг ҳуқуқий мақомига таъсир ўтказувчи

турли мақсадли йўналишлар билан фарқланади. Бу бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Аммо миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасида ҳали ҳам ўзининг ечимини топмаган кўпгина атамалар мавжуд. “Миграция”, “мигрант”, “репатриант”, “эмигрант”, “қочоқ” ва бошқа сўзлар шулар жумласидандир.

Шу аснода, юқорида санаб ўтилган айрим халқаро шартномалар бир неча ўн йилликлар давомида миграцияга доир нормаларнинг ривожланишини кузатиш имконини беради. Бу каби нормалар дастлаб умумий хусусиятга эга бўлган ва халқаро ҳуқуқ манбалари тизимида махсус мустаҳкамланмаган. Фақатгина муайян вақт ўтиши билан улар аниқлаштирилиб, халқаро миграция муносабатларини тартибга солиш зарурати ҳақида гувоҳлик бера бошлади. Демак, халқаро миграция ҳуқуқи нормаларининг ривожланиш тарихи ҳақидаги қисқача таҳлили уларни кенгроқ қўллаш бўйича истиқболни белгилаш имконини беради.

2) Халқаро одатлар. Халқаро одатлар ўхшаш ҳолларда ва вазиятларда узоқ такрорланадиган қоида бўлиши мумкин. Ушбу халқаро одат қоидалари халқаро амалиётда халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан бажариладиган ва эътироф этиладиган норма ҳисобланади. Демак, халқаро одатлар, бу халқаро миграция жараёнлари натижасида шаклланган қоидалардир. Одат сифатидаги қоидаларнинг таснифи мураккаб жараён бўлиб, шартномавий нормалардан фарқли ўлароқ одатлар ёзма шаклдаги бирор-бир ягона ҳужжат билан расмийлаштирмайди.

Масалан, бошпана институти айнан одатлар билан боғлиқ нормалар муҳитида пайдо бўлади ва ривожланади. Буюк Британия ёки АҚШнинг ҳуқуқий тизимида одатлар билан боғлиқ нормалар ҳозирги кунга қадар ҳам амал қилади. Аммо континентал ҳуқуқ мамлакатларида одатлар билан боғлиқ нормалар ҳуқуқ манбаси сифатида тан олинмайди.

Халқаро ҳуқуқ нормаси ҳисобланган халқаро одатлар халқаро ҳуқуқ субъектларининг узоқ муддат ўхшаш ҳолларда такрорланиб турувчи ўзини тутиш қоидасига айланиши мумкин. Бу қоидалар оддий халқаро-ҳуқуқий нормалар сифатида халқаро амалиётда эътироф этилади ва субъектлар томонидан

9 Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 13 ноябрдан кучга кирган.

10 Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 сентябрдан кучга кирган.

11 Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 июндаги ПҚ-1586-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси учун 2011 йил 1 августдан кучга кирган.

12 Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-719-сонли «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси учун 2007 йил 2 декабрдан кучга кирган.

13 Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги ПҚ-1899-сонли «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси учун 2013 йил 9 майдан кучга кирган.

14 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 июлдаги «Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 382-модда) билан мустаҳкамланган.

бажарилади. Миграция ҳуқуқи соҳасидаги халқаро одатлар ҳақида деганда, миграция жараёнлари оқибатида мустақамланган ўзини тутиш қоидалари назарда тутилиши лозим.

Одатнинг мавжудлигини белгилаш учун БМТнинг Халқаро суди статутининг 38-моддасида санаб ўтилган турли мамлакатларнинг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги энг эътироф этилган доктриналар ва суд қарорлари каби ёрдамчи воситалардан фойдаланилади¹⁵.

Назарияда халқаро одатни аниқлаш учун қўшимча манбалар сифатида халқаро ташкилотларнинг қарорлари ва давлатларнинг ҳаракатлари ҳам қўлланилади.

Амалиётда айнан бир хил қоидалар баъзи давлатлар учун шартнома шаклида, бошқалар учун халқаро одат шаклида мавжуд. Бундай ҳоллар одатда иштирокчи давлат сифатида халқаро конвенцияга қўшилганида кузатилади ва аъзо бўлмасдан ҳам туриб айрим давлатлар ўша шартномавий халқаро ҳуқуқ нормаларини одатий халқаро ҳуқуқ нормалари сифатида бажариши мумкин. Масалан, “non-refoulement”, яъни қочоқлар ва бошпана излаётган шахсларни таъқиб қилиш таҳдиди мавжуд бўлган мамлакатга қайтаришни тақиқлаш принципи давлатлар томонидан назарияда эътироф этилади ва амалиётда амал қилади¹⁶.

Шу билан бир қаторда, гуманитар ҳуқуқнинг айрим нормаларини ҳам халқаро миграция ҳуқуқининг одат нормаларига киритиш мумкин. Давлатлар ўзлари босиб олган ҳудудга фуқаролик аҳолисининг бир қисмини депорт ёки кўчириши мумкин эмаслиги шулар жумласидандир. Бундан ташқари, халқаро одатларга фуқароликни беришда “jus solis”, яъни туғилган жой принципи ёхуд мигрантнинг фуқаролигини белгилашда “jus sanguinis”, яъни у ёки бу этник гуруҳдан келиб чиқиш принципларини ҳам киритиш мумкин. Хуллас, халқаро одатлар халқаро миграция ҳуқуқида кенг қўлланмаса-да, улар ҳуқуқнинг алоҳида манбаси сифатида кўрсатилади.

3) Халқаро суд органларининг қарорлари. Халқаро суд органларининг қарорларига ҳуқуқнинг ёрдамчи манбаси бўлган БМТнинг Гаагадаги Халқаро суди, Страсбургдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Европа иттифоқининг Люксембургдаги суди каби халқаро суд ва арбитраж органларининг қарорлари киради¹⁷.

БМТнинг Халқаро суди БМТнинг асосий суд органи бўлиб, давлатлараро ҳуқуқий низоларни тартибга

солади, шунингдек БМТ ва унинг муассасаларига тавсиявий ҳулосалар тақдим этади. Масалан, 2004 йилда Мексиканинг АҚШга қарши даъво аризаси бўйича БМТнинг Халқаро суди қарор қабул қилган. Ишнинг мазмуни шундан иборат бўлганки, унда АҚШ ҳукумати Мексиканинг эллиқдан зиёд фуқаросини қамоққа олиб, айбдор деб топиб, ўлимга маҳкум этган. Бу эса, АҚШ томонидан 1963 йилдаги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига мувофиқ, қамоқ ва ушлаб туриш ҳақида консуллик муассасасини хабардор этиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлигини кўрсатади. Мазкур иш бўйича БМТнинг Халқаро суди халқаро ҳуқуқ нормалари бузилиши муносабати билан АҚШнинг Мексика фуқароларига нисбатан чиқарган ҳукмини қайта кўриб чиқиш мажбурлиги ҳақида ҳулосага келган.

Бундан ташқари, суд қарорлари орасида иштирокчи давлатлар томонидан Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисидаги Европа конвенциясининг нормаларини бузиш масалалари бўйича яқка тартибдаги шикоятлар асосида аниқ ишларни кўриб чиқадиган ва ҳал этадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарори ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Европа судида миграцияга оид масалалар унчалик кўп бўлмаса-да, бироқ шахсларнинг депортацияси, қочоқ мақомини тақдим этиш каби ишлар тез-тез учраб туради.

Шу аснода, халқаро судлар қарорлари халқаро ҳуқуқнинг ёрдамчи манбалари сифатида эътироф этилса ҳам, халқаро ҳуқуқнинг оддий нормалари каби давлатлар ва халқаро ташкилотлар амалиётига жиддий таъсир кўрсата олади.

4) Халқаро ташкилотлар ҳужжатлари (“юмшоқ” ҳуқуқ нормалари). Халқаро ҳуқуқ ижодкорлигида халқаро ташкилотларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Миграция масаласини тартибга солувчи ҳужжатларнинг ишлаб чиқишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг маърузачиси ва БМТ Бош котибининг вакиллари муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш инсон ҳуқуқлари соҳасида аниқ муаммоларни ўрганиш бўйича экспертларга бир қатор мандат берган. Айни пайтда ушбу экспертлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзига хос механизмлар тизимига киради.

Демак, халқаро шартномалар билан бир қаторда, БМТ доирасида “юмшоқ ҳуқуқлар” деб аталувчи кўпгина нормалар қабул қилинган. Буларга декларация, принциплар, кодекслар ва одоб-ахлоқ қоидалари кириб, қўллаш учун мажбурий тусга эга

15 Chetail, Vincent, Sources du droit international de la migration (Sources of International Migration Law) (January 29, 2015). Le droit international de la migration, Opeskin B., Perruchoud R. & Redpath-Cross J., eds, Schulthess Verlag, Zurich, 2014. – P.100 (pp. 69-106). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=2557400>

16 Пархомова Ю. Источники международного миграционного права. Журнал международного права и международных отношений, № 3, 2008. – С.31.

17 Chetail, Vincent, Sources du droit international de la migration (Sources of International Migration Law) (January 29, 2015). Le droit international de la migration, Opeskin B., Perruchoud R. & Redpath-Cross J., eds, Schulthess Verlag, Zurich, 2014. – P.95-96 (pp. 69-106). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=2557400>



бўлмаган, бироқ ижтимоий фикрни шаклланишида ва ушбу масалалар бўйича миллий сиёсатни ишлаб чиқишида муайян роль ўйнайди. Одатда мазкур нормалар бир томонлама тартибда халқаро ташкилотлар ёки уларнинг органлари, ёхуд давлатлар томонидан яратилади ҳамда ихтиёрий асосда амалга оширилади¹⁸.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида айрим мутахассислар иш жараёнида расмий нормалар ва стандартларни ишлаб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Масалан, БМТнинг мамлакат ичида кўчган шахслар тўғрисидаги масала бўйича Вакили халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар гуруҳи билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, мазкур муаммо бўйича ҳуқуқий нормалар таҳлилидан иборат бўлган “Мамлакат ичида кўчган шахслар ҳимоясининг раҳбарий қоидалар” номли ҳужжат тайёрлаган. Ушбу қоидалар мамлакат ичида кўчган шахслар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда БМТ Вакили билан бир қаторда давлатлар, ҳокимиятнинг бошқа ҳар қандай органлари, гуруҳлар ва шахслар, ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотлар учун асосий қўлланма вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари халқаро миграция муаммосини ҳал этишда БМТнинг Мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича махсус маърузачиси ҳам муҳим роль ўйнайди. Унинг асосий вазифаси мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш йўллари ва воситаларини тадқиқ этишдан иборат. Махсус маърузачининг асосий функциялардан бири эса миллий, минтақавий ва халқаро даражада мигрантлар ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш юзасидан зарурий тавсияларни шакллантириш ҳисобланади. Махсус маърузачи ҳар йили дунё бўйича мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимояси ҳолати тўғрисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга ҳисобот тайёрлайди. Бунга мисол тариқасида “Барча инсон

ҳуқуқлари, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда ривожланишга бўлган ҳуқуқни рағбатлантириш ва ҳимоялаш” номли ҳисоботини келтириш мумкин. Махсус маърузачиларнинг ҳужжатлари уларни бажариш учун мажбурий кучга эга бўлмаса-да, БМТ органларининг қарорлари ва давлатлар чора-тадбирларини қабул қилишда асосий қўлланма ҳисобланади.

5) Миграция ҳуқуқи таълимоти. Ҳуқуқшуносликда назариянинг ўрни беқиёсдир. Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва назарий қарашлари ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос манбалардан бири бўлиб келган. Улар муайян ҳуқуқий тушунчаларга ўзларининг таърифларини бериб ўтган. Ҳуқуқий таълимотлар алоҳида халқаро-ҳуқуқий қоидаларни шарҳлашга хизмат қилади ва у ёки бу нормани қўллашда халқаро ҳуқуқ субъектлари учун ёрдамчи восита сифатида улкан аҳамият касб этади.

Ушбу халқаро нормалар билан биргаликда миллий ҳуқуқ бутун мамлакатимиз ҳудудида миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг умумий йўналишлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Шу ўринда, С.Ишанходжаев, Д.Юлдашев, Б.Эгамбердиев, С.Джолдасова, Т.Алейникофф, Р.Апплеярд, В.Четейл, К.Бретель, Г.Гудвин-Гилл, Р.Перрушу, Р.Человински каби машҳур олимлар миграция ҳуқуқининг асосий тушунчаларини ишлаб чиқишда улкан ҳисса қўшганлигини алоҳида эътироф этиш зарур¹⁹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, миграция ҳуқуқининг халқаро манбалари миграция жараёнларини тартибга солувчи миллий қонунчиликдаги нормалар билан бир қаторда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, у ёки бу мамлакатдаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш орқали муайян қулайликлар яратиб беради. Албатта, ҳар бир ҳуқуқий давлат миграция муносабатларини бошқариш учун ушбу манбаларга ҳамоҳанг тарзда миллий қонунчилигини шакллантириши тақозо этилади.

#

18 Марочкин С. Ю., Халафян Р. М. Международное «мягкое» право в правовой системе Российской Федерации // Журнал российского права. – 2013, № 6. – С.56-65.

19 Пархомова Ю. Источники международного миграционного права. Журнал международного права и международных отношений, № 3, 2008. – С.32.



Азизжон ЙУЛДОШЕВ,
ТДЮУ Конституциявий ҳуқуқ кафедраси доценти

ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ ИШТИРОКНИ ХАЛҚАРО ИНДЕКСЛАР БЎЙИЧА БАҲОЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада оммавий иштирок этиш бўйича халқаро рейтинг ва индекслар ҳамда уларда Ўзбекистон ўрни тадқиқ этилди. Тадқиқот натижасида турли халқаро рейтинг ва индексларда кенг ва тор маънодаги оммавий иштирокни баҳолаш мезонлари, уларининг ижобий ва салбий томонлари очиб берилди. Муаллиф оммавий иштирок ҳолатини фақат "Economist intelligence unit" компаниясининг Демократия индекси асосида баҳолаш билан чекланмаслик, аксинча кўпчилик томонидан тан олинган халқаро индекс ва кўрсаткичларни комплекс қўллаш заруратини асослаб беради, шунингдек уларда Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан амалий тавсиялар илгари сурган.

Аннотация. В статье исследуются международные рейтинги и индексы публичного участия и место Узбекистана в них. В ходе исследования были выявлены критерии оценки публичного участия в широком и узком смысле в различных международных рейтингах и индексах, их положительные и отрицательные стороны. Автор обосновывает, что при оценке публичного участия нельзя ограничиваться Индексом демократии компании "Economist Intelligence Unit" и необходимость комплексного применения международно признанных индексов и индикаторов, а также выдвигает практические рекомендации по улучшению показателей Узбекистана.

Abstract. The article examines international rankings and indices of public participation and Uzbekistan's place in them. The study identified criteria for assessing public participation in broad and narrow senses in various international ratings and indices, their positive and negative sides. The author argues that when assessing public participation, one should not be limited to the Economist Intelligence Unit's Democracy Index and the need for a comprehensive application of internationally recognized indices and indicators, and puts forward practical recommendations for improving indicators.

Калит сўзлар: Демократия, жамият ва давлат ишлари, сиёсий иштирок, фуқаровий иштирок, аудит, рейтинг, индекс, кўрсаткич.

Ключевые слова: Демократия, общественные и государственные дела, политическое участие, гражданское участие, аудит, рейтинг, индекс, индикатор

Key words: Deputy, ethic, norm, principle, behavior, rules, recall, local Kengash.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари тасдиқланди¹. Ушбу кўрсаткичлар орасида жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокини (оммавий иштирок) кенг ва тор маъноларда ўлчаш индекси ва кўрсаткичлари мавжуд. Мазкур кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон халқаро рейтингини яхшилаш уларни ўлчаш мезонлари асосида оммавий иштирок ҳолатини баҳолаш ва уни кенгайтириш учун амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарблигини оширади.

Демократия, жумладан оммавий иштирок дара-

жасини ўлчаш мезонлари демократия халқаро стандартларини рўёбга чиқариш, унинг тўлқинли ривожланиши, яъни орқага кетиши ҳолатларини² олдини олиш мақсадида шаклланди. Катрайт, Нейбауэр, Ванханен ва бошқа индексларда барқарор демократик ривожланишга эришиш ва четга оғмаслик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди³ ҳамда ҳамда халқаро иқтисодий ва бошқа алоқаларни ўрнатишга таъсир қиладиган омилга айланди⁴. Алоҳида мамлакатларда бундай ўлчаш техникалари қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва сиёсатга амалий таъсир қилиш учун фойдаланиш жараёни демократик аудит сифатида шаклланди.

Демократияни ўлчаш мезонлари оммавий иштирок халқаро стандартларини таъминлаш

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>

2 Huntington, S. P. The Third Wave: Democratization in the Late Twentieth Century. Oklahoma: University of Oklahoma Press, 1993. – P. 15.

3 Сравнительная политология: учебник для академического бакалавриата / Л. В. Сморгун. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – С. 262.

4 Қаранг: Политический атлас современности: Опыт многомерного статистического анализа политических систем современных государств. – М.: Изд-во «МГИМО-Университет», 2007. – С. 25-66. Авдеев Д.А., Журавлева Е.С. Индексы и критерии развития демократии в современном государстве // Государственное регулирование общественных отношений, 3 (25)/2018. – С. 54-61.



ва демократик назарияларнинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш⁵ баробарида, ўзида либерал, партисипатор, делибератив ва бошқа демократия назарияларини мужассамлаштирди⁶ ҳамда комплекс демократия назариясига айланди дейишга асос бўлади. Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократия кўрсаткичлари асосида ташкил қилиш халқ ҳокимиятчилиги ва суверенитети афсона⁷ бўлиб қолишига ҳамда оммавий иштирок популизм, авторитаризм⁸ ёки нацизмга⁹ айланишига кураш вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан демократия ҳолатини муайян мезонлар асосида ўлчашга интилиш кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони билан тасдиқланган “Economist intelligence unit” компаниясининг Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси (Демократия индекси)¹⁰ номига қараганда мамлакатимизда кенг маънодаги оммавий иштирок даражасини ўлчашга хизмат қилиши керак. Кенг ва тор маънодаги оммавий иштирок айрим соҳалари, шакллари ва жиҳатларини ўлчаш маезонлари ушбу Фармон билан тасдиқланган бошқа индекслар, рейтинглар ёки уларнинг кўрсаткичларида ҳам акс этган.

Демократия индекси 60 та саволни қамраб олган (1) сайлов жараёни ва плюрализм, (2) ҳукуматнинг фаолият кўрсатиши, (3) сиёсий иштирок, (4) сиёсий маданият ва (5) сиёсий эркинликлар каби бешта кўрсаткичдан иборат¹¹. Ҳар бири икки ёки учта муқобил жавобларга эга бўлган саволларга жавоблар экспертиза ўтказиш йўли билан, шунингдек ижтимоий сўровлар орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар ва уларнинг саволларда сиёсий иштирокдан бошқа оммавий иштирок шаклларига эътибор берилмагани эътирозлидир.

Тўғри, айрим давлатлар қонун ҳужжатларида ва тадқиқотчилар томонидан оммавий ишларни бошқаришдаги иштирок сиёсий иштирок деб тушунилади. Масалан, Сомали Конституциясининг 22-моддаси сиёсий иштирокка бўлган ҳуқуқ деб номланади ва унда фуқароларнинг оммавий ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ва унинг айрим шакллари мустаҳкамланган¹². Баъзи тадқиқотчилар томонидан сиёсий иштирокка давлат ҳокимиятини амалга оширишда жамият аъзоларининг бевосита ёки билвосита иштироки¹³ деб қаралади¹⁴. Бироқ, Демократия индексида Сиёсий иштирокни ўлчаш мезонлари унинг кўпчилик томонидан тан олинган таърифига тўлиқ мос бўлиб, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳамда инсонлар танловига бевосита ёки билвосита таъсир қилишга қаратилган фаолият, мақсад ва натижаларни аниқлашга қратилган.

Демократия индексининг «Сиёсий иштирок» кўрсаткичи (27-35) 9 та саволдан иборат. Ушбу (27) сайловчиларнинг миллий сайловлардаги иштирок этиши; (28) “этник, диний ва бошқа озчиликни ташкил қилувчилар оқилона даражада автономияга ва сиёсий жараёнда овозга эгами?”, (29) парламентда аёлларнинг фоизи, (30) сиёсий иштирокнинг даражаси (сиёсий партиялар ва сиёсий нодавлат ташкилотларга аъзолик); (31) фуқароларни сиёсатга жалб қилиш, (32) аҳолининг қонуний намоишларда қатнашишга тайёрлиги, (33) вояга етганларнинг саводхонлиги, (34) сиёсат билан қизиқиши ва янгиликларни кузатиши, (35) сиёсий иштирокни ривожлантириш учун давлат органлари томонидан жиддий чоралар кўрилиши саволлари ҳам бир бирига боғлиқлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, Демократия индексининг барча саволлари бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир

5 David F. J. Campbell Global Quality of Democracy as Innovation Enabler Measuring Democracy for Success. – Cham: Palgrave Macmillan, 2019. – P. 3.

6 Dunleavy P., Park A. and Taylor R. The UK's Changing Democracy: The 2018 Democratic Audit. – London: LSE Press, 2018. – P. 18; Valesca Lima. Participatory Citizenship and Crisis in Contemporary Brazil, Palgrave Macmillan, 2020. – P. 9.

7 Partha Chatterjee. I am the people: reflections on popular sovereignty today. New York: Columbia University Press, 2020. – P. 69-70.

8 Harry Collins, Robert Evans, Darrin Durant, Martin Weinel. Experts and the Will of the People: Society, Populism and Science. – Cham: Springer, 2020. – P. 35.

9 Traverso Enzo. The new faces of fascism: Populism and the Far Right / Translated by David Broder. – London and New York: Verso, 2019. – P. 19-21.

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>

11 Democracy Index 2019 A year of democratic setbacks and popular protest / A report by The Economist Intelligence Unit // <http://www.eiu.com/Handlers/WhitepaperHandler.ashx?fi=Democracy-Index-2019.pdf&mode=wp&campaignid=democracyindex2019>.

12 Somalia's Constitution of 2012 // https://www.constituteproject.org/constitution/Somalia_2012.pdf.

13 Хайдаров А.А. и др. Основы политологии. – Т.: Издательство ТашГИВ, 2003. – С. 188.

14 Oscar Gabriel. Political Behavior. In the SAGE Handbook of Political Science. Edited by Dirk Berg-Schlosser, Bertrand Badie & Leonardo Morlino, 2020. – P. 649-650 // DOI: <http://dx.doi.org/10.4135/9781529714333.n38>.



саволга ижобий жавоб беришга эришиш бошқа саволлар натижаларига боғлиқдир. Шунингдек, саволларга жавоблар ижтимоий сўровлар орқали аниқланиши туфайли мазкур саволларга ижобий жавоб олиш комплекс амалий чоралар кўришни талаб қилинади.

Ўзбекистонда ўтган сайловлардаги иштирок даражаси юқори эканлиги Демократия индексининг 27-саволига ижобий жавоб бўлади. Сайловлардаги иштирокни юқори даражада сақлаб қолиш (33) вояга етганларнинг саводхонлигини ошириш баробарида, уларни (31) сиёсатга кенгроқ жалб қилиб бориш ва бошқа чоралар кўришга бевосита боғлиқдир. Ушбу чоралар (29) парламентда аёлларнинг фоизини кўтаришга, яъни сайлашга муносиб аёллар етишиб чиқиши учун хизмат қилади. Бунда аёлларнинг таълим олиши ва сиёсий фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида мактаб ва мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш ҳамда бошқа амалий чоралар кўриш эҳтиёжи аён бўлади.

Ўз навбатида, (33) вояга етганларнинг саводхонлигини ошириш, (34) сиёсат билан қизиқиши ва янгиликларни кузатишига эришиш учун таълим тизимини ривожлантириш ва тарғибот ишлари билан кифояланиб бўлмайди. Бунинг учун аҳоли билан долзарб масалаларни юзма-юз ва онлайн маслаҳатлашнинг турли шакллари жорий қилиш, яъни фуқаровий иштирокни ҳам ривожлантириш, Интернет тармоғидан фойдаланиш учун қулай шароит яратиш, жумладан тармоқ трафики тезлигини ошириш, нархини пасайтириш ва бошқа зарур чоралар кўриш эҳтиёжини кўрсатади. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Демократия индексининг "(35) сиёсий иштирокни ривожлантириш учун давлат органлари томонидан жиддий чораларни кўриш" саволига жавоб бўлади.

Шу билан бирга, Демократия индекси саволларида маҳаллий даражада ва бевосита демократиянинг бошқа шакллари инobatга

олинмаганлиги Б.Кауфман томонидан ўринли танқид қилинган¹⁵. Шу жиҳатдан Демократия индекси (Democracy Index 2019) кўра Ўзбекистон 2019 йил якунларига кўра 167 та мамлакатдан 157 ўринни эгаллагани эътирозли бўлса ҳам, ушбу маълумот Ўзбекистон ОАВда бирорта эътирозсиз кенг оммага тарқатилган¹⁶. Бунинг устига, ушбу индекс (Democracy Index 2020) бўйича 2020 йилда 2 та поғонага кўтарилиб, 155 ўринни эгаллаган Ўзбекистон авторитар давлатлар рўйхатида туриши миллий ва хорижий манбаларда ошкора эълон қилинмоқда¹⁷. Бунда Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг ваколатлар берилгани, шунингдек бевосита демократия шакллари бўлган жамоатчилик кенгашлари, муҳокамалари ва эшитувлари, яъни фуқаровий иштирок шакллари ҳисобга олинмаган.

Б.Кауфманнинг «International IDEA» ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган «The Global State of Democracy» ҳамда «Varieties of Democracy» тадқиқот лойиҳаси индекслари нафақат давлатдаги камчиликларни, балки позитив томонларни ҳам очиб беради ва ривожланиш истиқболларини кўрсатади деган фикри эътиборга лойиқ¹⁸. Ушбу демократия индекслари Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхатига¹⁹ киритилмаган бўлса ҳам унда мавжуд **Бошқарув сифати индикаторлари**²⁰ (Worldwide Governance Indicators) уларнинг маълумотларига таянади.

Дарҳақиқат, «International IDEA» ассоциациясининг "The Global State of Democracy 2019: Addressing the Ills, Reviving the Promise" ҳисоботи жамоатчилик назорати ва сиёсий тенгликни таъминлашга қаратилган: 1) вакиллик ҳокимияти; 2) фундаментал ҳуқуқлар; 3) ҳукуматни текшириш; 4) ҳолис бошқарув ва 5) иштирок тадбирлари каби концептуал асосларда таёрланган. Охири келтирилган концептуал асосда расмий ва норасмий иштирок тадбирлари қамраб олинган бўлиб, унда бевосита ва маҳаллий демократия, электорал

15 [Renat Kuenzi](https://www.swissinfo.ch/eng/directdemocracy/democracy-index-2017_is-global-democracy-in-decline-or-development-43896598). DEMOCRACY INDEX 2017: Is global democracy in decline or development? // https://www.swissinfo.ch/eng/directdemocracy/democracy-index-2017_is-global-democracy-in-decline-or-development-43896598.

16 Индекс демократии по версии The Economist: какое место в рейтинге занял Узбекистан // <https://uzreport.news/politics/index-demokratii-po-versii-the-economist-kakoe-mesto-v-reytinge-zanyal-uzbekistan>; В рейтинге демократии Узбекистан занял 157-е место // <https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/23/democracy/>

17 The Economist: Ўзбекистон демократия индексида 155-поғонага кўтарилди // <https://kun.uz/news/2021/02/03/the-economist-ozbekiston-demokratiya-indeksi-reytingida-155-pogonaga-kotarildi>; В рейтинге демократии Узбекистан остался в списке авторитарных стран // <https://news.mail.ru/politics/45103179/?frommail=1>.

18 [Renat Kuenzi](https://www.swissinfo.ch/eng/directdemocracy/democracy-index-2017_is-global-democracy-in-decline-or-development-43896598). DEMOCRACY INDEX 2017: Is global democracy in decline or development? // https://www.swissinfo.ch/eng/directdemocracy/democracy-index-2017_is-global-democracy-in-decline-or-development-43896598.

19 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>

20 file:///C:/Users/User/Downloads/r1%20(1).pdf



ва фуқаролик жамияти иштироки феноменлари алоҳида ажратилган²¹. Ушбу кўрсаткичларда оммавий иштирокнинг сиёсий ва бошқа турлари қамраб олинганлиги аён бўлади. Мазкур лойиҳа ўз ҳисоботини тайёрлашда Демократик аудитнинг асосчилари томонидан илгари сурилган халқ назоратини, яъни бошқарувини сиёсий тенглик йўли билан амалга ошириш концепциясига таянади.

Демократик аудит асосчиларидан бўлган Д.Бетхэм ва С.Вейрлар демократиянинг асосий кўрсаткичи сифатида оммавий қарорларни халқ назорати ва сиёсий тенглик асосида қабул қилишни кўрсатишади. Уларнинг фикрича халқ назорати: 1) сайланадиган вакилларга ва бевосита фуқароларга вакилларни чақириб олиш ва конституциявий асосларни такомиллаштиришда референдум орқали иштирок этиш учун ваколат бериш; ҳукуматни инсонларга, яъни бевосита ҳар бир инсонга ва оммага ҳамда билвосита воситачи институтларга ҳисобдорлиги; 3) сиёсат ва қонунларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда мунтазам маслаҳат ва мулоқот орқали ҳукуматнинг жамоатчилик фикрига ҳозиржавоблиги тамойилларига таянади. Ўз навбатида, сиёсий тенглик асосида халқ назоратини амалга ошириш марказида фуқароларнинг индивидуал ва жамоавий фаол иштироки ётиши таъкидланади²².

Бугунги кунда «Varieties of Democracy» («V-Dem») лойиҳасида тайёрланадиган Демократия ҳисоботи мукамалроқ демократия индекслари асосида тайёрланади дейишимиз мумкин. Лойиҳа томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Демократия ҳисоботи бешта – муҳокама (Deliberative), тенглик (Egalitarian), сайлов (Electoral), либерал (Liberal) ва иштирок (Participatory) демократия индекслари ҳамда танланган яна бешта индекслар гуруҳи асосида тайёрланади²³. Ушбу индекслар қатор кўрсаткич ва мезонлардан иборат бўлиб, улар асосида 3000 дан

ортиқ эксперт²⁴ томонидан 2020 йилда 179 давлат ўрганиб чиқилган.

«V-Dem» лойиҳасининг демократияни баҳолашнинг асосий 5 та принципи асосида тузилган индексларига кўра 2017-2020 йиллар кесимида тузилган ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси рейтингини ижобий томонга ўзгараётганлигини кўрсатади. Мамлакатимиз 2017 йил ва 2020 йиллар давомида Либерал демократия индекси бўйича 170-ўриндан 160-ўринга (+10), Сайлов демократия индекси бўйича 157-ўриндан 156-ўринга (+1), Тенглик демократия индекси бўйича 152-ўриндан 124-ўринга (+28), Иштирок демократия индекси бўйича 172-ўриндан 171-ўринга (+1), маслаҳатлашиш демократия индекси бўйича 157-ўриндан 111-ўринга (+46) кўтарилган²⁵. Ушбу ҳолат иштирок ва сайлов индекслари кўрсаткичларига алоҳида аҳамият бериш заруратини кўрсатади.

«V-Dem» лойиҳасининг иштирок ва маслаҳатлашиш индекслари бўйича зарур чоралар кўриш Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхати²⁶ киритилган Фуқаро иштироки кўрсаткичинини яхшилашга хизмат қилади. Бу Ҳуқуқ устуворлиги лойиҳаси (Rule of law, World Justice Project) Очиқ ҳукумат индексининг (Open Government Index) аниқловчи 4 та омиллардан (кўрсаткичлардан) биридир²⁷. Ўтган йилга нисбатан мамлакатимиз 2020 йилда 128 давлат орасида ушбу 4 та омил бўйича 94-ўриндан 92-ўринга кўтарилган бўлса ҳам, Очиқ ҳукумат индексида 120 ўринда қолмоқда²⁸.

Ўз навбатида, Очиқ ҳукумат индексининг Фуқаровий иштирок омили (кўрсаткичи) унинг механизмлари самарадорлиги, шу жумладан сўз ва фикрлаш эркинлиги, йиғилишлар ўтказиш ва уюшиш, ҳукуматга мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш мезонлари асосида ўлчаш²⁹ билан чекланиши эътирозлидир. Чунки деярли барча

21 The Global State of Democracy 2019: Addressing the Ills, Reviving the Promise, p. 2 // <https://www.idea.int/sites/default/files/publications/the-global-state-of-democracy-2019-summary.pdf>

22 Weir S. and Beetham D. Political Power and Democratic Control in Britain: The Democratic Audit of the United Kingdom. – London and New York: Routledge, Taylor & Francis, 2005. Beetham D. Democracy: a beginner's guide. – Oxford: One world, 2005. – P. 8-9.

23 Structure of V-Dem Indices, Components, and Indicators. V 10 - March 2020 // https://www.v-dem.net/media/filer_public/6a/c8/6ac814cf-2dc9-4bad-9ca8-8e11254875d9/soa.pdf

24 <https://www.v-dem.net/en/our-work/methods/>

25 Autocratization Surges—Resistance Grows. DEMOCRACY REPORT 2020. – P. 31 // https://www.v-dem.net/media/filer_public/de/39/de39af54-0bc5-4421-89ae-fb20dcc53dba/democracy_report.pdf

26 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>

27 Factors of the Rule of Law // <https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/wjp-rule-law-index-2019/factors-rule-law>.

28 World Justice Project Rule of Law Index 2020 – P. 156 // https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf

29 Methodology // https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/ogi_methodology_0.pdf

расмий ҳужжатлар³⁰ ва илмий манбаларда³¹ фуқаро ва фуқаровий иштирок шакллари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик муҳокамалари, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари, ўзини ўзи бошқариш ва оммавий иштирокнинг бошқа шакллари киритилади. Бу ҳолат мазкур кўрсаткич бўйича ҳам Ўзбекистон ўрни кўрсатилган даражадан юқори эканлигини тасдиқлайди.

Умуман олганда, “V-Dem” лойиҳасининг иштирок, маслаҳатлашиш ва бошқа демократия индексларини ўлчаш мезонларини Ўзбекистонда оммавий иштирок даражасини кўтариш чораларини ишлаб чиқишга асос қилиб олса бўлади. Чунки Иштирок демократия индекси кўплаб индекслар ва кўрсаткичларни қамраб олган Сайлов ва Иштирок компоненти индексларидан иборат бўлиб, ушбу ва бошқа “V-Dem” лойиҳасининг индекслари³² оммавий иштирокни тизимли ривожлантириш учун услубий ва амалий қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Шунингдек, демократия ва бошқа оммавий иштирок шакллари самарадорлигини оширишда электрон иштирок таъсири тобора ошиб бормоқда. Бундай иштирок индекси (E-Participation Index) Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхати³³ киритилган Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (E-government Development Index) таркибига киради. Электрон иштирок индекси – электрон ахборот (e-information), консультациялар (e-consultation) ва қарор қабул қилиш (e-decision-making) учта кўрсаткичдан иборат³⁴.

2020 йилда Электрон иштирок индекси асосида ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра Ўзбекистон электрон иштирок жуда юқори бўлган 23 та давлат орасига кирганлигини кўриш мумкин³⁵. Бу

ҳолат мамлакатимизда амалга оширилаётган илоҳотларнинг натижаси бўлиб, уни янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир. Электрон иштирок фуқароларга оммавий ахборотни сўров ёки сўровсиз тақдим қилиш, улар билан оммавий сиёсат ва қарорларни маслаҳатлашиш, биргаликда хизматлар турлари ва кўрсатиш усуллари ишлаб чиқиш шакллари такомиллаштиришни талаб қилади.

Умуман олганда, оммавий иштирокни такомиллаштириш бошқарув самарадорлигини ошириш ва барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилган. Шу туфайли оммавий иштирокнинг айрим шакллари, турлари, тамойиллари ва шароитлари Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхати³⁶ киритилган **Бошқарув сифати индикаторлари**³⁷ (Worldwide Governance Indicators), Бюджет очиқлиги индекси³⁸ (Open Budget Index) ва бошқа индекслар алоҳида кўрсаткичлари ва мезонлари сифатида белгиланган. Бундан оммавий иштирокни кенгайтиришга қаратилган тадбирлар барча тегишли индекс ва кўрсаткичларга асосланиши зарур деган хулоса келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, демократия, яъни оммавий иштирокни кенг ва тор маънолардаги ривожланиш даражасини баҳолаш «International IDEA» ассоциацияси, «Varieties of Democracy» тадқиқот лойиҳаси ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган индекс ва кўрсаткичлардан фойдаланиш кўрсатади. Шу туфайли Ўзбекистонда оммавий иштирок самарадорлигини кўпчилик томонидан тан олинган барча индекслар мезонлари асосида аниқлаш, мавжуд ютуқларни мустақамлаш ва камчиликларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш кутилган натижаларга эришишга хизмат қилади.

30 Guidelines for civil participation in political decision making // <https://www.coe.int/en/web/civil-society/guidelines>.

31 Мисол учун қаранг: Ianniello, M., Iacuzzi, S., Fedele, P., & Brusati, L. Obstacles and solutions on the ladder of citizen participation: a systematic review // *Public Management Review*, 2019, VOL. 21, NO. 1. – P. 30-32. doi:10.1080/14719037.2018.1438499; Евлегина А.М. Гражданское участие: актуальные вопросы содержания и типологии // “Дискуссия” журнал научных публикаций, 7(70)/2016. – С. 67-69; Подъячев К.В. Основные формы гражданского участия в условиях современной России. Электронный ресурс. – С. 3. // https://www.civisbook.ru/files/File/Podyachev_osn.pdf.

32 <https://www.v-dem.net/ru/analysis/VariableGraph/>

33 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>

34 E-Participation Index // <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/About/Overview/E-Participation-Index>.

35 UNITED NATIONS E-GOVERNMENT SURVEY 2020. Digital government in the decade of action for sustainable development. – New York, 2020. – P. 120 // <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Reports/UN-E-Government-Survey-2020>.

36 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги 2020 йил 2 июнда қабул қилинган ПФ-6003-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4838762>

37 file:///C:/Users/User/Downloads/rf%20(1).pdf

38 Open Budget Survey 2019. 7th edition. – P. 18 // https://www.internationalbudget.org/sites/default/files/2020-04/2019_Report_EN.pdf



Музаффар ДУСТКОРИЕВ,
Начальник кафедры Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан

РОЛЬ ПРОКУРОРА В СОДЕЙСТВИИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ ПРАВОСУДИЯ И ЕГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ С ДРУГИМИ УЧАСТНИКАМИ ГРАЖДАНСКОГО ПРОЦЕССА

АННОТАЦИЯ: В данной статье изложены мнения относительно роли и функции прокурора в гражданском судопроизводстве, характеристики его отношений с участниками гражданского процесса, которые содействуют осуществлению правосудия, а также его целей и задач по оказанию содействия суду в осуществлении правосудия при рассмотрении гражданских дел.

ABSTRACT: This article outlines views on role and functions of a prosecutor in civil litigation, as well as specific features of his cooperation with the participants of civil proceedings who contribute the administration of justice, and main goals and tasks of the prosecutor in promoting the court in administration of justice in considering civil cases.

Ключевые слова: прокурор, участники процесса, правовой статус, лица, содействующие осуществлению правосудия, лица, участвующие в деле, права и обязанности, задачи и функции, юридическая заинтересованность.

Keywords: prosecutor, participants of the process, legal status, persons contributing to the administration of justice, persons involved in the case, rights and duties, tasks and functions, legal interest.

В соответствии с нормами Гражданско-процессуального кодекса (ГПК) Республики Узбекистан, участники гражданского судопроизводства разделены на две категории: лица, участвующие в деле (ст. 40 ГПК) и лица, содействующие осуществлению правосудия (ст. 54 ГПК). Такое разделение объясняется тем, что к деятельности каждого из участников перечисленных групп присущи признаки, так или иначе связанные с их общими задачами.

Лицами, участвующими в деле, признаются стороны, третьи лица, их представители, заявители и другие заинтересованные лица по рассматриваемым в суде делам особого производства, прокурор, органы государственного управления, организации и отдельные граждане, участвующие в деле в защиту прав и охраняемых законом интересов других лиц.

Лицами, содействующими осуществлению правосудия, являются свидетели, эксперты, специалисты, переводчики, держатели письменных и вещественных доказательств, понятые и хранители в исполнительном производстве¹.

Как указано выше, прокурор относится к категории лиц, участвующим при рассмотрении гражданского дела. Однако имеются особенности участия прокурора в процессе, которые связаны с его функ-

циями и установленным законом правовым статусом.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О прокуратуре», поддержание государственного обвинения при рассмотрении в судах уголовных дел, участие в рассмотрении в судах гражданских дел, дел об административных правонарушениях и экономических споров, опротестование несоответствующих закону судебных актов является одним из основных направлений деятельности органов прокуратуры². Это указывает на то, настолько значимым и важным является участие прокурора в гражданском судопроизводстве.

В соответствии с действующим законодательством, участие прокурора в гражданском производстве осуществляется в двух формах.

Так, согласно ГПК, прокурор имеет право обратиться в суд с заявлением в защиту нарушенных прав, свобод и законных интересов граждан, когда гражданин по состоянию здоровья, возрасту или иным причинам не может лично отстаивать в суде свои права, свободы и законные интересы. Это является первой формой участия прокурора в суде (ст. 50 ГПК).

Как утверждает проф. М.М.Мамасиддиқов, все подсудные гражданские дела может быть воз-

1 Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан: Официальное издание – Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент.: «Адолат», 2018 г. стр. 236.

2 Национальная база данных законодательства, 23.01.2020 г., № 03/20/603/0071)



буждены по заявлению прокурора³. Тем не менее, многие ученые утверждают, что несмотря на то, что прокурор, участвующий в деле, обладает полномочиями, указанными выше, в гражданском судопроизводстве он не считается стороной по делу⁴.

Вторая форма участия прокурора состоит в том, что он может участвовать в разбирательстве дела, возбужденного по инициативе других лиц, когда это предусмотрено законом, а также дел, возбужденных по его заявлению. Прокурор по собственной инициативе не может участвовать в разбирательстве дела, возбужденного по заявлению других лиц.⁵

Следует отметить, что до вступления в силу Закона Республики Узбекистан № ЗРУ-661 «О внесении изменений и дополнений в Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института пересмотра судебных решений» (12 января 2021 года)⁶ прокурор имел достаточно широкий круг полномочий, т.е. он мог участвовать с начала разбирательства дела, возбужденного по инициативе других лиц.

Права и обязанности прокурора также вытекают из его статуса по делу, является ли он стороной по делу или он участвует в деле, возбужденном по инициативе других лиц.

Так, прокурор, подавший заявление (первая форма участия), пользуется всеми процессуальными правами и несет все процессуальные обязанности истца, за исключением права на заключение мирового соглашения или медиативного соглашения и обязанности по уплате судебных расходов.

Прокурор имеет право полностью или частично отказаться от поданного заявления, давать суду объяснения по поводу заявленных им требований в защиту прав и интересов других лиц, излагать мнение по существу дела, а также по отдельным вопросам, возникающим во время разбирательства дела, опротестовать судебный акт.

Вторая форма участия прокурора в гражданском процессе отличается тем, что он не будет пользоваться правами, указанными выше. Однако закон наделяет прокурора широкими полномо-

чиями. Так, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О прокуратуре», прокурор в порядке, установленном процессуальным законом, вправе в пределах своей компетенции принести протест на решение, определение и постановление суда.

В случаях, когда принесение протеста выходит за пределы компетенции прокурора, он обращается с представлением о принесении протеста вышестоящему прокурору⁷.

Таким образом, прокурор, как участник процесса, реализует свои законные полномочия для поддержания законности при рассмотрении дел.

Участвуя в деле, прокурор входит в гражданско-процессуальные правовые отношения с другими участниками процесса. В данной статье анализируем взаимодействие прокурора с лицами, содействующими осуществлению правосудия.

Как указано выше, лицами, содействующими осуществлению правосудия, признаются свидетели, эксперты, специалисты, переводчики, держатели письменных и вещественных доказательств, понятые и хранители в исполнительном производстве.

При этом важно отметить, что одним из основных особенностей процессуального участия данной категории лиц – это отсутствие юридической заинтересованности от исхода дела.

Когда речь идет о статусе и функциях лиц, содействующих осуществлению правосудия, следует обратить внимание на то, какие цели они преследуют в процессе. По мнению некоторых ученых, лица, содействующие осуществлению правосудия, участвуют в суде с целью правильного разрешения интересов истца или ответчика⁸.

Лица, содействующие правосудию, имеют права, несут обязанности в соответствии со строгими нормами закона, обладают повышенной мерой ответственности, которая основана на выполнении гражданского и профессионального долга. Они непричастны к оспариваемому материальному праву, и не несут прав и обязанностей сторон, как лица, участвующие в деле⁹.

Взаимодействие прокурора с указанными лицами осуществляется в различных формах. Так, прокурор, участвуя в деле, возбужденном по

3 Мамасиддиков М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. Масъул муҳаррир О.Оқюлов. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. 152-б.

4 М.М.Мамасиддиков, Н. Мирахмедова. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент: «Адолат», 2016 й. параграф 1.3; Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррирлар: М.М.Мамасиддиков, Д.Ю.Хабибуллаев. – Тошкент: «Lesson Press». стр. 155.

5 Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан: Официальное издание – Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент: «Адолат», 2018 г. стр. 240-241.

6 Национальная база данных законодательства, 13.01.2021 г., № 03/21/661/0011

7 Национальная база данных законодательства, 23.01.2020 г., № 03/20/603/0071)

8 Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. стр. 84.

9 Завадская Л.Н. Гражданский процесс в схемах с комментариями/ 3-е издание. - М.: Эксмо, 2016. стр. 28-29.



инициативе других лиц, может задавать вопросы свидетелю, эксперту, специалисту и другим лицам, ходатайствовать суду о вызове в суд того или иного лица (свидетеля, эксперта, специалиста и др.) для дачи показаний или выяснению истинных обстоятельств дела.

При этом необходимо отметить, что указанные лица осуществляют содействие не только суду, но и прокурору. Так, прокурору, участвующему в деле в защиту прав и охраняемых законом интересов общества и государства, очень важна помощь лиц, содействующих осуществлению правосудия. Как указано выше, прокурор в порядке, установленном процессуальным законом, имеет право в пределах своей компетенции принести протест на приговор, решение, определение и постановление суда, если имеет место неполное выяснение обстоятельств, имеющих значение для дела, а также недоказанность обстоятельств, имеющих значение для дела, которые суд считал установленными¹⁰.

При этом следует отметить, что прокурор, выполняя свою функцию по содействию суду в выяснении истинных обстоятельств дела, очень часто полагается на такие средства доказывания, как свидетельские показания, заключение эксперта и консультация специалиста. Поэтому очень важно для прокурора получение правдивых показаний и заключений по делу.

По мнению некоторых ученых, функция прокурора в той или иной форме направлена на содействие правосудию. Так, например, проф. М.М. Мамасиддиков считает, что несмотря на то, что деятельность органов прокуратуры в правильном применении законов несколько схожа к деятельности судов, суды направляют свою деятельность на осуществление правосудия, а прокурор, считается органом, всесторонне содействующему для осуществления правосудия¹¹.

По мнению проф. Ш.Ш. Шорахметова, в какой форме участвовал бы прокурор в деле, он не остается лицом, надзирающим судебную деятельность, а считается лицом, который осуществляет надзор за исполнением законов в суде и содействующим осуществлению правосудия¹².

Согласно мнению некоторых ученых, следует учитывать, что, вступая в процесс, прокурор не является стороной разбирательства, его участие преследует цель, не связанную ни с одной из сторон, и которая напрямую вытекает из его полномочий – соблюдение законности, его заключение носит

для суда рекомендательный характер¹³.

Так, прокурор, будучи участником гражданского процесса, в первую очередь преследует очень важную цель – соблюдение законности, обеспечение вынесения судами законных, обоснованных и справедливых судебных постановлений. Иными словами, вся деятельность прокурора направлена на содействие суду в установлении истины. В этом деле он тесно взаимодействует с лицами, содействующими осуществлению правосудия.

При этом, необходимо отметить, что в отличие от лиц, содействующих осуществлению правосудия, которые привлекаются в судебный процесс по инициативе суда, основанной на ходатайстве других участников процесса, прокурор самостоятельно вступает в процесс и реализует свои полномочия, установленные законом, при содействии указанных лиц.

Из указанного можно сделать вывод, что роль прокурора в рассмотрении гражданских дел очень важна с точки зрения соблюдения законов и обеспечения законности судебных постановлений. Эффективность его взаимодействия с другими участниками процесса, в том числе, лицами, содействующими осуществлению правосудия, будет способствовать быстрому выяснению истинных обстоятельств дела и обеспечению справедливости и законности в гражданском процессе.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан: Официальное издание – Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент.: «Адолат», 2018 г. С. 424;
2. Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре», Национальная база данных законодательства, 23.01.2020 г., № 03/20/603/0071);
3. Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. С. 960;
4. М.М.Мамасиддиков, Н.Мирахмедова. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент: «Адолат», 2016 й.;
5. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррирлар: М.М.Мамасиддиков, Д.Ю.Хабибуллаев. – Тошкент. «Lesson Press»;
6. Завадская Л.Н. Гражданский процесс в схемах с комментариями/ 3-е издание. - М.: Эксмо, 2016. С. 144;
7. М.М.Мамасиддиков. Гражданский процесс: учебное пособие. – Ташкент: Baktria Press, 2014. С. 424;
8. Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л. В. Тумановой. – Москва: Проспект, 2016. С. 456.

10 Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан: Официальное издание – Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент.: «Адолат», 2018 г. стр. 379.

11 М.М.Мамасиддиков. Гражданский процесс: учебное пособие. – Ташкент: Baktria Press, 2014. стр. 110.

12 Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. стр. 124.

13 Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л. В. Тумановой. – Москва: Проспект, 2016. стр. 118.

Шодиёр ШАЙЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
ўқитувчиси, мустақил изланувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада маъмурий юстиция пайдо бўлишининг дастлабки bosқичлари, пайдо бўлишига боғлиқ омиллар, шу соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ривожланиши ҳақида фикрлар билдирилган.

АННОТАЦИЯ: В статье приведены суждения относительно начальных этапов возникновения административной юстиции, факторов, связанных с её появлением, принятия правовых документов в этой области и их развития.

ANNOTATION: The article presents the initial stages of the emergence of administrative justice, the factors associated with its emergence, the adoption and development of legal documents in this area.

Калит сўзлар: “Мазалим” суди, маъмурий суд, маъмурий юстиция.

Ключевые слова: Мазалимский суд, административный суд, административная юстиция.

Keys words: Mazalim court, administrative court, administrative justice.

Юртимиз ҳудудида қадимги халқларнинг турмуш тарзи, жамиятдаги юриш-туриш қоидалари маълум бир қонунлар орқали тартибга солинган. Милодий II асрдан XX асргача маъмурий юстиция, маъмурий тартиб-таомиллар ёки маъмурий суд ишларини юритиш каби атамалар мавжуд бўлмаган.

III-VII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг бир қисмида фуқароларнинг ваколатли шахслар ҳаракатларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқувчи “Мазалим” судлари пайдо бўлди. “Мазалим” атамаси “судья” ёки “адолатни амалга оширувчи орган” маъноларини англатади¹¹. Ҳозирги кунда баъзи бир араб давлатларида (Иордания, Саудия Арабистони) маъмурий адлия судлари мазалим ҳам деб номланади².

З.М.Рахматова тадқиқот ишида “Мазалим” суди шакли жиҳатидан маъмурий судларга ўхшашлигини кўрсатиб, маъмурий суд сифатида ўзига хос хусусиятини томонлардан бири ёки иккала томон ҳам мансабдор шахслар (ҳокимият вакиллари) бўлган ишларни ҳал этганлигини билдирган. Шунингдек, агар ишлар қозилар томонидан кўриб чиқилса, мансабдор шахслар қарор қабул қилишга таъсир ўтказган. “Мазалим” судларида эса — давлат раҳбари, вазирлар, шариат мутахассислари қарор қабул қилишга ўз таъсирларини кўрсата олма-

ганлигини ифодалайди³.

Демак, тарихда мавжуд ушбу судларнинг қуйидаги жиҳатлари билан ҳозирги кундаги маъмурий судлар билан ўзаро ўхшашликлари бор: биринчидан, “Мазалим” судлари томонидан кўриб чиқилган низоларнинг бир томонида мансабдор шахслар бўлса, иккинчи томонида ҳуқуқи бузилган шахсларни учратиш мумкин; иккинчидан, “Мазалим” судларини сайлаш ёки тайинлаш юқори турувчи амалдорлар томонидан бажарилган.

“Мазалим” судлари ўз ваколати доирасида низоларни ҳал этиш, ташкилий тузилмаси ва бошқа хусусиятлари билан ўзига хос жиҳатларга эга. Бу борада А.Халиков ўз тадқиқотларида, - “Мазалим” судини шакллантириш хусусиятларини қуйидагиларга ажратади:

1) моддий-ҳуқуқий хусусиятларига кўра, “Мазалим” судининг ваколатига ҳокимият вакиллари билан боғлиқ низолар (ҳукумат амалдорлари, маъмурий ва ҳарбий бошқарув соҳасидаги, диний низолар)ни ҳал этиш вазифаси юклатилган. Бундан ташқари, “Мазалим” судига бошқарув органларига нисбатан назорат қилиш ваколати берилган.

2) ташкилий хусусиятларига кўра, “Мазалим” суди давлат подшоҳлари томонидан тайинланган ва судья сифатида умумий судлар фаолиятини, ҳарбий суд ишларини назорат қилиб, олий диний

1 Сокит М.Н. Институты правосудия в исламе. Тегеран, 1325 хиджри; Мец А. Мусульманский Ренессанс. Изд. 2-е // Пер. с нем., предисл., библиогр. и указания Д.Е. Бертельса. Отв. ред. В. И. Беляев. М.: Наука, 1973.

2 Ахмад Анвар Ахмад: Административная юстиция в арабских странах (на примере Египта, Сирии и Ливана). Автореф. дисс. канд.юрид наук. М.2007.

3 Рахматова З.М. Административное судопроизводство в Республике Таджикистан: современное состояние и перспективы развития: дис. ...канд. юрид. наук. - М., 2017. С. 69



назорат вазифасини ҳам бажарган⁴.

“Мазалим” судлари III-VII асрларда мутлақ ваколатларга эга бўлган суд ҳокимиятининг таркибий қисми бўлиб, суд процессидаги барча вазифалар яқка ўзи томонидан бажарилган ҳамда унда мутлақ назорат функцияси мавжуд бўлган.

X-XIX асрларда ҳам фуқароларнинг ҳокимият вакиллари билан келиб чиққан низолари асосан шариат қонунлари асосида тартибга солинган ва бу бевосита хонлар, амирлар, уларнинг жойлардаги беклари, ислом дини уламолари, қозилар, муфти ва аъламлар томонидан ҳал этилган ҳамда назорат қилиб борилган.

XIX асрлар охирида Ўрта Осиёда чор Россияси ҳукмронлик қила бошлаган даврларда, ҳукумат ҳудудда ўз нуфузини ошириш мақсадида Александр II томонидан мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушадиган низоларни кўриб чиқувчи маъмурий суд ташкил этиш ва алоҳида маъмурий органдан ажратиш бўйича ислохотлар амалга оширилди⁵. Молиявий масалалар ҳал этилмаганлиги сабабли бу ислохотлар охирига етказилмади.

Чор Россияси Муваққат ҳукумати томонидан 1917 йил 30 майда “Маъмурий судлар тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Ушбу Низомда уч босқичли суд тизимини жорий этиш назарда тутилган эди:

- 1) уезд маъмурий судлари;
- 2) туман судларининг махсус маъмурий бўлимлари;
- 3) маъмурий юстициянинг энг юқори босқичи сифатида Ҳукумат Департаменти⁶.

Юқоридаги Низомга мувофиқ, уезд маъмурий судлари ваколатига муассасалар, мансабдор шахслар ва ҳокимият фаолияти устидан шикоятлар ва протестларни кўриб чиқиш ваколати берилиши назарда тутилган эди. Бироқ, ушбу маъмурий судлар амалда жорий қилинмади. Бунга асосий сабаблардан бири, иқтисодий тақчиллик, мансабдор шахслар ўзининг мутлақ ваколатларидан воз кечишни хоҳламаслик, 1917 йил октябрь воқеалари ва маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизми мавжуд эмаслигидир. Шу сабабли, фуқароларнинг мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатлари юқори турувчи ваколатли шахслар томонидан эътиборсиз қол-

дирилган. Бу каби мурожаатлар эса қози ва бий судлари томонидан кўриб чиқилган.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг (кейинги матнларда МИҚ) 1919 йилдаги қарорига асосан қайта ташкил этилган прокуратура органлари зиммасига мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилди. Туркистон Республикаси МИҚнинг 1922 йил апрель ойидаги қарорига асосан Туркистон Республикасида Давлат прокуратураси институтининг йўналишлардан бири сифатида – суд органлари устидан назорат сектори белгиланди⁷. Суд назорати сектори сифатида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишлар фуқаролик судлари томонидан ҳал этилиши ҳамда шу соҳадаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш вазифалари белгиланди.

Туркистон ўлкасида бевосита маъмурий судлар ташкил этилмаган бўлса-да, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар юзасидан фуқаролик судларига шикоят қилиш институти жорий этилди. Бу тоифадаги ишларда прокурорнинг иштирок этиш масаласи белгиланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1963 йил 23 мартдаги қонуни билан Гражданлик процессуал кодекси тасдиқланди ва 1964 йил 1 январдан кучга кирди. Мазкур Кодексда маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи қуйидаги низолар фуқаролик судлари томонидан кўрилади бошланди:

- сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар устидан берилган шикоятлар;
- штраф солиш муносабати билан маъмурий органларнинг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар қонунда белгиланган ҳолларда мансабдор шахсларнинг қонунни бузган ҳолда ва ваколатларини ошириб қилган гражданларнинг ҳуқуқларини камситишга олиб келган хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар;
- гражданлардан солиқлар, қишлоқ аҳолисининг ўзаро ихтиёрий йиғимлари ва давлат мажбурий страхованияси бўлган боқимандаларни ундириш ҳақидаги ишлар⁸.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва уларнинг қарорлари билан боғлиқ бўлган қуйидаги ишлар ҳам алоҳида тартибда иш юритиш асосида фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилган:

4 Ўша жойда.

5 Зеленцов А.Б., Радченко В.И. Административная юстиция в России: (история и современность) М.: Российская академия правоведия. 2002., с.29

6 К учреждению административных отделений окружных судов // Вестник Временного Правительства. 1917. № 73 (119).

7 Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фонд – 1710, рўйхат –1, иш жилди – 72.

8 ЎзССР Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, № 9, 31-модда.



- нотариал ҳаракат устидан берилган ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик ҳақидаги шикоятлар тўғрисидаги;

- гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтаридagi ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисида⁹.

Ушбу маъмурий-ҳуқуқий низолар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси (1997 йил) қабул қилингунига қадар амалда мавжуд эди ва умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланди. 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунида илк бор "маъмурий судлов" тушунчаси акс эттирилди. Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши белгиланди¹⁰. Қуйи судлар эса умумий юрисдикция судлари сифатида фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишларни кўриб чиқа бошлади. Қонунда "маъмурий судлов" фақатгина маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни кўришни назарда тутди. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар 2001 йилга қадар умумий юрисдикция судлари ва хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан ҳал қилинган.

Ўз навбатида, юридик адабиётларда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўрадиган ихтисослашган судларнинг ва уларни судда кўриб чиқиш тартибини белгиловчи алоҳида процессуал қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб келинган.

Хусусан, Ғ.Ҳақимов маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш тартибини белгиловчи ягона ҳужжатнинг ва суд органининг йўқлиги судлар ўртасида тааллуқлиликини аниқлаш муаммоларини келтириб чиқариши¹⁰ ҳақида фикр билдирган. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, назаримизда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни тартибга солувчи ягона қонун

ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги, шу билан боғлиқ низоларнинг аниқ чегараси белгиланмаганлиги ва фуқароларнинг судлар ўртасида овора бўлишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сон Фармони¹¹ билан илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4850-сонли Фармонида 1-илова тартиқасида берилган "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури"нинг 33-бандида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар ва низоларни кўриб чиқиш бўйича суд иш юритуви амалга оширилишини тартибга солувчи "Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Шу асосида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги ЎРҚ-462-сон Қонуни билан қабул қилинди ҳамда 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга киритилди¹².

М.М.Мамасиддиқов ҳам мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши билан боғлиқ конституциявий норманинг амалга оширилишидир, деб баҳолайди. Унинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш зарурати қуйидаги омиллар билан белгиланади: биринчидан, жиноят қонунчилиги тобора

9 Ўша манба.

10 Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 02.09.1993 йилги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 10-сон, 367-модда.

11 Ҳақимов Ғ.Т. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. ю.ф.н. ... дисс. Т.:2009. - 62 б.

12 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда; ҚҲММБ, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон; 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон



либераллаштирилиб, айрим қонунбузарлик учун белгиланадиган жазо чоралари босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилиши; иккинчидан, судларда кўриладиган фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўпчиликти ташкил этиши; учинчидан, фуқароларнинг давлат бошқарувида оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибидан ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш зарурати; тўртинчидан, давлат бошқаруви органлари, улар мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштиришнинг талаб этилаётгани¹³.

Назаримизда, ушбу фикрларда бироз қарама-қаршиликлар мавжуд. Чунки, фуқароларни ҳам жазолаш, ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ваколатларини бир маъмурий юрисдикцияга бирлаштирилиши номуносибликни келтириб чиқаради. Бу эса фуқароларнинг судга бўлган ишончини йўқотади. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонининг 3-бандида 2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилишининг белгиланиши¹⁴ - бу амалиётнинг самарасиз эканлигини ва халқаро қоидаларга мос эмаслигини кўрсатди. Эндиликда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ низолар жиноят судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ташкил этилган маъмурий судлар жиноий, фуқаролик, иқтисодий судлар билан тенг мақомда бўлиши билан бир қаторда, бизнингча, қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, маъмурий судларда оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юритишнинг субъектлари сифатида бир томонда давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қатнашса, фуқаролик судларида эса бир

томонда албатта ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс, яъни фуқаро қатнашади. Иқтисодий судларда ҳар иккала томонда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик шахслар, мулкдорлар иштирок этиши мумкин. Иккинчидан, маъмурий суд ишларини юритишда мансабдор шахслар хусусий шахс сифатида эмас, балки ўзи фаолият кўрсатаётган идора, ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этади. Шикоятчи низолашаётган хатти-ҳаракат ҳам ушбу шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида талқин этилади. Учунчидан, маъмурий судлар Кодексда белгиланган ва ўз ваколатига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқади ҳамда бир нечта талаблар бирлаштирилишига йўл қўйилмайди. Фуқаролик ва иқтисодий судларда эса бир нечта талаб бирлаштирилиши мумкин ва ҳоказо.

Шунингдек, 2017 йил 1 июнидан янги ташкил этилган маъмурий судларга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги; инвестициявий низолар ва рақобат тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш¹⁵ вазифаси юклатилганлигини ҳам алоҳида хусусият сифатида таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда яна бир жиҳатга алоҳида тўхталиш лозим. Маъмурий судлар ташкил этилганидан сўнг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқув-

13 ҚҲММБ, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон; 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

14 Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юритишнинг манбаи сифатида. // Тошкент: 2018. Мақолалар рукни. <http://constitution.uz>

15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони/ www.lex.uz



чи низолар қай даражада ҳал этилаётганлиги ва ушбу судларга фуқароларнинг ишончи қай даражада ошиб бориши ҳам эътиборга молик.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи маъмурий ишлар 2018 йилда 20714 тани, 2019 йилда 20723 тани, 2020 йилда 14988 тани ташкил этган¹⁶. Мазкур кўсаткичлар фуқароларнинг давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларнинг шундай ҳаракатларни (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоятлари кўпаётганлигидан далолат беради. Бу эса бу билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар авж олаётганлигини ва низоларни мазмунан кўриб чиқиш учун ҳолисона бўлган маъмурий судларнинг фаолият юритиши учун эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Ф.Ҳ.Рахимов суд жараёни шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг ишончли тарздаги кўламдор кафолатларини ўз ичига олади, маъмуриятнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб бориш имкониятини бериши ҳақида фикр билдирган бўлса¹⁷, Ш.О.Умарова суд ҳокимияти фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ва ҳуқуқнинг ўзини ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ва қарорларидан, уларни ким содир этишидан қатъи назар, шу жумладан, ҳокимият ваколатларига эга бўлган мансабдор шахслардан, давлатнинг ўзидан ҳимоя қилиши, шу орқали ҳуқуқ устуворлигини таъминлаши лозимлигини таъкидлайди¹⁸. Бизнингча ҳам судлар, шу жумладан, маъмурий судлар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиши лозим.

Бу борада айрим тадқиқотчилар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш тизимини турли даврларга ажратиш орқали тадқиқ этишни илгари суради.

Жумладан, Ф.Ф.Муҳитдинова судларнинг пайдо

бўлиши ва ривожланишига қараб суд ҳокимиятини уч гуруҳга даврийлаштириш орқали¹⁹, Ғ.Ҳакимов бевосита маъмурий юстицияни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид қонун ҳужжатларини уч гуруҳга даврийлаштириш орқали²⁰.

Бироқ, ушбу фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, даврийлаштиришда маъмурий юстиция пайдо бўлишининг дастлабки босқичлари, пайдо бўлишига боғлиқ омиллар, шу соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниш даврийлиги ҳам ҳисобга олинishi лозим.

Назаримизда, юқоридаги омилларни ҳисобга олиб, маъмурий суд ислохотларининг ривожланишини қуйидагича даврийлаштириш орқали тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқич, 1991 йилга қадар бўлган давр. Дастлаб фуқароларнинг ваколатли шахслар ҳаракатларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқувчи “Мазалим” институти пайдо бўлиши, ўрта асрларнинг охирларидан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилганлиги ҳамда ушбу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асос сифатида 1963 йилда Гражданлик процессуал кодекси қабул қилиниши жараёнларини ўз ичига олади.

Иккинчи босқич, 1991 йилдан 2000 йилга қадар бўлган давр. Ушбу босқич Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ва ҳокимиятлар бўлиниш принципига асосан суд ҳокимиятининг конституциявий мақоми белгиланиши, оммавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи мустақил қонунчиликнинг илк ҳуқуқий асоси пайдо бўлиши ҳамда бир қатор кодекслар ва қонун ҳужжатлари орқали маъмурий низолар фуқаролик, хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан тартибга солинганлигидир ((1991 йил, XXII-боб), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994 йил), Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонуни (1995 йил), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (1997 йил), Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Хўжалик процессуал ко-

16 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 2018 й., 6-бет. www.lex.uz. Қаралган вақти: 16.10.2020 й

17 bp.report.uz/ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали.

18 Раҳимов Ф.Ҳ. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг масъулияти // Масъул муҳаррир: З.М.Исломов.-Т.: “Маънавият”, 2001.-114 б.

19 Умарова Ш.О. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни: юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. – 3 б.

20 Муҳитдинова Ф.Ф. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қарор топиши ва ривожланиши: юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Т., 2011. – 14 б.



декси (1997 йил), Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (1997 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2000 йил), Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни (2000 йил).

Учинчи босқич, 2000 йилдан 2015 йилга қадар бўлган давр. Шунингдек таъкидлаш лозимки, бу давр Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги ПФ-4570-сонли Фармонида жиноий, маъмурий суд ишлари юритилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда маъмурий-ҳуқуқий низоларни судгача, суддан ташқари ҳал қилиш тартибини янада такомиллаштириш вазифалари белгиланганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ва хўжалик судларида кўриб, ҳал этилган оммавий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низоларни тартибга солувчи кўплаб Пленум қарорлари қабул қилинган жараёнларни қамраб олади.

Тўртинчи босқич, 2016 йилдан ҳозирга қадар бўлган давр. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш ва бу тизимни янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларини, жумладан маъмурий судларнинг ташкил этилиши, ҳуқуқий асосининг яратилиши ва ҳоказо жараёнларни қамраб олади (Президентнинг 2016 йилдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони, Президентнинг 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс ва бошқалар).

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий судларнинг ташкил этилиши, тартиб ва таомилларини илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш орқали ўрганиш маъмурий судларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

.....

.....



Шухратжон ХАЙДАРОВ,
ТДЮ “Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва
коррупцияга қарши курашиш” кафедраси доценти
вазифасини бажарувчиси, юридик фанлари бўйича
фалсафа фанлар доктори (PhD)

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги қиёсий таҳлили асосида кўриб чиқилган. Таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси ЖКни такомиллаштиришга оид таклиф ва хулосалар илгари сурилган.

Аннотация. В статье рассматривается преступление ненадлежащего исполнения профессиональных обязанностей, предусмотренное Уголовным кодексом Республики Узбекистан, на основе сравнительного анализа уголовного законодательства зарубежных стран. На основе анализа выдвинуты предложения и выводы по совершенствованию Уголовного кодекса Республики Узбекистан

Annotation. The article considers the crime of improper performance of professional duties under the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan on the basis of a comparative analysis of the criminal law of foreign countries. Based on the analysis, proposals and conclusions on improving the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan were put forward

Калит сўзлар: жиноят, бемор, тиббий ёрдам кўрсатмаслик, тиббиёт ходими, касб юзасидан вазифаларини бажармаслик, ижтимоий хавфли қилмиш, эҳтиётсизлик, жиноий жавобгарлик, шикаст етказиш, касалга ёрдам кўрсатмаслик, махсус қоидалар, хавф остида қолдириш, бепарволик, вояга етмаганлар, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, жазо.

Ключевые слова: преступление, больной, не оказание медицинской помощи, работник медицины ненадлежащее исполнение профессиональных обязанностей, общественно опасное деяние, неосторожность, уголовная ответственность, причинение телесного повреждения, не оказание помощи больному, особые правила, оставление в опасности, халатность, несовершеннолетние, лишение определенных прав, наказание.

Keywords: crime, patient, failure to provide medical care, medical worker, not to perform professional duties as needed, socially dangerous act, negligence, criminal liability, injury, not to help the patient as needed, special rules, endangerment, carelessness, juveniles, deprivation of certain rights, punishment.

Дунёда инсон ҳаёти ва соғлиғини жиноят қонуни ёрдамида муҳофаза қилиш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири саналади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, “жаҳонда беморларнинг 23 фоизига тиббий ёрдам кўрсатилмаган ёки лозим даражада кўрсатилмаган, 0,7 фоиз ҳолатда эса малакасиз тиббий аралашув оқибатида уларнинг ҳаётига хавф солиниб, вафот этган”[1].

Ҳар йили АҚШда ўртача 100 минг, Буюк Британияда 70 минг, Италияда 50 минг, Германияда 25 минг, Австралияда 18 минг, Венгрияда 10 минг киши тиббиёт ходимларининг ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида вафот этади[2]. Шу нуқтаи назардан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланиб, ушбу мавзу ҳозирда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жино-

ят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) да турли касб эгаларининг жавобгарлигига доир бир неча янги махсус нормалар эмас, балки умумий нормалар назарда тутилган. ЖКнинг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган “касб билан боғлиқ жиноятлар” деганда, ходимларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида инсон ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказган ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик) тушунилади.

Ўз навбатида ушбу жиноятни содир этганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилганлиги шу билан белгиланадики, касб юзасидан муайян вазифаларни бажараётган шахс умумий қоидалар билан бир қаторда касбий фаолият билан боғлиқ бўлган махсус хавфсизлик қоидаларига ҳам риоя



этиши лозим.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги айрим хорижий давлатлар жиноят қонун нормаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлардан – Арманистон, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Эстония ва Украина Республикаси, шунингдек, АҚШ, Корея, Венесуэла, Болгария, Франция, Англия ҳамда Германия давлатларининг ЖКнинг таҳлили уларда ҳам тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарлик назарда тутилганлигини кўрсатади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган хорижий давлатларни жиноят қонунчилиги хусусиятига кўра қуйидагича гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчи, МДХ давлатлари (Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Озарбайжон, Арманистон ва бошқ.);

иккинчи, минтақа давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон);

учинчи, ривожланган давлатлар (Франция, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея ва бошқ.).

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар тузилиши ранг-баранглиги билан тавсифланади.

Озарбайжон Республикаси ЖКнинг “Ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар”га бағишланган 18-бўлимида “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” деб номланган 142-модда ўз аксини топган³. Унга биноан, қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга тиббий ёрдам кўрсатиши лозим бўлган тиббиёт ходими томонидан узрли сабабларсиз тиббий ёрдам кўрсатмаслиги, башарти касалнинг соғлиғига унча оғир бўлмаган зарар етишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари миқдоридан жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача эркинликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилишни икки йилгача муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланишни тақиқлаш тарзидаги жазо билан қўшиб ёки қўшмай тайинлайди. Худди шундай қилмиш оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида башарти жабрланувчи ўлимига сабаб бўлса, учинчи қисмида янада оғирроқ жазо белгиланган.

Арманистон Республикаси ЖКнинг “Ҳаёт ва соғ-

лиққа қарши жиноятлар” бобидаги 129-моддасида ҳам юқоридаги каби “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган [4]. Унга биноан, касалга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс томонидан бундай ёрдамнинг кўрсатилмаслиги туфайли унинг соғлиғига эҳтиётсизликдан оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёхуд бир йилдан кўп бўлмаган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир ойдан икки ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эҳтиётсизликдан касалнинг ўлимига сабаб бўлиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши ҳамда тегишинча оғирроқ жазо тайинланиши мустаҳкамланган. Таъкидлаш жоизки, Арманистон ЖК 130-моддаси “Тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик” деб номланган модданинг мавжудлиги ҳам ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Унга мувофиқ, тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, уларга нисбатан эҳтиёткорона ва виждонан муносабатда бўлмаслик натижасида бемор соғлиғига эҳтиётсизликдан оғир ёки ўртача оғир шикаст етса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача жарима ёки уч ойдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади. Шундай қилмишлар эҳтиётсизликдан беморнинг ўлимига ёхуд шахсга ОИТС вируси юқишига сабаб бўлса қилмиш ушбу модданинг иккинчи қисми билан квалификация қилиниши ва уч йилдан ортиқ муддатга муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда ёки мазкур жазосиз икки йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо тайинланиши кўзда тутилган⁵.

Арманистон ЖКда шунингдек, “Бола ҳаётининг хавфсизлигини ёки соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик” учун ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилган (171-модда). Унга биноан, бола ҳаётининг хавфсизлигини ёки соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича вазифаларини бундай вазифа хизмат юзасидан ёхуд шундай вазифаларни махсус топшириқ асосида ёхуд ўз ташаббуси билан ихтиёрий равишда зиммасига олган шахс томонидан бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида бола соғлиғига ўртача оғир шикаст етса ЖК 171-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Грузия Республикаси ЖК “Соғлиққа қарши жи-

ноятлар” деб номланган 20-бобида ҳам шу сингари қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган [6]. Унинг “Ёрдам кўрсатмаслик” деб номланувчи 129-моддасида ҳаёт учун хавfli аҳволда бўлган ҳамда зудлик билан тез ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган шахсга, башарти айбдор ёки бошқалар учун жиддий хавф туғдирмасдан ёрдам кўрсатилиши мумкин бўлган ҳолда ёрдам кўрсатмаслик, шунингдек, тегишли муассаса ёки шахсларга ёрдам кўрсатиш зарурлиги тўғрисида хабар бермаслик жарима ёхуд олти ойгача ахлоқ тузатиш таъриқасидаги жазо билан жазоланади.

Грузия ЖК 130-моддасида, “Беморни хавф остида қолдириш” учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Унга мувофиқ, ҳаёт учун хавfli аҳволда бўлган беморга тез тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатда тиббиёт ходимлари томонидан узрли сабабларсиз бундай ёрдамнинг кўрсатилмаслиги (1-қисм); шундай қилмиш оқибатида эҳтиётсизлик орқасидан жабрланувчининг ўлими келиб чиқиши (2-қисм) жиноят ҳисобланади.

Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 317-323-моддаларини ўз ичига олган 12-боби, яъни “Тиббий жиноятлар” бевосита тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган жиноятларга бағишланган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси “Тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг касб вазифаларини лозим даражада бажармаслик” учун жавобгарлик кўзда тутилган. Унга кўра, тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг касб вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги бепарволик натижасида инсон соғлиғига ўртача шикаст етказганлигига сабаб бўлса жавобгарликка асос бўлади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида оғир шикаст етказишига сабаб бўлса, учинчи қисмида одам ўлиши тариқасидаги оқибат, тўртинчи қисмида икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлимига сабаб бўлиши учун жазо белгиланган. Тиббиёт ходимининг бепарволик натижасида касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИТС вируси юқишига сабаб бўлса қилмиш ушбу модданинг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши [7].

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасининг ЖК 320-моддаси “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” деб номланиб, унга кўра, қонун ёхуд махсус қоидаларга мувофиқ беморга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахснинг узрли сабабларсиз бундай ёрдам кўрсатмаслиги эҳтиётсизлик орқасидан беморнинг соғлиғига ўртача оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса (1-қисм); шундай қилмиш эҳтиётсизлик орқасидан беморнинг ўлимига ёки соғлиғига оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса (2-қисм) жиноят деб топилади [8].

Касб юзасидан вазифаларни лозим даражада

бажармаслик билан қамраб олинадиган қилмишлар Қирғизистон Республикасининг ЖКда ўзига хос услубда тартибга солинган. Хусусан, Қирғизистон Республикаси ЖКнинг 24-боби “Жисмоний шахсларга тиббий ва фармацевтика хизматлари соҳасидаги жиноятлар”га бағишланган бўлиб, ЖКнинг 152-163-моддаларни ўз ичига қамраб олган. Жумладан, Қирғизистон Республикаси ЖК 152-моддасида “Тиббий ёки фармацевтика ходимининг касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик” учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган [9]. Унга кўра, тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган тиббиёт ходими томонидан беморга узрли сабабсиз тиббий ёрдам кўрсатилмаса, шунингдек, тиббий ёки фармацевтика ходимининг касбий вазифаларини бепарволик туфайли жиддий шикаст етказганлиги сабабли, ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги жавобгарликка асос бўлади.

Россия Федерацияси ЖКнинг 124-моддасида ҳам “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган. Унга биноан, қонун ёхуд махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс томонидан бундай ёрдам кўрсатмаслик, башарти у эҳтиётсизлик орқасидан касалга ўртача оғир шикаст етишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарлик белгиланган; башарти бундай қилмишлар касалга эҳтиётсизлик орқасидан оғир тан жароҳати етиши ёки ўлими келиб чиқишига сабаб бўлса, қилмиш оғирлаштирувчи қисм билан квалификация қилиниши РФ Жиноят кодексида белгилаб қўйилган [10].

Россия Федерацияси ЖКда шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги туфайли содир этиладиган жиноятларига оид бир нечта норма мавжуд: ЖК 109-моддаси иккинчи қисми (шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш); ЖК 118-моддаси иккинчи қисми (шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида соғлиққа оғир зиён етказиш); ЖК 122-моддаси тўртинчи қисми (шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли ОИВ касаллигини юқтириш) [11].

Тожикистон Республикаси ЖКни ўзига хос хусусияти, шундаки, тиббиёт ходимларининг жавобгарлиги бир нечта моддаларда кўрсатилган. Жумладан, ЖК 128, 129-моддалар бевосита тиббиёт ходимларига тегишли ҳисобланади. Тожикистон Республикаси ЖК 128-моддаси “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” бўлиб, унга кўра, касалга қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс томонидан узрли сабабларсиз ёр-



дам кўрсатмаслик касал соғлиғига эҳтиётсизлик орқасидан ўртача оғир шикаст етишига сабаб бўлса бир юз саксон соатдан икки юз қирқ соатгача мажбурий меҳнатга жалб қилиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача жарима ёхуд икки йилдан беш йилгача муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум этиш (1-қисм); шундай қилмиш эҳтиётсизлик орқасидан касалга оғир тан жароҳати етишига ёхуд ўлимига сабаб бўлса, уч йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳамда шу муддатга муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ёхуд беш йилдан ўн йилгача муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан минг бараваригача жарима билан жазоланади [12].

Тожикистон Республикаси ЖК 129-моддасида юқоридаги модда билан узвий боғлиқ бўлган тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда, тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларига нисбатан виждонсиз ёки эҳтиётсиз муносабатда бўлишлари натижасида уларни бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари оқибатида миждоз саломатлигига ўртача оғир тан жароҳати етса (1-қисм); шундай қилмишлар натижасида соғлиққа эҳтиётсизлик орқасидан оғир тан жароҳати етса ёхуд миждоз ўлимига ёки ОИТС юқишига сабаб бўлса (2-қисм); шундай қилмишлар эҳтиётсизлик орқасидан инсонлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса (3-қисм) қилмиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади [13].

Туркманистон Республикаси ЖКда касалга ёрдам кўрсатмаслик (121-модда), тиббиёт ходимлари томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (122-модда), вояга етмаганнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (123-модда) каби жиноятлар назарда тутилган. Гувоҳи бўлганимиздек, Туркманистон жиноят қонунда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ кенг доирадаги жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган [14].

Туркманистон Республикаси ЖК 121-моддаси “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” бўлиб, унга кўра, касалга қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс томонидан узрли сабабларсиз ёрдам кўрсатмаслик касал соғлиғига эҳтиётсизлик орқасидан ўртача оғир шикаст етишига сабаб бўлса (1-қисм) ва ўша ҳаракат бепарволик туфайли касалга оғир тан жароҳати етиши-

га ёхуд ўлимига сабаб бўлса (2-қисм) жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Туркманистон Республикаси ЖК 122-моддасида тиббиёт ходими касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Туркманистон Республикаси ЖК 123-моддаси “Вояга етмаганнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик” жиноятига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу қилмиш учун жавобгарлик миллий қонунимизда мавжуд эмас. Унга мувофиқ, меҳрибонлик уйлари ёки вояга етмаганлар муассасалари ходимларининг вояга етмаганнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлар хизмат вазифаси юзасидан юкланган бўла туриб, уларни лозим даражада бажармаслиги туфайли вояга етмаган соғлиғига оғир тан жароҳати етказилишига ёки ўлими келиб чиқишига сабаб бўлса жиноий қилмиш сифатида жазоланади [15].

Беларусь Республикаси ЖКда [16] “Кема капитани томонидан фалокатга учраганларга ёрдам кўрсатмаслик” (160-модда), “Касалларга ёрдам кўрсатмаслик” (161-модда), “Тиббиёт ходимлари томонидан ўз касбий мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик” (162-модда), “Болалар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик” (165-модда) каби бир неча жиноятлар учун алоҳида-алоҳида моддаларда жавобгарлик белгиланган.

Беларусь Республикаси ЖКда “Тиббиёт ходимининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги” деб номланган алоҳида жиноят ажратилган. ЖК 162-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган асосий таркиби “тиббиёт ходимининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги беморнинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса”, деб тавсифланган. Айни шу модданинг иккинчи қисмида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ва ОИВ касаллигини юқтириш мазкур жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари сифатида мустаҳкамланган [17].

Молдова Республикаси ЖКда “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” (162-модда) учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган [18]. Унга мувофиқ, касалга асосли сабабларсиз қонун ёхуд махсус қоидалар асосида ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс томонидан ёрдам кўрсатмаслиги (1-қисм); шундай қилмишлар оғир тан жароҳати ёки соғлиққа бошқача оғир шикаст етишига ёки беморнинг ўлимига сабаб бўлса (2-қисм) қилмиш 162-модда билан квалификация қилинади.



Украина ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ бўлган бир нечта жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган [19]. Чунончи, унда “Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИТС вирусини юқтириш” (131-модда), “Ҳаёт учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик” (136-модда), “Болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик” (137-модда), “Тиббиёт ходими томонидан касалга ёрдам кўрсатмаслик” (139-модда), “Тиббиёт ёки фармацевтика ходимлари томонидан касб юзасидан вазифаларини лозим даражада бажармаслик” (140-модда) учун жиноий жавобгарлик мустаҳкамланган. Хусусан, ЖК 137-модда диспозициясида баён этилишича, вояга етмаганлар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича касбий ёки хизмат мажбуриятларига нисбатан виждонан ва эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик туфайли уларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик жабрланувчи соғлиғига жиддий зиён етказса (1-қисм); ушбу қилмишлар вояга етмаганнинг ўлимига ёки бошқача оғир оқибатга сабаб бўлса (2-қисм) қилмиш жазоланади.

Украина ЖКнинг 139-моддасида баён этилишича, белгиланган қоидаларга биноан ёрдам кўрсатиши лозим бўлган тиббиёт ходимининг узрли сабабларсиз касалга бундай ёрдам кўрсатмаслиги, башарти бемор учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги унга олдиндан маълум бўлган бўлган бўлса (1-қисм), шундай ҳаракатлар касалнинг ўлими ёки оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса (2-қисм) айбдор жиноий жазога тортилади.

Украина ЖКда “Тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги бемор учун оғир оқибатларга сабаб бўлса” деб номланган 140-модда мавжуд [20]. Ушбу норманинг диспозициясида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ҳам, уларни лозим даражада бажармаслик ҳам кўрсатиб ўтилган. Мазкур таъриф тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган ҳаракатлар ва ҳаракатсизликнинг кенг доирасини қамраб оладиги, бу ҳол мутлақо ўринлидир. Ушбу моддада жиноят субъекти тиббиёт ва фармацевтика ходимлари эканлиги кўрсатилган. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъектлари доираси, бизнингча, унча тўлиқ эмас. Бундай аниқлаштириш шундай бир вазият юзага келишига сабаб бўлиши мумкинки, бунда турдош соҳалар (генетика, микробиология ва бошқалар) билан шуғулланувчи янги шахсларнинг пайдо бўлиши Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритишни

талаб этади. Украина ЖКда “Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш” учун (119-модда) ва “Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш” учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ҳам мавжуд. Иккинчи ҳолда 140-модда билан солиштирганда энгилроқ жазо – жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш назарда тутилган. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш учун жазо кучайтирилган – уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд айни шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш [21].

Украина ЖКнинг “Тиббиёт, фармацевтика ходими ёки бошқа ходимнинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги шахс ОИТС касаллигини ёки инсон ҳаёти учун хавfli бўлган бошқа бедаво юқумли касалликни юқтиришига сабаб бўлса” деб номланган 131-моддаси махсус норма ҳисобланади. Мазкур қилмиш учун уч йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек уч йилгача муддатга муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш назарда тутилган. Бунда сўнги зикр этилган жазо мажбурий ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида “ўша ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилган бўлса” деган жавобгарликни оғирлаштирувчи белги мустаҳкамланган. Мазкур қилмиш учун жазо сифатида уч йилгача муддатга муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Эстония ЖКнинг 125-моддасида ҳаёти учун хавfli аҳволда бўлган шахсни ёрдамсиз қолдириш, 126-моддасида эса, касалга тиббий ёрдам кўрсатмаганлик, 127-моддасида кема капитанининг фалокатга учраган одамларга ёрдам кўрсатмаганлиги учун жавобгарлик кўзда тутилган [22]. Эстония ЖК 126-моддасига кўра, касалга тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўла туриб, узрли сабабларсиз бундай ёрдам кўрсатмаган тиббиёт ходими, башарти бундай ҳаракатсизлик оқибатида оғир оқибат келиб чиқса икки йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳамда шу муддатга муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан жазоланади.

Эстония ЖК 127-моддаси диспозициясида кема капитани денгизда ёки бошқа сув йўлида ўз кемаси, кема экипажи ёки йўловчилари учун жиддий хатарсиз ёрдам кўрсатиши мумкин бўла туриб, фалокатга учраган одамларга ёрдам кўрсатмаслиги ва бундай ҳаракатсизлик оқибатида оғир оқибатлар келиб чиқса, қилмиш икки йилгача озодликдан



маҳрум этиш ҳамда шу муддатга муайян мансабни эгаллаш ҳамда муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан жазоланади.

Корея Республикасининг ЖКда ҳам касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган [23]. Чунончи, унинг 268-моддаси “Касбий ёхуд шахсий эҳтиётсизлиги туфайли жисмоний зарар етказиш ёки ўлимга сабаб бўлиш” деб номланиб, унда касбий ёхуд шахсий эҳтиётсизлиги туфайли бошқа шахсга жисмоний зарар етказган ёки ўлимга сабаб бўлган шахс беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки 20 миллион иондан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Германия жиноят қонунига мувофиқ, тиббий аралашувдаги хатолар баданга шикаст етказиш билан баробар (ГФР ЖКнинг 203-параграфи) [24]. Германияда ҳар йили шифокорларни жавобгарликка тортишга доир 15 мингга яқин иш кўрилади, шулардан тахминан 30% (5 000 та иш) содир этилган жиноят ҳақидаги аризадан бошланади. Германия ЖКнинг 203-параграфида шифокор хатоси, шу жумладан тиббий аралашув оқибатларини лозим даражада тушунтирмаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур қилмиш учун айбдор беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади [25].

Франция Жиноят кодексига касб-кор эгаларининг ҳам, фуқароларнинг ҳам ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Кодекснинг инсон ҳаётига эҳтиётсизлик орқасида қилинган тажовузлар ҳақида, деб номланган 221-б-моддасига кўра: “Бепарволик, эҳтиётсизлик, эътиборсизлик туфайли ёхуд хавфсизлик ёки эҳтиёткорлик талабларига риоя этиш мажбуриятини бажармаслик натижасида бошқа одамнинг ўлимига олиб келган ҳаракатларни содир этиш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ҳисобланади” [26]. Шунга ўхшаш норма эҳтиётсизлик орқасида соғлиққа зиён етказишга нисбатан ҳам назарда тутилган [27]. Ушбу норма субъектив томондан эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилади. Айни дамда Франция Жиноят кодексига хавфсизлик ёки эҳтиёт чораларини кўриш бўйича зиммасига юкланган касб вазифаларини қасддан бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари белгиланган [28]. Франциянинг янги ЖК да кўриб чиқиладиган нормаларини 1810 йилги ЖК билан солиштирганда бутунлай янги шакл-шамойил ва мазмун касб этди. Чунончи, эски ЖКда “Эҳтиётсизлик орқасида ҳаётдан маҳрум қилиш, жароҳатлаш ва дўппослаш” деб номланган битта умумий норма (319-модда) назарда тутилган эди [29]. Шахс касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганли-

ги туфайли эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ва соғлиққа шикаст етказиш учун жавобгарлик ҳақидаги нормагина ўзгаришсиз қолди, чунки мазкур нормалар шахсга қарши жиноятлар ҳақидаги бобда жойлаштирилган.

Франция ЖК тиббиёт ходимининг бемор соғлиғига етказган зарари учун ҳам жавобгарликни кўзда тутди. Ушбу ҳолатда эҳтиётсизлик орқасидан беморнинг уч ойдан ортиқ муддатга (222-19-модда) ҳамда уч ойга тенг ёки ундан кам муддатга (222-20-модда) тўлиқ меҳнат қобилятини йўқотишга сабаб бўлган ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган [30].

Англия жиноят қонунида ҳам муайян ўзига хослик кузатилади. Умумий қонунда турли касб-кор эгаларининг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги норма назарда тутилган. “Қўпол эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш” деб номланган 1176-моддада: “Қонунга мувофиқ ҳаётни сақлаш бўйича вазифалар юкланган ёки бундай вазифаларни ўзи ўз зиммасига олган одам ўзгалар хавфсизлиги билан ҳисоблашмасдан бу вазифаларни бажаришга совуққонлик ёки бепарволик билан муносабатда бўлиши натижасида бошқа одамнинг ўлимига сабаб бўлган бўлса, оддий одам ўлдиришда айбдор деб топилиши мумкин” [31] лиги назарда тутилган. 1171-моддада бундай эҳтиётсизликка шахс, у шифокорми ёки шифокор эмасми – бундан қатъи назар, хавфли дори-дармонлар билан иш кўрган, хавфли тиббий аралашувларни амалга оширган бўлса, қўпол эҳтиётсизлик туфайли одам ўлиши юз берган тақдирда, оддий одам ўлдиришда айбдор бўлади” [32], дейилган.

Шунга ўхшаш норма Венесуэла ЖК 44-моддасида ҳам мустақамланган бўлиб, унга кўра: “Кимки эҳтиётсизлик орқасида, бепарволик туфайли ёхуд қоидалар ёки кўрсатмаларга риоя этмасдан иш кўриб, бошқа шахснинг ўлимига сабаб бўлса – жазоланади” [33].

Бундан ташқари, Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси ўрганилганда мазкур давлатда тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлиги илгари 1975 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ тартибга солинган ҳамда бундай муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат сифатида эътироф этилганлиги аниқланди. Ўз навбатида тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келтириб чиқарган. Бироқ, 2008 йилдаги “БААда тиббий жавобгарлик тўрисида”ги қонун қабул қилиниши билан тиббий фаолият билан шуғулланувчи шифокор томонидан етказилган зарар суғурта компаниялари томонидан тўлаб берилиши ҳамда тиббиёт ходимининг ўз касбига совуққонлик билан қараганлиги учун жиноий жавобгар бўлиши белгиланган [34].



Бундай нормалар Болгария ЖК 123 ва 124-моддаларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу моддаларда назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш)нинг жазони оғирлаштирувчи белгиларга эга бўлган турлари ҳисобланади. Масалан, Болгария ЖК 123-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, “Кимки ўз касбини ёки ҳуқуқ билан тартибга солинган, ошиқча хавф манбаи саналган бошқа фаолиятни билмаслик ёки бепарволик билан бажариш туфайли бировнинг ўлимига сабаб бўлса – бир йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” [35]. Шунга ўхшаш норма баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишга нисбатан ҳам назарда тутилган [36].

Хулоса сифатида, айрим давлатлар (Россия Федерацияси) жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик хавф остида қолдириш жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида бириктирилган бўлса, бошқа давлатларда (Беларусь Республикаси) аксинча ушбу жиноят бир неча модда доирасида баён этилган, дейиш мумкин. Хорижий мамлакатлар ЖКнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ моддаларни мамлакатимиз қонун нормалари билан қиёсий таққослаш ва таҳлил қилиш қўйидаги таклиф ва хулосаларга келиш имконини берди:

биринчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги айбдорнинг ўз касбига, унга давлат ва жамият томонидан ишониб юкланган [37] касб мажбуриятларига нисбатан масъулиятсизлик, эҳтиётсизлик билан ёндашиши натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етишида намоён бўлади;

иккинчидан, хорижий мамлакатлар ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик фақат муайян тоифага кирувчи касб вакиллари (тиббиёт, фармацевтика ходимлари ёхуд кема капитанлари) томонидан содир этилиши аниқ белгиланган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги ЖК 116-моддасининг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида назарда тутилган. Қолган субъектлар қилмиши эса, умумий тартибда 116-модда биринчи қисми билан квалификация қилинади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон қонунчилиги қайишқоқ ва аниқ бўлиб, турли бўшлиқлар юзага келишига йўл қўймаслиги билан ҳам афзалдир;

учинчидан, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг вояга етмаганлар-

га нисбатан содир этилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу ижобий тажрибадан бизнинг мамлакатимизда ҳам фойдаланиб, вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддасига оғирлаштирувчи ҳолат сифатида шундай қилмишнинг вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, хорижий мамлакатлар ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун ҳақли равишда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазоларнинг қўлланилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида эса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақатгина асосий жазо сифатида белгиланган. Бизнингча, ушбу жиноятлар учун жазо қўллаш таъсирчанлиги ва самардорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида ушбу норма узоқ вақтдан буён самарали амал қилиб келаётганлигини инобатга олган ҳолда амалдаги ЖК 116-моддасига ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни нафақат асосий жазо, балки бошқа жазоларга қўшимча жазо сифатида ҳам мустаҳкамланиши зарур. Яъни ЖК 116-моддасининг ҳеч бўлмаганида учинчи ва тўртинчи қисмлари учун “муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, муайян муддатда (санкцияда кўрсатилган муддат) озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деб ЖКнинг 116-моддасига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, ушбу жиноятнинг субъекти махсус бўлиб, фуқароларнинг ўз касбларига нисбатан бепарволиги, инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли келиб чиқишини ҳисобга олиб, бундай қўшимча жазо жиноятчини ахлоқан тузатишга хизмат қилиши табиий, деган хулосага келиш мумкин;

бешинчидан, хорижий мамлакатлар ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ моддалари диспозицияси таҳлили уларда мазкур қилмиш ўртача оғир оқибатга ва оғир оқибатга сабаб бўлиши алоҳида-алоҳида қисмларда мустаҳкамланганлигини кўрсатмоқда. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКда эса, ўртача оғир ва оғир шикастга сабаб бўлиши бир қисмда баён этилган. Ҳолбуки, ўртача оғир ва оғир тан жароҳатлари ўз хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда оғир тан жароҳати етказишни ЖК 116-моддасига жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

олтинчидан, жаҳонда касб юзасидан вазифаларини бажармаслик, уни жиноий-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишнинг



ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш ва бу борада давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш тенденцияси кузатилмоқда, жумладан, касб юзасидан вазифаларини бажармаслик жиноятини содир этган шахснинг криминологик тавсифини ишлаб чиқиш, касб билан боғлиқ жиноятларни профилактика қи-

лиш, касб юзасидан вазифаларни бажаришда инсон ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишини олдини олишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, мазкур турдаги жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга адолатли жазо тайинлаш амалиётини илмий-ҳуқуқий ўрганиш зарур.

#

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.who.int/ru>
2. <https://vawilon.ru/statistika-vrachebnyh-oshibok/#mirovaya-statistika>
3. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.
4. Уголовный кодекс Республики Армения / Пер. с арм. Азарян Е.Р. – М.: Юрид. центр пресс, 2018. – С. 446.
5. Уголовный кодекс Республики Армения. Пер. с арм. Азарян Е.Р. – М.: Юрид. центр пресс, 2018. – С. 446.
6. Уголовный кодекс Грузии. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018. – С.233.
7. Уголовный кодекс Республики Казахстан. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2018. – С. 466.
8. Уголовный кодекс Республики Казахстан. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2018. – С.470.
9. Уголовный кодекс Кыргызской Республики –Б.: Академия, 2019. –С. 176.
10. Уголовный кодекс Российской Федерации. – М.: ГроссМедиа, 2018.
11. Уголовный кодекс Российской Федерации. – М.: ГроссМедиа, 2018.
12. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. – Душанбе: Ирфон, 2018. С. 325.
13. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. – Душанбе: Ирфон, 2018. С. 325.
14. Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.
15. Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.
16. Уголовный кодекс Республики Беларусь. – Мн.: Амалфея, 2018.
17. Асланов Р.М., Бойцов А.И. Уголовный кодекс Республики Беларусь. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2017. – С. 474.
18. Уголовный кодекс Республики Молдова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.
19. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.
20. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.
21. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.
22. Уголовный кодекс Эстонской Республики / науч.ред.и пер. с эстонского В.В.Запеевалова; вступ.статья канд. юрид. наук, доцент СПбГУ Н.И.Мацнева – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.
23. Уголовный кодекс Республики Корея. / Науч. Редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. А.И.Коробеева. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.
24. Шнур А. (Мюнхен). Уголовно-правовая ответственность врача в ФРГ. "Хирургия". Журнал им. Н.И.Пирогова. №11–12. – М.: Медицина, 1992. С. 8–10.
25. Кури Х. Исследование проблем виктимизации в Германии // Криминологические исследования в мире. – М., 2005. С. 121-127.
26. Уголовный кодекс Франции. – М.: Изд-во «Юрид. центр-пресс», 2018.–С. 60.
27. Уголовный кодекс Франции. – М.: Изд-во «Юрид. центр-пресс», 2018.–С. 71.
28. Вершинин А.С. Особенности уголовной ответственности медицинских работников, связанные с их профессиональной деятельностью. – Томск: НИ ТГУ, 2018. – С,16-17.
29. Нагорной И.И. Уголовно-правовая охрана жизни и здоровья человека при оказании медицинских услуг (на примере России, США и Франции): Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С.140.
30. Огнерубов Н.А. Профессиональные преступления медицинских работников: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С.55.
31. Hulsbury's Laws of England. Fourth edition. Lord Hailsham of St. Marylebone. Vol. 11. – L.; Butterworths. 2014. – P. 625.
32. Hulsbury's Laws of England. Fourth edition. Lord Hailsham of St. Marylebone. Vol. 11. – L.; Butterworths. 2014. – P. 625.
33. Решетников Ф.М. Особенная часть уголовного права зарубежных государств (преступления против личности): Учебное пособие. – М.: Ун-т Дружбы народов, 2016. – С. 75.
34. Fawzi Benomran. Medical responsibility in the United Arab Emirates/Journal of Forensic and Legal Medicine. Volume 17, Issue 4, May 2010, Pages 188-193.
35. Уголовный кодекс Болгарии. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2017. – С. 75.
36. Уголовный кодекс Болгарии. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2017. – С. 78.
37. Алланова Азиза Авазхоновна ОТЯГЧАЮЩИЕ ОБСТОЯТЕЛЬСТВА НЕЗАКОННОГО ВЫЕЗДА ЗА ГРАНИЦУ ИЛИ НЕЗАКОННОГО ВЪЕЗДА В РЕСПУБЛИКУ УЗБЕКИСТАН // Review of law sciences. 2020. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otyagchayuschie-obstoyatelstva-nezakonnogo-vyezda-za-granitsu-ili-nezakonnogo-vezda-v-respubliku-uzbekistan>



Якубжон УКТАМОВ,
старший прокурор управления по надзору за исполнением
законодательства в Вооруженных силах, органах СГБ и таможни

ПОЛНОМОЧИЯ ПРОКУРОРА В ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Аннотация: в статье подробно изучены полномочия прокурора в досудебном производстве по уголовным делам в таких странах, как Германия, Франция, Италия, США, Япония. Кроме этого, исходя из зарубежной практики даны предложения по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан.

Аннотация: Мақолада прокурорнинг Германия, Франция, Италия, АҚШ, Япония каби давлатларда жиноят ишлари бўйича судгача суд ишларини юриштидаги ваколатлари батафсил кўриб чиқилган. Бундан ташқари, хорижий амалиётга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

Annotation: The article examines in detail the powers of the prosecutor in pre-trial proceedings in criminal cases in countries such as Germany, France, Italy, USA, Japan. In addition, based on foreign practice, proposals were made to improve the legislation of the Republic of Uzbekistan.

Ключевые слова: государство, судебный процесс, прокурор, полномочия, расследование, суд, надзор, закон, дознание, предварительное следствия.

Калит сўзлар: давлат, суд процесси, прокурор, ваколатлар, тергов, суд, назорат, қонун, суриштирув, дастлабки тергов.

Key words: state, trial, prosecutor, powers, investigations, court, supervision, law, inquiries, preliminary investigation.

Одними из основных функций государства являются осуществление правоохранительной деятельности и правосудия. Уголовно-правовые запреты охраняют наиболее важные социальные отношения, от незыблемости которых зависит безопасное существование как каждой конкретной личности, так и общества в целом.

Прокурор выступает в качестве представителя государственной публичной власти в сфере уголовно-процессуальной деятельности. Действуя в досудебном производстве по уголовным делам, прокурор реализует имеющиеся у него властные полномочия путем осуществления уголовного преследования, а также надзора за процессуальной деятельностью органов предварительного расследования.¹

Правовые основы процессуального статуса полномочий прокурора на стадии досудебного производства по уголовному делу составляют Уголовно-процессуальный кодекс Республи-

ки Узбекистан² и Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре».³ Согласно статье 382 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан надзор за исполнением законов при производстве дознания и предварительного следствия осуществляется прокурором.

Предметом надзора за исполнением законов органами дознания и предварительного следствия является установленный Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан порядок рассмотрения и разрешения заявлений и сообщений о преступлениях и проведения расследования, законность принимаемых ими решений.

Разноплановость полномочий, предоставленных прокурору уголовно-процессуальным законодательством, обусловила появление в юридической литературе попыток их классификации. Так, отдельные авторы выделяют:

1) полномочия по выявлению нарушений за-

1 Годжаев К.Э. Автореферат диссертации. Прокурор в досудебном производстве по уголовным делам: сравнительно-правовое исследование законодательства Российской Федерации и Азербайджанской Республики. 2006г. С. 4-7

2 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. Утвержден Законом РУз от 22.09.1994 г. № 2013-XII. Введен в действие с 01.04.1995 г. <https://lex.uz/docs/111463#248829>. Дата обращения: 03.07.2020г.

3 Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре». от 29.08.2001г. № 257-II <https://www.lex.uz/acts/105533>. Дата обращения: 03.07.2020г.



кона

2) полномочия по устранению нарушений (реальных или возможных) закона.⁴

Другие группируют их на:

1) полномочия по осуществлению уголовного преследования

2) полномочия по осуществлению надзора.⁵

Наиболее удачной представляется классификация полномочий прокурора, предложенная В.И.Басковым и Б.В.Коробейниковым. Ими выделены:

1) полномочия прокурора в связи с осуществлением им функции надзора за исполнением законов;

2) полномочия прокурора в связи с участием его в уголовно-процессуальной деятельности;

3) полномочия властно-распорядительного характера.⁶

Согласно Уголовно-процессуальному кодексу Республики Узбекистан осуществляя надзор за исполнением законов органами дознания и предварительного следствия, прокурор в пределах своей компетенции:

требует от органов дознания и предварительного следствия, а также органов, осуществляющих доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность для проверки дела документы, материалы и иные сведения о совершенных преступлениях, о ходе оперативно-розыскной деятельности, дознания, предварительного следствия; не реже одного раза в месяц проверяет исполнение требований закона о приеме, регистрации и разрешении заявлений и сообщений о совершенных или готовящихся преступлениях;

отменяет незаконные и необоснованные постановления дознавателей и следователей, а также должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку;

дает письменные указания о расследовании преступлений, об избрании, изменении или отмене меры пресечения о возбуждении ходатайства об установлении дополнительного запрета (ограничения) по домашнему аресту, о квалифи-

кации преступления, привлечении к участию в деле в качестве обвиняемого, производстве отдельных следственных действий и розыске лиц, совершивших преступления;

ходатайствует перед судом или дает согласие на ходатайство о применении меры пресечения в виде заключения под стражу или домашнего ареста либо об установлении дополнительного запрета (ограничения) по домашнему аресту или ходатайствует перед судом о продлении срока содержания под стражей или домашнего ареста;

ходатайствует перед судом или дает согласие на ходатайство об отстранении обвиняемого от должности, о помещении лица в медицинское учреждение либо ходатайствует перед судом о продлении срока пребывания обвиняемого в медицинском учреждении;

ходатайствует перед судом об отказе в возбуждении уголовного дела или о прекращении уголовного дела на основании акта амнистии;

ходатайствует перед судом или дает согласие на ходатайство об эксгумации трупа, об аресте почтово-телеграфных отправок;

ходатайствует перед судом или дает согласие на ходатайство о приостановлении действия паспорта (проездного документа);

поручает органам, осуществляющим доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность, исполнение постановлений о задержании, приводе, розыске лиц, определений суда о применении меры пресечения в виде заключения под стражу или домашнего ареста, а также дает указания о принятии необходимых мер для раскрытия преступлений и обнаружения лиц, их совершивших, по делам, находящимся в производстве прокурора или следователя прокуратуры;

участвует в производстве дознания, предварительного следствия и в необходимых случаях лично производит отдельные следственные действия или расследование в полном объеме по любому делу, в соответствии с настоящим Кодексом;

санкционирует производство обыска, прослу-

4 Ястребов В. Б. Указ. соч. С. 218.

5 Винокурова Ю. Е. Прокурорский надзор: Учебник / Винокуров Ю. Е. и др. / 4-е изд., перераб. и доп. М., 2003. С. 230–231.

6 Басков В. И., Коробейников Б. В. Курс прокурорского надзора: Учебник для студентов юридических вузов и факультетов с приложением нормативных актов. М., 2001. С. 143.



шивание переговоров, ведущихся с телефонов и других переговорных устройств проведение оперативно-розыскных мероприятий, ограничивающих право на тайну переписки, телефонных и иных переговоров, почтовых, курьерских отправок, телеграфных и других сообщений, передаваемых по каналам связи, на неприкосновенность жилища, а также другие действия органа дознания и следователя в случаях, предусмотренных законом;

продлевает сроки предварительного следствия и дознания в случаях и порядке, установленных настоящим Кодексом;

возвращает дела органам дознания и предварительного следствия со своими указаниями о производстве дополнительного расследования;

передает уголовное дело от одного следователя прокуратуре другому, а в случаях и порядке, установленных настоящим Кодексом, — от одного органа предварительного следствия и дознания другому органу предварительного следствия и дознания;

отстраняет лицо, производящее дознание, или следователя от дальнейшего ведения дознания или предварительного следствия, если им допущено нарушение закона при расследовании дела;

возбуждает уголовные дела или отказывает в их возбуждении, прекращает либо приостанавливает производство по делам, дает согласие на прекращение дела следователем или дознавателем в тех случаях, когда это предусмотрено законом, утверждает обвинительное заключение, обвинительный акт или постановление, направляет дела в суд.

Указания прокурора органам дознания и предварительного следствия, а также органам, осуществляющим доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность в связи с проведением доследственной проверки, возбуждением и расследованием ими дел, данные в порядке, предусмотренном Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан, являются для этих органов обязательными.⁷

В некоторых странах, таких как Франция, Ита-

лия, следствие организационно полностью отделено от прокуратуры. Вместе с тем прокуратура обладает обширными полномочиями по контролю (надзору) за следствием и даже прямому руководству им.

В разных странах у понятия общее руководство следствием свое, специфическое содержание, т. е. различные формы и методы осуществления руководства. Можно сделать вывод о том, что полномочия прокурора за предварительным следствием во Франции существенно отличается от полномочий прокурора за предварительным следствием в Республике Узбекистан, прокурор обладает широким перечнем полномочий: прокуратура осуществляет руководство деятельностью судебной полиции; возбуждает уголовное преследование; имеет право активно вмешиваться в ход предварительного следствия посредством участия в проведении ряда следственных действий, а также путем внесения на любой стадии следствия обязательных для рассмотрения требований.⁸

Германская модель прокурорского надзора за предварительным следствием отличается следующими особенностями:

- 1) отсутствием предварительного следствия;
- 2) концентрацией всего расследования на уровне полицейского дознания с возможным выделением упрощенных форм дознания по отдельным категориям дел;
- 3) сохранением за прокурором полного руководства полицейским дознанием и надзора за полицией, в силу чего возникает даже термин «прокурорское дознание»;
- 4) разветвленной системой судебного контроля, возложенного на судей, которые в процессуальном смысле превращаются в «следственных судей»;
- 5) построением уголовного процесса вокруг принципа объективной истины, в силу которого прокурор и действующая под его руководством полиция обязаны расследовать дело всесторонне, полно и объективно.⁹

Следует отметить, что предварительное расследование осуществляется прокурором, поли-

7 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. Утвержден Законом РУз от 22.09.1994 г. № 2013-XII. Введен в действие с 01.04.1995 г. Ст. 382. <https://lex.uz/docs/111463#248829>. Дата обращения: 03.07.2020г.

8 Хайруллина Э.А. Полномочия прокурора в досудебном производстве по уголовному делу согласно уголовно-процессуальному законодательству Франции. Ж.: Вестник экономики, права и социологии. 2011 г. С. 153-157.

9 Панфилова Е.А. Прокурорский надзор за предварительным следствием: сравнительно-правовой анализ практики зарубежных стран. Ж.: Символ науки. 2016г. С. 178-183.



цией и следственным судьей. Прокурор руководит расследованием и может проводить его сам в полном объеме. Именно на нем лежит обязанность исследовать все обстоятельства дела. На практике личное участие прокуроров имеет место лишь при расследовании тяжких преступлений. Для решения вопроса о необходимости выдвижения обвинения перед судом прокурор допрашивает свидетелей, экспертов, обвиняемого, дает предписания о производстве обыска, выемки и других следственных действий, устанавливает существенные для дела обстоятельства.

В странах англо-американской системы права не существует прямого аналога органам прокуратуры. Наиболее схожи по функциям должностные лица, обвинительных служб данных государств. В силу сложившейся практики они фактически выполняют функции, которые характерны органам прокуратуры. Отдельные прокурорские функции также выполняют генеральные атторнеи, генеральные солиситоры и подчиненные сотрудники их аппарата.¹⁰

Например, в США в ходе полицейского расследования полиция полностью отделена от прокурора и действует автономно. Иначе говоря, прокурор не осуществляет надзор за полицией, выступая лишь «фильтром» между полицией и судом. Именно поэтому данную модель иногда условно называют системой «слабой прокуратуры». Прокурор здесь лишь орган обвинения перед судом, к которому дело поступает из полиции и который решает вопрос о его передаче в суд, что, конечно, резко усиливает полицейские ведомства, за которыми нет «внешнего» прокурорского надзора.¹¹

Аналогичная модель взаимоотношений прокуратуры и органов полиции сложилась и функ-

ционирует в Японии.¹²

Необходимо отметить что во Франции полномочия прокурора по непосредственному участию в производстве дознания сводятся к двум основным группам, которые профессор Прадель назвал «правом на информацию» и «правом на действие».¹³ К первой группе он отнес права, закрепленные в ст. 19 УПК Франции, согласно которой «должностные лица судебной полиции обязаны незамедлительно информировать прокурора Республики о всех ставших им известными преступлениях, проступках и нарушениях». Кроме того, по окончанию дознания прокурору должны быть переданы все документы (подлинники и заверенные копии протоколов) и все иные акты и документы, относящиеся к делу, а также изъятые предметы.

Что касается второй группы прав, то здесь, прежде всего, следует обратиться к ст. 68 УПК Франции, согласно положениям которой, прокурор Республики, прибыв на место преступления, вправе самостоятельно выполнять все функции судебной полиции, а также вправе предписать продолжать выполнение своих действий должностным лицам судебной полиции (абз. 2, 3 ст. 68 УПК Франции). Однако в случае прибытия на место совершения преступления следственного судьи, функции судебной полиции переходят к нему, даже если при этом присутствует и прокурор Республики, который, в свою очередь, может потребовать проведения «обычного следствия» (ст. 72 УПК Франции). Проведение обычного следствия возлагается на следственного судью.¹⁴

Кроме указанных прав, прокурор наделен полномочиями по санкционированию некоторых процессуальных действий. Так, например, только прокурор Республики может продлить срок

10 Щерба С.П., Додонов В.Н. Полномочия прокуроров на досудебных стадиях в уголовном процессе Германии, Франции, Англии, Италии и Испании. Законность. 2011. № 6. С. 53 - 57.

11 Бахмайер Винтер Л. Основные черты этапа предварительного расследования в уголовном процессе США // Предварительное расследование в уголовном процессе стран Центральной Азии: между инквизиционной и состязательной моделью / под ред. Ф.К. Шрёдера, М.Кудратова. Frankfurt am Main: Peter Lang, 2012. 72.

12 Юрковский А.В. Органы полиции в системе социального управления Японии // В сборнике: Материалы ежегодной научно-практической конференции преподавателей и студентов Юридического института ИГУ. Министерство образования Российской Федерации, Иркутский государственный университет, Юридический институт; Редакционный совет: Н. Э. Шишкина, О. П. Личичан, С. С. Акманов, В. Н. Казарин, В. В. Ровный, С. А. Шоткинов. 2003. С. 50-52.

13 Уголовно-процессуальный кодекс Франции 1958 г. (с изм. на 1 января 1966 г.) / под ред. В.И. Каминской. М.: Изд-во «Прогресс». 1967. С 38.

14 Code de procédure pénale - Dernière modification le 02 janvier 2020 - Document généré le 29 janvier 2020. Copyright (C) 2007-2020 Legifrance. A. 68-72.



задержания подозреваемого на 24 часа. В соответствии со ст. 70 УПК Франции прокурор Республики вправе выдать.¹⁵

Подводя итог, с учетом анализа уголовно-процессуальных законов зарубежных стран можно сделать вывод, что уголовно-процессуальный кодекс наделил прокурора достаточно широким кругом полномочий по реагированию на нарушения закона органами дознания и предварительного следствия. Вместе с тем его про-

цессуальный статус нуждается в укреплении посредством большей детализации его полномочий, а также выработки действенных процессуальных механизмов их реализации.

Кроме того, по нашему мнению, необходимо пересмотреть полномочия прокуроров в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан, так как статья 34 и статья 382 дублируются. Исходя из этого необходимо объединить эти статьи.

#

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ЛИТЕРАТУР И ИСТОЧНИКОВ

- Годжаев К.Э. Автореферат диссертации. Прокурор в досудебном производстве по уголовным делам: сравнительно-правовое исследование законодательства Российской Федерации и Азербайджанской Республики. 2006г. С. 4-7
- Ястребов В.Б. Указ. соч. С. 218.
- Винокурова Ю. Е. Прокурорский надзор: Учебник / Винокуров Ю.Е. и др. / 4-е изд., перераб. и доп. М., 2003. С. 230–231.
- Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора: Учебник для студентов юридических вузов и факультетов с приложением нормативных актов. М., 2001. С. 143.
- Хайруллина Э.А. Полномочия прокурора в досудебном производстве по уголовному делу согласно уголовно-процессуальному законодательству Франции. Ж.: Вестник экономики, права и социологии. 2011 г. С. 153-157.
- Панфилова Е.А. Прокурорский надзор за предварительным следствием: сравнительно-правовой анализ практики зарубежных стран. Ж.: Символ науки. 2016г. С. 178-183.
- Щерба С.П., Додонов В.Н. Полномочия прокуроров на досудебных стадиях в уголовном процессе Германии, Франции, Англии, Италии и Испании. Законность. 2011. № 6. С. 53 - 57.
- Бахмайер Винтер Л. Основные черты этапа предварительного расследования в уголовном процессе США // Предварительное расследование в уголовном процессе стран Центральной Азии: между инквизиционной и состязательной моделью / под ред. Ф.К.Шрёдера, М.Кудратова. Frankfurt am Main: Peter Lang, 2012. 72.
- Юрковский А.В. Органы полиции в системе социального управления Японии // В сборнике: Материалы ежегодной научно-практической конференции преподавателей и студентов Юридического института ИГУ. Министерство образования Российской Федерации, Иркутский государственный университет, Юридический институт; Редакционный совет: Н.Э.Шишкина, О.П.Личичан, С.С.Акманов, В.Н.Казарин, В.В.Ровный, С.А.Шоткинов. 2003. С. 50-52.
- Уголовно-процессуальный кодекс Франции 1958 г. (с изм. на 1 января 1966 г.) / под ред. В.И. Каминской. М.: Изд-во «Прогресс». 1967. С 38.
- Code de procédure pénale - Dernière modification le 02 janvier 2020 - Document généré le 29 janvier 2020. Copyright (C) 2007-2020 Legifrance. A. 68-72.
- Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. Утвержден Законом РУз от 22.09.1994 г. № 2013-XII. Введен в действие с 01.04.1995 г. <https://lex.uz/docs/111463#248829>. Дата обращения: 03.07.2020г.
- Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре». от 29.08.2001г. № 257-II <https://www.lex.uz/acts/105533>. Дата обращения: 03.07.2020г.

15 Code de procédure pénale - Dernière modification le 02 janvier 2020 - Document généré le 29 janvier 2020. Copyright (C) 2007-2020 Legifrance. A. 70.



Дилдора УМАРХАНОВА,
ТДЮУ Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети декани,
юримдик фанлар доктори, доцент

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК (Германия ва Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили асосида)

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Германия қонунчилигида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг тартибга солинишининг ҳуқуқий асослари ва механизми таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда минтақавий механизмнинг зарурати, аҳамияти борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини келтирган. Мақолада Германия тажрибаси таҳлили натижасида мамкалатимизда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид бўлган моддий нормаларини ўзига акс эттирувчи "Жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида"ги махсус қонунни қабул қилиш таклиф этилади.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализированы правовые основы и механизм регулирования международного сотрудничества по уголовным делам по законодательству Федеративной Республики Германия. Также автором выдвинуты предложения о необходимости и значении регионального механизма в осуществлении международного сотрудничества по уголовным делам. Кроме этого, исходя из опыта Германии предлагается принять специальный закон Республики Узбекистан «О международном сотрудничестве по уголовным делам».

ANNOTATION. This article analyzes the legal framework and the mechanism of regulation of international cooperation in criminal matters on the legislation of the Germany. Moreover, the author also put forward proposals of necessity and importance of the regional mechanism in the implementation of international cooperation in criminal matters. In addition, based on the experience of the Germany, it is proposed to adopt a special law of the Republic of Uzbekistan "International cooperation in criminal matters".

Таянч сўзлар: халқаро ҳамкорлик, жиноят ишлари, экстрадиция, халқаро шартнома, Европа давлатлари.

Ключевые слова: международное сотрудничество, уголовные дела, экстрадиция, международный договор, Европейские страны.

Keywords: international cooperation, criminal matters, extradition, International treaty, the European countries.

Дунёда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг жадаллашиб бориши натижасида давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда мазкур масалада янги, самарали шаклларда ҳамкорлик қилиш халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб этаётган устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Жиноятчиликнинг миллий хавфсизликка таҳдид солиши, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлида ғов бўлиши, ўз навбатида унга жавобан тегишли чора-тадбирлар кўришни, даставвал, трансмиллий жиноятчиликка нисбатан халқаро даражада кураш олиб боришни тақозо этади. Шу билан бирга, жиноятларга қарши кураш юзасидан халқаро ҳамкорлик механизмини татибиқ этиш бўйича халқаро ҳуқуқда етарлича тажриба тўпланган бўлса-да, уни тизимлаштириш, ягона норматив-ҳуқуқий база яратиш, жиноят ишлари бўйича турли шаклларда ҳуқуқий ҳамкорлик қилиш, минтақавий ва универсал халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама техник ёрдам кўрсатиш, жиноят содир этиб яширинган

шахсларни ушлаб бериш, суд ҳукмини ижро этиш учун ўз мамлакатига юбориш борасида ҳамкорлик етарли даражада, замоннинг хавф-хатарларига мос равишда шакллантирилмаганлигини қайд этиш жоиз.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми қаторида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида ўзига хос тартибга эга. Жумладан, Германия Федератив Республикасида (кейинги ўринларда ГФР деб юритилади) "Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида"ги махсус қонун мавжуд¹.

Мазкур қонунга мувофиқ, экстрадиция жараёни, ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш доираси ва энг асосийси Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми батафсил белгиланган. Бундан ташқари, ГФРнинг бошқа хорижий давлатлар билан шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолатда алоҳида бир марталик шартнома имзолаш ёки ўзаролик принципи асосида амалга оширилади².

1 Act on International Cooperation in Criminal Matters. <http://www.gesetze-im-internet.de/irg/>

2 Arndt Sinn, Liane Wörner. The European Arrest Warrant and Its Implementation In Germany – Its Constitutionality, Laws and Current Developments. Zeitschrift für Internationale Strafrechtsdogmatik (ZIS). No. 5/2007. – P. 204-220.

Ўзаролик принципи (*reciprocity principle*) халқаро ҳамкорликнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади, зеро, ҳар қандай ҳамкорлик ўзаро манфаатли бўлиши лозим. Мазкур принцип жиноят ҳуқуқида узоқ вақтлардан буён маълум. Давлатлар ҳамкорлиги баъзан шундай кўп томонлама бўладики, уларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб тус олади, шартнома тузиш мобайнида алоҳида масалалар эътибордан четда қолади. Айни шундай ҳолларда ўзаролик принципнинг аҳамияти янада ортади. Ушбу принцип шунга асосланадики, жиноятчини ушлаб бериш сўралаётган давлат келгусида мазкур давлат ҳам шунга муносиб жавоб қайтаришига умид қилади.

Р.А.Сайфулов таъбири билан айтганда, “ушбу принцип айниқса, экстрадиция институтини қўллашда асосий ўрин эгаллайди ҳамда уни миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаш зарур”³.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур принцип қатор шартлар бажарилишини талаб этади. Ушбу масала бўйича болгариялик олим В.Кутиков нуқтаи назари эътиборга молик. Унинг ёзишича, “икки ёки ундан ортиқ давлат ўз муносабатларини ўзаролик асосида шакллантирар экан, улар бундай муносабатларни шартномавий тартибга солишни кўзда тутувчи одатдаги тенглик билан қаноатланмайдилар. Моҳиятан уларнинг мақсади каттароқдир: уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари шундай ташкил этилиши лозимки, ўзаро тўлақонли муносабатликка эришиш зарур. Яъни бунда шундай қоидага риоя этиладики, бир тараф ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа тараф ҳам унга нисбатан шундай жавоб берган тақдирдагина амалга оширади”⁴. Бундай қоидани ГФР қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Зеро, ГФР ҳуқуқшунослари ўзаролик принципини давлат сиёсатини юритиш жараёнида татбиқ этилувчи ахлоқий-маънавий норма, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, мазкур принцип давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигини амалга ошириш жараёнида ижобий натижаларга эришиши учун давлатлар ўртасида ўзаро ишонч бўлиши лозим деб таъкидлайдилар⁵.

Бундан ташқари, ГФР Европа давлатлари ўртасида амалда қўлланилаётган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тартибга солувчи 1957 йилги “Экстрадиция тўғрисида”ги Европа конвенцияси, мазкур конвенцияга II ва III қўшим-

ча протоколлари, 1959 йилги “Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Европа конвенцияси ва I, II қўшимча протоколлари ҳамда 1983 йилги “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги Европа конвенцияси ва унинг қўшимча протоколи каби шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади⁶.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласида давлатлараро имзоланган кўп ва икки томонлама шартномалар ҳамда Германия миллий қонунчилиги асосида уч хил механизм мавжудлигини кўриш мумкин. Булар қуйидагича тартибга солинади: 1) Дипломатик йўл орқали; 2) Ваколатли орган орқали (Адлия вазирлиги); 3) Тўғридан тўғри (бевосита).

Дипломатик йўл орқали жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш механизми одатда давлатлар ўртасида икки ёки кўп томонлама шартномалар ёки ўзаролик принципи асосида амалга оширилади. Шундай экан, ГФРда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишни сўраётган давлат аввал сўровномани ГФР Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Мазкур сўровномани вазирлик Федерал адлия идорасига ижро этилиши юзасидан кўрсатма берганидан сўнг Идора ҳудудий тегишлиликдан келиб чиққан ҳолда Федерал Ерларнинг Адлия вазирликларига юборади. Прокуратура ва суд идоралари Адлия вазирлигидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш талабини олганидан сўнг тегишли бўлган жараёни бошлайди. Сўраётган давлат томонидан юборилган сўровномани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида бир қарорга келинганидан сўнг айтиб ўтилган механизм орқали халқаро ҳамкорлик амалга оширилади.

Идоралараро икки ва кўп томонлама халқаро шартномалар мавжуд бўлган ҳолларда ГФРда вазирлик орқали ҳам жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисида сўровнома юбориш мумкин. Бу ҳолат мазкур ҳамкорликни амалга оширишга тезликни, аниқликни ва қулайликни таъминлашга ёрдам беради.

Ва ниҳоят, тўғридан тўғри ҳамкорлик қилиш механизмида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишни сўраётган давлат прокуратура органи ГФР прокуратура органига тўғридан тўғри муурожаат қилишида кўринади. Бу эса, махсус шартномалар орқали белгилаб қўйилади⁷.

3 Act on International Cooperation in Criminal Matters. <http://www.gesetze-im-internet.de/irg/>

4 Arndt Sinn, Liane Wörner. The European Arrest Warrant and Its Implementation In Germany – Its Constitutionality, Laws and Current Developments. Zeitschrift für Internationale Strafrechtsdogmatik (ZIS). No. 5/2007. – P. 204-220.

5 Sayfulov R.A. Ekstraditsiya v ugovnom protsesse (po materialam MVD I Prokuraturi Respubliki Uzbekistan). Avtoref. diss. ... kand. yurid. nauk. - Tashkent, 2001. – S.10.

6 Mazkur hujjatlar matnini Yevropa Kengashining rasmiy saytidan korish mumkin: <http://www.coe.int>

7 Kutikov V. Prinsip vzaimnosti i ego primeneniye v oblasti mejdunarodnogo publichnogo i mejdunarodnogo chastnogo prava. – Turdovoe



ГФРда суд ва прокуратура ходимларининг мақоми бир хил эканлигини айтиб ўтиш керак. Лекин, функционал вазифалари ҳар хил. Иккаласи ҳам ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳоқимиятга тегишлидир. Суд қарор чиқаради, прокурор амалга оширади. Прокурорнинг назорат қилиш функцияси мавжуд эмас. Унинг вазифаси асосан тергов олиб бориш ҳисобланади. Бизга маълумки, Германия Федерацияси 16 та федерал ерларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида давлат бошқаруви, суди ва парламенти мавжуд.

Шундай экан, Германия Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, давлатлараро муносабатларни Федерал ҳукумат амалга оширади, бундан ташқари зарурат мавжуд бўлса, Ҳукуматнинг розилиги билан федерал ерлар учун халқаро шартномалар имзолаш учун рухсат берилади⁸. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни амалга ошириш масаласида ҳам Федерация ҳудудида федерал ерлар ўзининг федерал ерига тааллуқли бўлган ахборотларни бериши ҳамда ижро этувчи идораларга ваколатларини ўтказиши назарда тутилади. Буларни амалга оширишда ташқи сиёсий фаолият олиб бориш ҳамда ўзаро ёрдам кўрсатиш принципларига (ўзаролик, икки ёқлама жинойлик, ихтисослашув) таянади. Ижро этувчи идоралар (прокуратура, суд, полиция) эса, бевосита сўралаётган ҳаракатни миллий қонунчилиги асосида ижро этади⁹.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамкорликнинг турли шакллари Ўзбекистон Республикасида ҳам амалга оширилади. Мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири жинойят процессуал қонунчилигимизда жинойий суд ишларини юриштида халқаро ҳамкорлик институтининг жорий этилиши бўлди. Жинойят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонун ҳужжатлари, хусусан, жинойят ва жинойят процессал қонунчилиги, хусусан, халқаро шартномаларда назарда тутилган ўзаро келишувларга мувофиқ ҳамкорлик иштирокчиси бўлган давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги ташкил этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда Ўзбекистонда жинойят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари кузатиш мумкин:

Шартномавий-ҳуқуқий шакли;

Ўзаролик принципи асосида амалга ошириш шакли;

Институционал механизм асосида амалга ошириш шакли.

Шартномавий-ҳуқуқий шакли асосида амалга ошириладиган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик, давлат ва ҳукумат ҳамда давлатлар номидан иштирок этувчи ваколатли идораларнинг кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар орқали жинойят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг жинойят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг яна бир шакли, бу – давлатлар ўртасидаги ўзаро келишув ёки шартнома бўлмаган тақдирда ҳамкорликни ўзаролик принципи асосида амалга оширишдир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 592-моддасига кўра, ЖПК назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда ваколатли органлар томонидан мазкур ҳаракатлар ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритилиши мумкин. Ўзаролик принципи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унга кўра, давлатимиз ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юборган хорижий давлат ваколатли органининг шунга ўхшаш вазиятда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг сўровига биноан шахсни ушлаб бериш амалга оширилиши ҳақидаги ёзма ваъдаси билан тасдиқланади¹⁰.

Институционал механизм асосида эса, Ўзбекистон Республикасининг жинойятчиликка қарши кураш ва олдини олиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги назарда тутилади. Ҳамкорликнинг бу каби ташкилий-ҳуқуқий шакли самарали бўлиб, аъзо давлатларнинг миллий манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда давлатларо умумий позицияси асосида амалга оширилади. Бугунги кунда, мамлакатимиз БМТнинг соҳага оид ихтисослашган муассасалари, Интерпол, МДХ ҳамда ШХТ каби универсал ва минтақавий халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади. Мазкур ташкилотлар билан жинойят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида халқаро жинойят, трансмиллий жинойятлар ва жинойятчиликни олдини олиш масалаларига оид кўп томонлама шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

по международно праву Т. 1. – София: Изд-во на Българската Академия на науките, 1967. – С. 60.

8 Bassiouni M.C. Perspectives on International Criminal Justice // Virginia Journal of International Law. - Volume 50, Issue 2, 2010. – P. 9.

9 Mazkur hujjatlar matnini Yevropa Kengashining rasmiy saytidan korish mumkin: <http://www.coe.int>

10 Michael Bohlander. Principles of German Criminal Procedure. – Oxford and Portland, Oregon: Hart Publishing, 2012; Act on International Cooperation in Criminal Matters. <http://www.gesetze-im-internet.de/irg/>



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик борасида Европа давлатлари билан деярли шартномалари мавжуд эмаслигига қарамасдан ўзаролик принципи асосида ҳамкорликни амалга оширади. Масалан, 2013 йилдан 2019 йиллар оралиғида мамлакатимиз томонидан Италия, Германия, Австрия, Нидерландия ва Буюк Британия давлатларига ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровнома юборилган¹¹.

Лекин, шартномасиз шаклда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш оқибатида давлатлар ўртасида турли хил тушунмовчиликларга, рад этиш учун асосларнинг ортишига ва натижада давлатлар ўртасидаги муносабатлар салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Чунки, ўзаролик принципи асосида амалга оширилган халқаро ҳамкорликда сўралаётган давлат қонунчилиги қўлланилиши халқаро одатга айланган. Зеро, мазкур Европа конвенциялари минтақавий характерга эга бўлса ҳам, унга қўшилиш имконияти аъзо давлатларнинг барчасининг розилиги мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади¹². Шунинг учун ҳам бу каби муаммоларнинг энг мақбул ечими сифатида Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи Европа конвенцияларига қўшилиши орқали кўриш мумкин. Натижада, мазкур шартномаларга қўшилиш

орқали соддалаштирилган экстрадиция жараёнини қўллаш учун имкон яратилади, давлатлар ўртасида турли хил тушунмовчиликлар ва рад этиш учун асосларнинг ортишини олди олинади, молиявий жиноятлар юзасидан ҳужжатларни етказиб бериш, суд ахбороти алмашинуви масалаларида ҳамкорлик қилади, ўзаро ҳуқуқий ёрдам борасида ахборот алмашинуви ва далилларни етказишда процессуал муддатлар қисқаради ҳамда муддатнинг ўтиши, талабнома ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ихтисослашув қоидаси, транзит ташиш, учинчи давлатга қайта экстрадиция қилиш ҳамда алоқа каналлари ва воситаларига боғлиқ бўлган масалаларга боғлиқ қоидалар мувофиқлашади.

Умумий ҳулоса сифатида шуни эътироф этиш керакки, ГФР ва Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари ва шакллари халқаро жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқи, жиноятчиликка қарши кураш ва бу борадаги халқаро ҳамкорлик масалалари анъанавий тарзда соҳага оид халқаро шартномалардан ва унинг қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда белгиланганлигини кўриш мумкин. Бизнингча, бу каби муаммоларни ўрганишда ва аниқ йўналишларга ажратишда аниқ процессуал ҳаракатлари, мақсади ва вазифаси белгиланган халқаро шартномалардан келиб чиққан асосий йўналишларни белгилаш лозим.

#

11 Ozbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi materiallari asosida.

12 Konstitutsiya Federativnoy Respubliki Germanii // Konstitutsii zarujnix gosudarstv: Uchebnoe posobie / Sost. prof. V.V.Maklakov. - 4-e izd., pererab. i dop. - M.: Volters Kluwer, 2003.



Нодирбек РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси мустақил изланувчиси
(Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси)

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ШАХС ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада терговга қадар текширувни амалга оширувчи субъектлар, терговга қадар текширувнинг аҳамияти, ушбу жараёнда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши устидан прокурор назоратининг асосий вазифалари, ҳуқуқий механизми, ушбу жараёнларда амалиётда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В статье выдвигаются предложения по усовершенствованию законодательства касательно субъектов осуществляющих доследственную проверку, важности доследственной проверки, основные задачи прокурорского контроля при обеспечении защиты прав и законных интересов личности в данном процессе, правовой механизм прокурорского контроля, устранения некоторых недостатков, встречающихся на практике.

ABSTRACT. The article puts forward proposals for improving the legislation regarding the subjects carrying out pre-investigation checks, the importance of pre-investigation checks, the main tasks of the prosecutor's control while ensuring the protection of the rights and legitimate interests of the individual in this process, the legal mechanism of the prosecutor's control, eliminating some of the shortcomings encountered in practice.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув, процессуал ҳаракатларнинг тактик хусусияти, ҳимоя функцияси, прокурор назорати, гумон қилинувчи, шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши, прокурор назоратининг хусусиятлари.

Ключевые слова: доследственная проверка, тактический характер процессуальных действий, защитная функция, прокурорский контроль, подозреваемого, обеспечение прав и законных интересов личности, особенности прокурорского контроля.

Keywords: pre-investigation check, tactical nature of procedural action, protective function, prosecutor's control, suspect, ensuring the rights and legitimate interests of the individual, features of prosecutor's control.

Терговга қадар текширувда прокурор назоратининг процессуал ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ яна бир жиддий масала бу – терговга қадар текширув жараёнида гумон қилинувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашдир.

Зеро, жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқи шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида тан олинган¹. Хусусан, ЖПК 24-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланган. Айни дамда мазкур ҳуқуқ терговга қадар текширув босқичида ҳам кафолатланиши масаласи қонун ҳужжатларида, шу жумладан, ЖПКда ҳам аниқ тартибга солинмаган.

Бошқача айтганда, терговга қадар текширув босқичида келгусида жиноят иши бўйича гумон қилинувчи сифатида жалб қилиниши мумкин бўл-

ган шахсга нисбатан ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда кўрсатма бермаслик, бераётган кўрсатувлари келгусида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши, шунингдек, ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилмаслик ҳуқуқи татбиқ этилиши масаласи очик қолмоқда.

Ушбу масалага жиноят процессуал қонунчилиги даражасида аниқлик киритиш шу билан аҳамиятлики, бу борада аниқ қоиданинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқниқўллаш амалиётида турлича ёндашувлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бу А.Матмуротов ва Д.Кенжабоевлар таъкидлаганидек, келгусида жинойи таъқиб остига олиниши мумкин бўлган шахсга у ҳали гумон қилинувчи сифатида жалб қилинмаганлиги сабабли ҳимоя

1 Бу ҳақда батафсил қаранг: Искандаров З.Х. Правовые основы защиты прав человека в уголовном процессе Республики Таджикистан: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Душанбе, 2010. – 405 с.; Матжанов И.А. Личные интересы участников уголовного процесса: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2010. – 183 с.; Базарова Д.Б. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2011. – 28 с.

ҳуқуқининг таъминланмаслигига, унинг асоссиз равишда ёлғон қўрсатув берганлик ва қўрсатув беришдан бош тортганлик тўғрисида огоҳлантирилишига, бу эса кейинчалик шахснинг ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан тўла даражада фойдалана олмаслигига олиб келади².

Терговга қадар текширув жараёнида гумон қилинувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш билан боғлиқ яна бир муаммоли масала **гумон қилинувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини таъминлаш** билан боғлиқ³.

Хусусан, ЖПК 179-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган. Булар – экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш; экспертни рад этиш; ўзи қўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинланишини илтимос қилиш; эксперт хулоса бериши учун унинг олдида қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш; экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчининг рухсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш; эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

ЖПКнинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларига бағишланган 179-моддаси таҳлили гумон қилинувчи терговга қадар текширув босқичида ушбу ҳуқуқлардан фойдалана олиш имкониятини назарда тутмайди. Ўз навбатида терговга қадар текширувда ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахснинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишга оид ЖПК 179-моддасида кафолатланган ҳуқуқлардан фойдала олмаслиги мазкур босқичда гумон қилинувчининг ҳақ-ҳуқуқларига путур етказиши.

Терговга қадар текширув, шу жумладан, жиноят ишларини қўзғатиш босқичида инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида мазкур босқичда амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар рўйхатини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, жиноят ишини қўзғатиш босқичида жиноят тўғрисидаги хабарни зудлик билан рўйхатдан ўтказиш; арз қилган шахсни жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга асос бўлган дастлабки терговга қадар текширув материаллари билан таништириш; арз қилган шахсни дастлабки терговга қадар текширувни амалга ошириш тартиби ва муддатлари, шунингдек, унинг натижалари бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақида хабардор қилиш; вояга етмаган шахс унга нисбатан жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда унинг қонуний вакилларини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни бу ҳақда хабардор этиш; манфаатдор шахслар томонидан ўзини ўзи рад этиш ёки рад этиш имконияти; судга қадар иш юритиш босқичида манфаатдор шахслар томонидан жиноят тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш учун процессуал қарорлар қабул қилиш ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиш имконияти; арз қилувчи, гувоҳ, жабрланувчининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўриш каби процессуал ҳаракатларни ўтказишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

ЖПКда кўзда тутилган далилларни тўплаш бўйича процессуал ҳаракатларни ўтказиш тартибини ҳам аниқлаштириш ва уларни тушунтиришлар талаб қилиб олиш, талаб қилиб олинган ва тақдим этилган, шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойдан олиб қўйилган ашё ва ҳужжатларни кўздан кечириб каби процессуал ҳаракатлар билан тўлдириш ҳам мақсадга мувофиқ. Шунингдек, суриштирувчи, терговчини ушланган шахсдан тушунтиришлар олиш, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқини кўзда тутиш ҳамда уларнинг ушланган шахс, уни ушлаш асос ва сабаблари, ушланган шахснинг ҳуқуқларини тушунтириш билан боғлиқ мажбуриятларини акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларга нисбатан қонунчиликда муайян талабларнинг белгиланганлиги ҳам ушбу босқичда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилгандир⁴. Чунончи, Я.П.Ряполова томонидан жиноят ишини

2 Матмуротов А., Кенжабоев Д. Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.123-125.

3 Бу ҳақда батафсил қаранг: Тўйчиев А. Терговга қадар текширув: мазкур жараёнда ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш муаммолари // Ниҳуқ ва бурч. – Тошкент, 2015. – № 1. – Б. 23.

4 Бу ҳақда батафсил қаранг: Егоров И.М. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина в досудебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – 24 с.; Логинов Н.А. Прокурорский надзор за реализацией права на защиту в стадии возбуждения уголовного дела (по законодательству России и иных государств-участников СНГ) // Вестник Московского государственного областного университета. – Москва, 2018. – №1. – С.160-170.; Попов А.А. Про-



қўзғатиш босқичида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларга нисбатан процессуал ва тактик талаблар рўйхати ишлаб чиқилган. Олимнинг фикрича, ушбу босқичда далилларни тўплаш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳуқуқни қўлловчи томонидан қуйидагича процессуал талабларга риоя этилиши лозим: 1) жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг ЖПК нормаларида кўзда тутилган ушбу босқичда ўтказилиши йўл қўйилган ҳаракатлар доирасига мос келиши; 2) далилларни тўплашга йўналтирилган процессуал ҳаракатларни ўтказишга ваколатли субъект; 3) процессуал ҳаракатларни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришнинг муносиб тартиби; 4) процессуал ҳаракатларни ўтказишда инсон ва фуқароларнинг конституций ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўйилмаслиги; 5) процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун қонуний асосларнинг мавжудлиги; 6) жиноят тўғрисидаги хабарни текширишда процессуал муддатларга риоя этилганлиги; 7) процессуал ҳаракат жараёни ва натижаларининг исбот қилиш субъектлари томонидан текширилиши.

Ушбу ҳаракатларга нисбатан тактик хусусиятдаги талабларга қуйидагилар киради: 1) процессуал ҳаракатларнинг ўз вақтида ва тезкор амалга оширилганлиги; 2) процессуал ҳаракатларнинг режалиги (узлуксизлиги); 3) процессуал ҳаракатларни ўтказиш ва унинг натижаларини қайд этишдаги холислик; 4) процессуал ҳаракатлар натижаларини мустаҳкамлашдаги тўлиқлик; 5) далилларни мустаҳкамлашдаги ишончлилик; 6) криминалистик-техник восита ва усуллар, мутахассислар кўмагидан фойдаланиш; 7) процессуал ҳаракатларнинг хавфсизлиги⁵.

Албатта, бу ўринда тадқиқотчининг фикрига қўшилган ҳолда, жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар жиноят-процессуал шакл ва мазмунга нисбатан ЖПКда белгиланган талабларга тўла-тўқис мос келиши лозимлигини ҳамда прокурор назорати мазкур талабларга риоя этилишини таъминлашини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жиноят ишини қўзғатиш босқи-

чида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилган мансабдор шахснинг уни зудлик билан рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, арз қилувчига хабарни қабул қилиш вақтида унинг ҳуқуқларини тушунтириш каби мажбуриятларини белгилаш; арз қилувчининг дастлабки терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида шунингдек, бошқа процессуал хусусиятга эга бўлмаган мажбурлов чоралари (масалан, жиноятчини ушлаш, мажбурий келтириш ва б.қ.) ҳам қўлланилиши мумкин⁶. Жиноят процессининг ушбу босқичидаги мажбурлов ҳаракатлари шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун хавф солиши мумкин бўлиб, бу ўз навбатида ушбу босқичдаги процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Таъкидлаш лозимки, гарчанд жиноят ишини қўзғатиш босқичида мажбурлов чораларининг қўлланилиши кўлами бошқа босқичлардаги сингар кенг бўлмасада, мажбурлов хусусиятидан холи ҳаракатларни бажариш ҳам ҳимоя функциясини амалга ошириш заруриятини истисно қилмайди. Жумладан, шахснинг аризасини текшириш мақсадида уни тушунтириш бериш учун чақириш (ЖПК 329-модда) кўп ҳолларда шахсни ўз манфаатларига зарар етказмаслик мақсадида адвокат билан маслаҳатлашишига сабаб бўлади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида ариза билан мурожаат этган шахс ҳам, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахс ҳам, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлган шахс ҳам ҳимоя ҳуқуқига муҳтождир. Уларнинг ҳар бири ҳам ушбу босқичда ҳуқуқлари бузилмаслигидан манфаатдор.

Хусусан, ЖПКда жиноят ишини қўзғатиш босқичида ариза билан мурожаат этган шахс(арз қилувчи)нинг қуйидагича бир қатор ҳуқуқлари белгиланган: жиноят содир этилганлиги тўғрисида оғзаки ёки ёзма тарзда мурожаат этиш (ЖПК 324-модда биринчи қисми); ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши (ЖПК

курорский надзор за соблюдением следственными органами разумного срока на досудебных стадиях уголовного судопроизводства // Юридические исследования. – 2016. – № 11. – С. 9-17.

5 Бу ҳақда батафсил қаранг: Егоров И.М. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина в досудебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – 24 с.; Логинов Н.А. Прокурорский надзор за реализацией права на защиту в стадии возбуждения уголовного дела (по законодательству России и иных государств-участников СНГ) // Вестник Московского государственного областного университета. – Москва, 2018. – №1. – С.160-170.; Попов А.А. Прокурорский надзор за соблюдением следственными органами разумного срока на досудебных стадиях уголовного судопроизводства // Юридические исследования. – 2016. – № 11. – С. 9-17.

6 Яполова Я.П. Процессуальные действия, проводимые в стадии возбуждения уголовного дела: правовые, теоретические и организационные основы: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: ЮЗГУ, 2013. – С. 17-18.

324-модда иккинчи қисми). **Айни дамда арз қилувчининг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш мақсадида унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, аризанинг қабул қилинганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат олишга бўлган ҳуқуқи, жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш, ушбу босқичда қабул қилинаётган қарорлардан хабардор бўлиш, текширув натижалари билан танишиб чиқиш, рад этиш, қўшимча маълумотлар тақдим этиш, илтимоснома билан мурожаат этиш каби ҳуқуқларини ҳам процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.**

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахснинг ҳуқуқлари ҳам ҳимояга муҳтож⁷. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахснинг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги процессуал манфаати ариза юзасидан қонуний, асосланган ва холисона текширув ўтказилиши, ушбу шахснинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масала ҳал қилинишидан иборат⁸.

Ушбу шахс жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги хабарни у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин ўз ихтиёри билан етказида (ЖПК 113-модда). Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахс жиноят ишини қўзғатиш босқичида бир томондан арз қилувчи, бошқа томондан гумон қилинувчи ҳуқуқларига эга бўлади. **Шу муносабат билан, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахснинг арз қилиш, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз расмийлаштирилган баённома мазмуни бўйича эътирозлар билдириш, аризасининг қабул қилинганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат олиш каби ҳуқуқларга эга бўлиши лозим бўлиб, уларни қонунчиликда аниқ акс эттириш мақсадга мувофиқ.**

Шу тариқа жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳимояни аризаچи ёхуд жиноят иши қўзғатилган шахснинг жиноят процессининг ушбу босқичида ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун билан кўзда тутилган фаолияти сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу фаолият орқали аризаچининг манфаати унинг аризасининг қабул қилиниши, унинг юзасидан қонуний, холисона ва асосли текширув ўтказилиши ва жиноят иши қўзғатилишида, жиноят иши қўзғатилиши режа-

лаштирилаётган шахснинг манфаатлари эса, жиноят иши қўзғатилишига йўл қўймасликда намоён бўлади. Гувоҳи бўлганимиздек, жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳаракатланувчи шахсларнинг манфаатлари ўзаро бир-бирига мутаносиб эмас.

Демак, жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳам ҳимоя функцияси борлиги тўғрисида хулосага келишимиз мумкин бўлиб, фақат ушбу босқичда ҳимоя объекти сифатида тегишли процессуал мақомга эга бўлмаган шахслар намоён бўлади. Таъкидлаш лозимки, процессуалчи олимлар аниқ шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш чоғида ишда ҳимоячининг иштирок этиши масаласини ўрганиш асосида, ҳимоячи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб эмас, балки амалда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи ҳаракатлар амалга оширилган вақтдан бошлаб жалб этилиши лозим деб ҳисоблайдилар⁹.

Бошқа муаллифлар эса, процессуал қонунчилик мазмунидан келиб чиқиб, жиноят ишини қўзғатиш босқичида гумон қилинувчи мақоми бўлмаслиги боис, ҳимоячи ҳам иштирок эта олмаслигини ва шу муносабат билан жиноят-процессуал қонунчиликда ушбу босқичда ҳали расман гумон қилинувчи сифатида тан олинмаган шахсларнинг ҳам юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этиш зарурлигини кўрсатадилар. Хусусан, В.Белоусов қонун жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳимоячи иштирокини кўзда тутмайди, деб ёзади. Олимнинг фикрича, бу ерда жиноят тўғрисидаги хабарни олиш билан боғлиқ юридик ҳаракатларнинг моҳияти ва тегишинча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти муҳимдир. Зеро, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўла оладиган ариза бериш вақтида жиноят иши юритуви бошланиши эҳтимол тутилади, шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида бир вазифа – содир этилган ёки тайёргарлик кўрилатган жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш ва унинг асосида тегишли қарор қабул қилиш бўлади. Ваҳоланки, қатор ҳолларда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс айнан жиноят ишини қўзғатиш босқичида ушлаб турилсада, жиноят-процессуал қонунчиликда гумон қилинувчининг, у ушбу босқичнинг иштирокчиси ҳисобланмагани боис малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқини таъминловчи норма мав-

7 Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / под ред. А.В.Смирнова. – СПб., 2003. – С. 385.; Крылова И.Б. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина при производстве предварительного расследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – 25 с.

8 Классен М.А. Явка с повинной в уголовном судопроизводстве России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: ЮУГУ, 2012. – С. 13.

9 Матмуротов А., Кенжабоев Д. Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.123-125.



жуд эмас¹⁰.

Учинчи гуруҳ муаллифлар эса, жиноят иши қўзғатилган деб ҳисобланадиган вақтни аниқлашда ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлигини қайд этадилар ҳамда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, у прокурор томонидан тасдиқланишидан қатъий гумон қилинувчи ҳимоячини таклиф қила олади, деб ҳисоблайдилар¹¹.

Юқоридагилар асосида фикримизча, гумон қилинувчининг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги ҳимоячини таклиф этиш билан боғлиқ ҳуқуқини таъминлаш мақсадида жиноят-процессуал қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритиш ёхуд Олий суди Пленуми қарори доирасида тегишли тушунтириш бериб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Демак, жиноят ишини қўзғатиш босқичида иштирокчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун қонунда аризачининг, тушунтириш бериш учун жалб қилинган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда адвокатнинг ҳуқуқий ҳолатига оид қоидаларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ¹². **Хусусан, бизнинг фикримизча ҳам, қонунда аризачи тушунчасининг шакллантирилиши ҳамда унда аризачи ва тушунтириш бериш учун жалб қилинган шахснинг ҳуқуқлари мажмуининг белгиланиши, шунингдек, тушунтиришлар беришда ҳамда жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга оширилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларида адвокатнинг иштирок этишининг белгиланиши жиноят ишлари юритувининг мазкур босқичини янада инсонпарварлаштиришга хизмат қилган бўларди.**

Шу ўринда жиноят тўғрисидаги аноним хабарларнинг тақдирига аниқлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, ЖПК 323-моддасига асосан, жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини қўзғатиш

тиш учун сабаб бўла олмайди. Бироқ, ЖПКда ушбу хабарлар бўйича ваколатли идораларнинг мажбуриятлари белгиланмаган. **Фикримизча, суриштирув органи ва тергов бошқармаси бошлиғи содир этилган ёки тайёргарлик кўрилатган жиноят тўғрисидаги хабар юзасидан уни олгач, уч суткадан кечиктирмаган ҳолда ўзининг ЖПКда белгиланган ваколатлари доирасида тегишли қарор қабул қилиши лозим.**

Адабиётларда таъкидланишича, жиноят ишини қўзғатиш – жиноят тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ҳамда жиноят тўғрисидаги хабарларни текшириш ва процессуал қарор қабул қилиш босқичларида инсон ҳуқуқларининг бузилиши кўп ҳолларда жиноятни ҳисобга олишдан яшириш; жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги хабарни сохталаштириш; жабрланувчининг аризасини қабул қилмаслик; процессуал муддатларни бузиш; жиноят иши қўзғатилмагунга қадар ўтказилиши рухсат этилмаган тергов ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш; жиноят ишини ассосиз қўзғатиш ва б.қ.¹³

Айнан шу боис ҳам жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонунийликни таъминлашга қаратилган аниқ тизим ишлаб чиқилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари бўлиб, назорат, шу жумладан, прокурор ва суд назорати ҳисобланади¹⁴. Хусусан, прокурор назорати фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бу жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назорати бўлиб, у жиноят суд иш юритувида инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати сифатида намоён бўлади¹⁵. Адабиётларда прокурорнинг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги қарор ва ҳаракатларнинг қонунийлиги ва асослиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича процессуал ҳаракатлари уч гуруҳга ажратилади: 1) жиноят-процессуал қонун бузилишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар; 2) жиноят-процессуал қонуннинг бузилишини аниқлашга қаратил-

10 Бу ҳақда батафсил қаранг: Тўйчиев А. Терговга қадар текширув: мазкур жараёнда ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш муаммолари // *Huquq va burch*. – Тошкент, 2015. – № 1. – Б. 23.

11 Белоусов В. О защите прав подозреваемого на стадии возбуждения уголовного дела // *Уголовное право*. – Москва, 2007. – № 2. – С. 78.

12 Волкова А.Г. Защитник в предварительном расследовании по делам о преступлениях, отнесенных к компетенции таможенных органов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 10, 22.

13 Волкова А.Г. Защитник в предварительном расследовании по делам о преступлениях, отнесенных к компетенции таможенных органов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 10, 22.

14 Канатов А.К. Проблемы обеспечения прав, свобод и законных интересов человека и гражданина в ходе предварительного следствия и дознания // «Права человека в стадии предварительного следствия и дознания и право на справедливое судопроизводство в Республике Казахстан» при поддержке Европейского союза «Мониторинг исполнения Республикой Казахстан Национального плана действий в области прав человека на 2009-2012 гг.» (20 сентября 2011 год). – Астана, 2011. – С. 7-8.

15 Химичева Г.П., Мичурина О.В., Химичева О.В., Мичурин В.С. Проблемы нарушений уголовно-процессуальных норм при возбуждении и прекращении уголовных дел, способы их устранения: Монография. – М.: МосУ МВД РФ, 2004. – С. 52-116.; Киндилова А.К. Соблюдение прав и законных интересов граждан на этапе приёма заявлений и сообщений о преступлениях // www.corp-iguvd.lg.ua/dok108.html – Вестник Луганский государственный университет внутренних дел имени Э.А.Дидоренко.

ган ҳаракатлар; 3) жиноят-процессуал қонуннинг бузилишини бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар¹⁶.

Хусусан, ушбу йўналишларда жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурорга: 1) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ва иш қўзғатишни рад қилиш; 2) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ва айна вақтда иш қўзғатиш ҳуқуқи берилган (337-модда). **Шу ўринда ЖПК 337-моддасида прокурор назорати доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатлар доирасини кенгайтириб, прокурорга материалларни қўшимча текширувлар ўтказиш тўғрисидаги топшириқ билан қайтариш ваколатини бериш ҳам мақсадга мувофиқ.**

Прокурорнинг суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят иши қўзғатиш ёки уни рад қилиш тўғрисидаги асоссиз ва ноқонуний қарорини бекор қилиш ваколати жиноят тўғрисидаги хабарни текширишни амалга ошираётган шахслар томонидан ўзбошимчаликка йўл қўйиш ёхуд ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади¹⁷.

Умуман олганда, содир этилган ёки тайёргарлик кўриляётган жиноятлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг ўз вақтида, қонуний ва асосланган ҳолда амалга оширилиши устидан назорат прокурор назоратининг умумий тизимида муҳим ўрин тутаяди. Жиноятлар тўғрисидаги хабарларни ҳал қилишнинг сифати, тезкорлиги ва қонунийлиги кўп жиҳатдан жиноят иши юритуви мақсадига эришилишига таъсир кўрсатади. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назоратининг объекти бўлиб, суриштирувчи, суриштирув органи, терговчи, тергов органларининг бошлиғининг жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ фаолиятининг қонунийлиги, шунингдек, ушбу босқичда иштирок этувчи шах-

сларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳисобланади¹⁸.

Шунингдек, кўп ҳолларда прокурор назорати натижасида жиноят ишини қўзғатишни ноқонуний рад қилиш орқали жиноятни ҳисобга олишдан яшириш ҳолатлари аниқланади, чунки жиноятларнинг очилиши ҳолати – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичидир¹⁹.

Гувоҳи бўлганимиздек, прокурор назорати ишни судга қадар юритишда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим процессуал воситалар тизимини ифодалайди. Ишни судга қадар юритиш босқичида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу соҳада прокурор назорати институтининг асосларини такомиллаштириш билан боғлиқдир, зеро, прокуратура ушбу соҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминловчи ягона орган сифатида намоён бўлади. Чунки, тезкор-қидирув фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлгани боис, унда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилишнинг амалдаги усулларини ҳамиша ҳам қўллаб бўлмайдди, давлат назорати эса, идоравий назорат билан чекланган. Айна дамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ўз саъй-ҳаракатлари билан ҳимоя қилиш имкониятлари ҳам сезиларли даражада чекланган бўлади.

Таъкидлаш лозимки, судга қадар юритиш босқичида мажбурлов чораларининг қўлланиши устидан прокурор назорати актив ва пассив бўлиши мумкин. Бунда прокурор иштирокининг актив шакли бевосита прокурорнинг ташаббуси билан текширув ўтказилишини кўзда тутса, пассив шакли унинг бошқа органлар ташаббуси билан бошланган текширишларда иштирокини назарда тутаяди²⁰.

Шу муносабат билан айрим манбаларда суриштирувчи (терговчи), тезкор-қидирув ходимларининг жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига олиб бориш ва вақтинча сақлаш хоналарига жойлаштириш, сўроқ қилиш жараёнидаги фаолиятини атрофлича муфассал тартибга солиш; жиноят процессини юритувчи шахсларнинг гумон

16 Галустьян О.А. Обеспечение прав граждан в уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. – М., 2000. – С. 26-29.

17 Ряполова Я.П. Процессуальные действия, проводимые в стадии возбуждения уголовного дела: правовые, теоретические и организационные основы: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: ЮЗГУ, 2013. – С. 17-18.

18 Веретенников Н.В. Обеспечение прокурором законности в стадии возбуждения уголовного дела: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2009. – С. 16.

19 Гладышева О.В. О справедливости уголовно-процессуальной деятельности органов расследования в стадии возбуждения уголовного дела // Российский юридический журнал. – Москва, 2007. – № 5. – С. 143-146.

20 Абрамов А.Б. Проблемы соотношения прокурорского надзора, ведомственного и судебного контроля обеспечения безопасности личности в современном российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: МАЭП, 2013. – С. 13.



қилинувчи ва айбланувчига уларнинг процессуал ҳуқуқларини, шу жумладан, малакали юридик ёрдам олиш, ушланганлик ҳолати тўғрисида қариндошларига хабар бериш тўғрисида ўз вақтида тушунтириш борасидаги жавобгарлигини кучайтириш; ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчининг суриштирув ва дастлабки тергов вақтидаги суиистеъмолликлар юзасидан мустақил тиббий гувоҳлантириш ўтказиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш зарурияти тўғрисида фикрлар билдирилмоқда²¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишни судга қадар юритишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш устидан прокурор назорати асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ яна қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, жиноят-процессуал қонунчиликда “гумон қилинувчини ушлаб туриш” ва “гумон қилинувчи ушланган вақт” тушунчаларини аниқ белгилаш лозим. Шу маънода ЖПК 226-моддасида ушлаб туриш муддати ҳисобланиш вақтини “ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайт” эмас, балки унинг амалда ушланган пайтдан бошлаб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ушлаб туриш баённомасида ЖПК 225-моддасида кўрсатилганлардан ташқари, яна ушлаб туриш сабаблари, жойи ва вақти (соати ва дақиқасини кўрсатган ҳолда), шахсий тинтув натижалари, шунингдек, баённомани тузиш вақти ҳам кўрсатилиши лозимлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, жиноят-процессуал қонунчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг зиммасига ушланган шахсни қуйидагилар ҳақида дарҳол хабардор қилиш тўғрисидаги

мажбуриятни юкловчи қўшимчалар (“Миранда” қоидаси) билан тўлдириш мақсадга мувофиқ; ушлаб туриш асослари; шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят тавсифи; адвокат (ҳимоячи) танлашга бўлган ҳуқуқи, шу жумладан, бепул юридик ёрдамга ҳамда сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга бўлган ҳуқуқи; ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи; шикоят қилиш ҳуқуқи; қариндошларини ўзининг ушланганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш ҳуқуқи. Жиноят-процессуал қонунчиликда юқоридаги ҳуқуқлар ҳақида хабардор қилмаслик гумон қилинувчи, айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини жиддий бузиш сифатида баҳоланиши тўғрисидаги қоидани ҳам киритиш лозим;

учинчидан, вақтинча сақлаш муассасалари раҳбарияти зиммасига гумон қилинувчи, айбланувчини ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш муддати тугаши заҳоти, башарти суднинг ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори тақдим этилмаган бўлса, озод қилиш мажбуриятини юклаш. Бундай ҳужжат тақдим этилган тақдирда гумон қилинувчи, айбланувчига унинг нусхаси дарҳол етказилиши лозим;

тўртинчидан, суриштирув, дастлабки терговни юритувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ходимлар хулқ-атвори кодексини қабул қилиш ҳамда ЖПКга ҳеч қандай истисно ҳолатлар ушланган гумон қилинувчининг ўз қариндошларига ўзи сақланаётган жой ҳақида хабар бериш ҳуқуқидан фойдаланишни рад қилиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидани киритиш мақсадга мувофиқдир.

#

21 Национальный план действий в области прав человека в Республике Казахстан на 2009-2012 годы. Под общей редакцией Абишева Т.Д., Турсунова С.Т. – Астана, 2009. – С. 107-108.



Азизахон АЛЛАНОВА,
ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи, криминология ва
коррупцияга қарши курашиш кафедраси ўқитувчиси

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг зарурати, чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонуний тартиблари ва уларни бузиш оқибатлари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируется общественная опасность преступления, предусмотренного статьей 223 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, необходимость установления уголовной ответственности за незаконный выезд или въезд в Республику Узбекистан, правовые процедуры выезда и въезда в Республику Узбекистан и последствия их нарушения.

ANNOTATION. This article analyzes the social danger of a crime provided for in Article 223 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, the need to establish criminal liability for illegal exit or entry into the Republic of Uzbekistan, legal procedures for exit and entry into the Republic of Uzbekistan and the consequences of their violation.

Калит сўзлар: чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, жиноий жавобгарлик, давлат чегараси, чегарадан ўтиш, давлат чегарасининг дахлсизлиги, чегара хавфсизлиги.

Ключевые слова: выезд за границу, въезд в Республику Узбекистан, уголовная ответственность, государственная граница, пересечение границы, неприкосновенность государственной границы, безопасность границы.

Keywords: going abroad, entering the Republic of Uzbekistan, criminal liability, state border, border crossing, inviolability of the state border, border security.

Дунёдаги интеграциялашув жараёнлари, макроиқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви, геосиёсий вазиятнинг ўзгариши ва бошқа омиллар аҳоли миграциясининг тезлашувига сабаб бўлмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида, айниқса Яқин Шарқдаги геосиёсий вазиятнинг ёмонлашгани туфайли, кўп мамлакатларга ғайриқонуний миграция жадаллашиб, БМТнинг маълумотларига кўра, ҳозирда 218 мамлакат доимий миграция жараёнларида иштирок этмоқда. ХХI асрнинг дастлабки ўн йиллигида муҳожирларнинг энг кўп ўсиши Осиё (йилига 1,7 миллион), ундан кейин Европа (йилига 1,3 миллион) ва Шимолий Америка (йилига 1,1 миллион) минтақасига тўғри келмоқда. Халқаро миграция ташкилотининг таъкидлашича, 2030 йилга келиб миграция оқимлари 300 миллиондан кўпайиши ғайриқонуний миграциянинг ошишига таъсир кўрсатади¹.

Жаҳонда миграция жараёнларининг кучайиши ва давлат чегараларини ғайриқонуний кесиб ўтишнинг боғлиқлиги, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлат ҳудудига кириш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш, унинг учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларни

такомиллаштириш, мазкур жиноятларнинг олдини олиш, ушбу қилмишга қарши курашишда давлатларнинг ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда чегарадан ўтишнинг белгиланган тартибига кўра чет давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик олиб бориш, чегара, божхона, санитар-карантин, ветеринар ва бошқа назорат турларини амалга ошириш, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, чегара келишмовчиликларини тинч йўл билан ҳал қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан муҳофазаси амалга оширилмоқда. Бироқ қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш қоидаларини бузиш оқибатида давлатда тартибсизлик юзага келиши, мамлакат хавфсизлиги, суверенитети ва тинчлигига раҳна солиниши, қонунга хилоф бошқа қилмишларнинг кўпайиши қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жиноятнинг кўпроқ гиёҳвандлик воси-



талари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи ва шу каби ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятлар билан биргаликда содир этилаётганлиги, ушбу жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятларини ўрганиш, жиноят қонуни тегишли нормаларини қиёсий таҳлил қилиш, унинг сабабларини аниқлаш, олдини олиш чораларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш давомида мазкур қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузиш Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини юзага келтиради. Албатта, бундай ҳолатда шахснинг қилмишига тўғри баҳо бериш, унинг содир этган қилмиши туфайли зарар етказилган ёки шундай зарар етказишнинг реал хавфи юзага келган ижтимоий муносабатлар доирасини аниқлаш, бошқача айтганда, қилмишни тўғри квалификация қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳуқуқида қилмишни тўғри квалификация қилишда эса, ҳар қандай жиноятнинг, аввало, моҳиятини, тушунчасини тўғри аниқлаб олиш, унинг ижтимоий хавфлилиги даражасини баҳолаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгилловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат. Давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди. Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий қўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқла-

рини амалга оширишларини тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи давлат ва жамият суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун республикадан чиқиш ва унга кириш, давлат чегараларидан ўтиш тартибини белгилаб берган. Шундан келиб чиқиб, давлат чегарасига тажовуз қилиш – бу, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг бир меъёрадаги тартибига тажовуз қилиш деб топилади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан белгиланадики, у қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган давлат чегараси режимини бузишга қаратилади, натижада давлат чегарасини ўрнатишдан белгиланган мақсадларга таҳдид юзага келади². Бу эса, ўз навбатида, ҳам давлат, ҳам жамият, ҳам фуқаролар манфаатларига жиддий зарар етказиши³.

Давлат чегараси – бу давлатлар ҳудудини бир-биридан ажратиш турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиқлардир⁴. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгилловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат⁵. М.Ҳ.Рустамбаевнинг таъкидлашича, “давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди”⁶.

Давлат чегаралари муайян давлатнинг ҳудудлари ниҳоясини аниқ белгилаб беради. Давлат чегаралари дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади⁷. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Давлат чегарасида қонун орқали давлат томонидан ўрнатиловчи ёки чегарадош давлат билан келишган ҳолда ўрнатиловчи махсус чегара тар-

2 Ниезова С. С. Виктимологическая профилактика тяжких преступлений // Российская юстиция. – 2017. – № 6. – С. 52-55.

3 Худайкулов, Ферузбек Хуррамович. «ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ.» «Ҳуқуқий тадқиқотлар» электрон журнали 2.SPECIAL 3 (2020).

4 Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Нашр учун масъул: Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 114. O'zbekiston yuridik ensiklopediyasi. / Nashr uchun mas'ul: R.A.Muhitdinov va boshq. / Mas'ul muharrir: N.To'ychiev. – Toshkent: Adolat, 2011. – B. 114.

5 Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 217-модда. / O'zbekiston Respublikasining 1999 yil 20 avgustdagi "Davlat chegarasi to'g'risida"gi Qonuni // O'zbekiston Respublikasi O'liy Majlisining Axborotnomasi, 1999 yil, 9-son, 217-modda.

6 Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: Илм Зиё, 2011. – Б. 309. / Rustambayev M.H. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi. T.4. Maxsus qism. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar: Darslik. – Toshkent: Ilm Ziyoy, 2011. – B. 309.

7 Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. / Б.Мустафоев, Э.Ҳалилов, У.Бозоров ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Б.Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б. 136. / Konstitutsiyaviy huquq. Ensiklopedik lug'at. / B.Mustafoev, E.Halilov, U.Bozorov va boshq. / Mas'ul muharrir: B.Mustafoev. – Toshkent: O'zbekiston, 2006. – B. 136.

тиби мавжуд. Қўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади.

Ўтиш жойига кўра чегаралар қуруқлик, сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво ва сув ости чегараларига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан қуруқликда, Афғонистон билан сувда (Амударё орқали) чегарадош. Демак, давлат чегаралари давлатнинг қуруқликдаги ва сув ҳудудидаги, ҳаво кенгликларидagi ва ер остидаги суверенитетининг чегарасини белгилайди.

Давлат чегаралари қуруқликдаги, дарё ва кўллардаги ҳамда денгиздаги чегараларга бўлинади. Қуруқликдаги чегаралар деганда, жой рельефидаги ўзига хос нуқталар (масалан, тоғ чўққилари) ёки жўғрофий координаталарнинг муайян нуқталари орқали, шунингдек, параллеллар ва меридианлар орқали ўтадиган чизиқлар тушунилади. Дарёдаги давлат чегаралари дарёлар бўйича ўтади, бунда агар халқаро шартномаларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиغان дарёлардан – асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан (энг чуқур жойлари чизиғидан), кемалар қатнамайдиган дарёлар (сойлар)да эса, уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизиқ чегара ҳисобланади. Кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларда Давлат чегаралари чегараларнинг кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизиқ орқали ўтади. Баъзан, агарда кўл чўзиқ шаклга эга бўлиб, қарама-қарши қирғоқлари қўшни давлатларга тегишли бўлса, бу чегара медиана бўйича ўтказилиши мумкин⁸.

Л.Л.Кругликов⁹ қайд этиб ўтганидек, чегаранинг мавжудлиги давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади ва давлат ҳудудга эга эканлигидан, у мазкур ҳудуд устидан ўз суверенитетини амалга оширишидан далолат беради, чегаранинг дахлсизлиги эса, мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва ташқи хавфсизлигининг шартларидан бири ҳисобланади. Чегара дахлсизлигининг бузилиши аксарият ҳолларда жосуслик, терроризм, қурол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари контрабандаси сингари бошқа хавфли жиноятларнинг содир этилиши билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018

йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлардан ташқари, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда хорижга эркин чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижга чиқадиган ҳолларда уларга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилади. Хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам хорижга чиқиш биометрик паспортига эга бўлишлари шарт.

ЖК 223-моддасининг амалдаги таҳририда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тушунчасига таъриф берилмаган. Унда баён этилган диспозиция бланкет диспозиция ҳисобланиб, жиноят таркибини тўғри аниқлаш учун бошқа қонун ҳужжатларига мурожаат қилинади, яъни айнан қайси қонун ҳужжатида белгиланган қоида бузилганлиги аниқланиши лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қароридан ҳам шундай тушунтириш берилади: “Жиноят кодекси 223-моддаси диспозицияси бланкет норма бўлганлиги туфайли, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда дастлабки тергов органлари шахс томонидан чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтиш тартибини белгиловчи айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлигини аниқ кўрсатишлари шарт. Суд ҳукмида ҳам мазкур жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг ҳаракатларида ЖК 223-моддасида назарда тутилган белгилардан қайси бири мавжудлиги аниқ кўрсатилиши лозим”¹⁰.

ЖКдаги нормага кўра, белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш деб тушунилади. Кўриб турганимиз-

8 Идаятов Р.И. Незаконное пересечение государственной границы Российской Федерации: уголовно-правовые и криминологические проблемы: региональный аспект. Дисс... на соис. степ. канд. юрид. наук. - Махачкала, 2008. – С. 28. / Idayatov R.I. Nezakonnoe peresechenie gosudarstvennoy granicy Rossiyskoy Federatsii: ugovovno-pravovye i kriminologicheskie problemy: regional'nyi aspekt. Diss... na sois. step. kand. yurid. nauk. - Mahachkala, 2008. – S. 28.

9 Уголовное право России. Часть Особенная: Учебник. / Под ред. Л.Л.Кругликова. – М., 2005. – С. 779. / Ugolovnoe pravo Rossii. Chast Osobennaya: Uchebnik. / Pod red. L.L.Kruglikova. – M., 2005. – S. 779.

10 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. // www.lex.uz / O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2011 yil 25 noyabrdaqi "O'zbekiston Respublikasining Davlat chegarasini kesib o'tish tartibini buzishga oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida"gi Qarori.



дек, ушбу норма орқали жиноят тушунчасини англаш мушкул.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги қарорига кўра, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (Қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан берилмаган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши тушунилади лозим. Аммо сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Олий суди Пленуми томонидан берилган мазкур тушунтириш ҳам ушбу жиноят моҳиятини қамраб ола олмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5156-сон Фармонида мувофиқ, 2019 йил 1 январдан эътиборан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикери бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини жорий этилди¹¹.

Мазкур тартибнинг жорий этилишидан мақсад аҳоли учун қулай шароит яратиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини соддалаштириш, ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатини узайтириш, уни тайёрлаш муддатини қисқартириш, фуқароларнинг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида паспорт назоратидан ўтишини имкон қадар соддалаштириш, шунингдек, чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда бюрократик тўсиқлар ва коррупция ҳолатлари учун қўшимча шароитлар яратадиган омилларни бартараф этишдан иборат.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қароридан ушбу жиноят тушунчаси қуйидаги таҳрирда

баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш деганда, давлат чегарасидан ўтказиш пунктларидан бошқа жойда ёки мазкур пунктлар орқали, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда виза расмийлаштирмасдан ёхуд яроқсиз ёки сохта (қалбаки) ҳужжатлардан фойдаланиб, ҳар қандай усулда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш, шунингдек, хорижий мамлакатга чиқиш учун махсус келишув талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг махсус келишувсиз Ўзбекистон Республикасидан чиқиши тушунилади”.

Таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси ЖК¹² 322-моддасида ҳам айнан РФ Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, РФ давлат чегарасини РФга кириш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатларсиз ёхуд Россия Федерациясида белгиланган тартибда олинган рухсатномасиз кесиб ўтиш, шунингдек, РФ давлат чегарасини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ томонидан ёхуд куч ишлатиб ёки куч ишлатиш билан қўрқитиб ноқонуний кесиб ўтиш жиноий жазо билан санкцияланади. РФ Конституциясига мувофиқ сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун РФга давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини бузиб келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун агар улар ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби мавжуд бўлмаса, ушбу модда қоидалари татбиқ қилинмайди. Ўзбекистон ЖКдан фарqli равишда РФ ЖКда ноқонуний миграцияни ташкил қилиш¹³ учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгиланган. Тожикистон (ЖК 335-2-модда)¹⁴, Беларусь Республикаси (371-1-модда)¹⁵да ҳам ноқонуний миграция учун жавобгарлик мавжуд.

Бундан ташқари, мамлакатимизда айрим мансабдор шахслар учун жорий этилган махсус келишув тартибини бузиб, хорижий мамлакатга чиқиш қилмиши назардан четда қолдирилган. Жумладан,

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5156-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 831-модда. / O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining xorijga chiqish tartibini takomillashtirishga doir muhim chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5156-son Farmoni. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 33-son, 831-modda.

12 Уголовный кодекс Российской Федерации: федеральный закон РФ от 16 июня 1996 г. № 63-ФЗ // Собрание законодательства РФ. – 17.06.96. - № 25. – ст. 360. / Uголовный кодекс Rossiyskoy Federatsii: Federalniy zakon RF ot 16 iyunya 1996 g. № 63-FZ // Sобрание zakonodatelstva RF. – 17.06.96. - № 25. – st. 360.

13 Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги йўқ шахсларни РФга ноқонуний кириши, уларни ноқонуний туриши ёки ноқонуний тарзда РФ ҳудудидан бошқа давлат ҳудудига ўтишни ташкил қилиш. / Чет эл фуқаролари yoki fuqaroligi yo'q shaxslarni RFga noqonuniy kirishi, ularni noqonuniy turishi yoki noqonuniy tarzda RF hududidan boshqa davlat hududiga o'tishni tashkil qilish.

14 Уголовный кодекс Республики Таджикистан / Предисловие А.В. Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 360. / Uголовный кодекс Respubliki Tadjikistan / Predislovie A.V. Fedorova. – SPb.: Yuridicheskii sentr Press, 2001. – S. 360.

15 Уголовный кодекс Республики Беларусь / Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года. Одобрено Советом Республики 24 июня 1999 года / Предисловие проф. Б.В. Волженкина; Обзорная статья А.В. Баркова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 315. / Uголовный кодекс Respubliki Belarus / Prinyat Palatoy predstaviteley 2 iyunya 1999 goda. Odobreno Sovetom Respubliki 24 iyunya 1999 goda / Predislovie prof. B.V. Voljenkina; Obzornaya statya A.V. Barkova. – SPb.: Yuridicheskii sentr Press, 2001. – S. 315.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–2142-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлиги ва давлат сирлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахслар рўйхатлари тасдиқланган¹⁶. Мазкур рўйхатга кирган шахсларнинг ҳам махсус келишувсиз хорижий мамлакатларга чиқиши билан боғлиқ қилмишлар таҳлил қилинаётган жиноят доирасида қамраб олинади.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятида унинг мақсади алоҳида аҳамият касб этади. А.В.Шербаков қайд этганидек, давлатнинг хавфсизлиги – бу, энг аввало, унинг чегара хавфсизлигидир.

Чегара хавфсизлиги деганда, муайян мамлакат давлат чегараси ва чегараолди ҳудудининг, шахс, жамият ва давлат ҳаёти учун муҳим манфаатларининг чегара соҳасидаги потенциал ва реал ташқи ва ички таҳдидлар мажмуидан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади. Ушбу ҳолатга давлат ҳокимияти органларининг имкониятларини, бошқа кучлар ва воситаларни бирлаштириш йўли билан эришилади. Мазкур жараёнда давлатнинг чегара хизмати идораси кучлар ва воситаларни мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди¹⁷.

Чегара хавфсизлиги даражаси давлат барқарорлиги ва жамият соғломлигининг муҳим ва аниқ кўрсаткичи – мамлакатдаги қонунийликнинг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ¹⁸. В.Ю.Федяковнинг

фикрича, суверенитетни ва ҳудудий яхлитликни сақлаш – ҳар қандай давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир¹⁹. Бу вазифани бажаришда давлат чегараси институти алоҳида ўрин эгаллайди. Жамиятнинг ривожланишида унинг ўрни ва аҳамияти жуда катта ҳамда кўп жиҳатдан турли давлатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий майдонида содир бўлаётган объектив жараёнлар билан белгиланади.

Чегара хавфсизлиги – серқирра муаммо. Уни ечишга, шу жумладан, давлат чегараси режимига уни кесиб ўтаётган шахсларнинг барчаси риоя этишларини таъминлаш йўли билан эришилади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида жиноий жавобгарлик одамлар ва юклар чегара орқали назоратсиз ўтишининг олдини олиш мақсадида назарда тутилган.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг содир этилиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг бутун бир мажмуига зарар етказилиши билан белгиланади²⁰. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлиги, энг аввало, у бошқарув фаолиятининг асосларига путур етказишида, давлат чегарасида ўрнатилган тартибни издан чиқаришида намоён бўлади. Уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг терроризм кўриниши мазкур жиноятнинг энг хавфли оқибатларидан бири ҳисобланади. “Трансмиллий терроризм билан боғлиқ жиноятчилик ўз фаолияти кўламини кенгайтиришга ва уни давлатлар, энг аввало, ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг хавфсизлиги ва иқтисодиётини издан чиқаришга қаратишга қодир, у энг жиддий таҳдидлардан бири ҳисобланади ва ҳукуматлар ўз мамлакатларида барқарорликни, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жамият негизларини, шунингдек иқтисодиётнинг яшовчанлигини сақлаб қолиш ва уни янада ривож-

16 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–2142-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 103-модда. / O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014 yil 5 martdagi "Mansabdor shaxslarning xorijiy mamlakatlarga chiqish tartibini takomillashtirish choralari to'g'risida"gi PQ-2142-son Qarori. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014 y., 10-son, 103-modda.

17 Шербаков А.С. Пограничная безопасность России: роль и место Федеральной пограничной службы в системе ее обеспечения. // Пограничная политика Российской Федерации. – М., 1998. – С. 96. / Sherbakov A.S. Pogranichnaya bezopasnost Rossii: rol i mesto Federalnoy pogranichnoy slujby v sisteme yeyo obespecheniya. // Pogranichnaya politika Rossiyskoy Federatsii. – М., 1998. – С. 96.

18 Зверев Н.К. Соблюдение законности в сфере обеспечения пограничной безопасности Российской Федерации. – М., 2004. – С. 3. // Государственная граница, организованная преступность, закон и безопасность России. – М.: Российская криминологическая ассоциация, 2005. – С. 347. / Zverev N.K. Soblyudenie zakonnosti v sfere obespecheniya pogranichnoi bezopasnosti Rossiyskoy Federatsii. – М., 2004. – С. 3. // Gosudarstvennaya granitsa, organizovannaya prestupnost, zakon i bezopasnost Rossii. – М.: Rossiyskaya kriminologicheskaya assotsiatsiya, 2005. – С. 347.

19 Федяков В.Ю. Правовые основы охраны Государственной границы Российской Федерации в воздушном пространстве: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 3. / Fedyakov V.Yu. Pravovye osnovy ohrany Gosudarstvennoy granitsi Rossiyskoy Federatsii v vozdushnom prostranstve: Avtoref. diss. ...kand. yurid. nauk. – М., 2006. – С. 3.

20 Мамажанов Абдорбек НЕКОТОРЫЕ РАССУЖДЕНИЯ О НАЗНАЧЕНИИ ПРИНУДИТЕЛЬНЫХ МЕР МЕДИЦИНСКОГО ХАРАКТЕРА ЛИЦАМ С ПСИХИЧЕСКИМИ РАСТРОЙСТВАМИ // Review of law sciences. 2020.



лантиришга эришиш учун унга қарши курашишга мажбур бўладилар"²¹.

В.Ю.Федяков қайд этиб ўтганидек, ҳозирги замон халқаро муносабатларида ҳудуднинг аҳамияти жуда ҳам катта, чунки у оддий макон эмас, балки муайян мамлакат фуқаролари яшайдиган муҳит, алоҳида олиб қараганда, ҳар бир давлат, умуман олганда эса – бутун инсоният ривожланишининг моддий базаси ҳисобланади²². Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шу билан белгиланадики, у давлат чегарасининг дахлсизлигига, шунингдек чегара хавфсизлигига таъвоуз қилади. Чегара хавфсизлиги давлат чегараси ва чегараолди ҳудудининг ҳимояланганлик ҳолатини тавсифлайди ва давлатнинг яшовчанлигини, унинг ривожланиш шароитларини таъминлайди. Давлатнинг хавфсизлиги – бу, энг аввало, унинг чегара хавфсизлигидир.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг олдини олишда унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда, бизнингча, бундай вазиятда қуйидаги махсус чораларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

1) Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини самарали ҳимоя қилишга кўмаклашувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш;

2) Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасида тезкор ва моддий-техника ресурсларини кўпайтириш;

3) диний ақидапарастлик ва сиёсий экстре-

мизм тарафдорларини, террорчиларни, Ўзбекистон Республикасининг чегараолди аҳоли яшайдиган пунктларида давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтишга ёрдам берувчи ғайриқонуний қуролли тузилмаларнинг ташкилотчилари ва иштирокчиларини фoш қилишнинг замонавий усулларини амалга жорий этиш;

4) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, қўшинларда, божхона ва чегара хизматларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтириш;

5) ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилар, божхона ва чегара хизматлари ходимларининг молиявий таъминотини яхшилаш;

6) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан аҳолининг ишончи ва ҳурматини ошириш, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ҳолларининг олдини олишда тегишли органлар билан аҳолининг ҳамкорлигини кучайтириш, фуқароларни бу турдаги фаолиятга моддий ва маънавий стимуллар тизими орқали рағбатлантириш;

7) давлатнинг куч ишлатиш салоҳиятига эга бўлган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, уларнинг республика ва минтақавий тузилмалари ва бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни янада яхшилашга, жойларда мазкур ишга муниципал тузилмаларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар яқиндан ёрдам кўрсатишларини йўлга қўйиш;

8) давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтишларга қарши кураш борасида қўшни давлатлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

#

21 Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма. – М.: Щит – М, 1990. – С. 96. / Salimov K.N. Sovremenniye problemy terrorizma. – М.: SCHit – М, 1990. – С. 96.

22 Федяков В.Ю. Правовые основы охраны Государственной границы Российской Федерации в воздушном пространстве: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 13. / Fedyakov V.Yu. Pravovye osnovy ohrany Gosudarstvennoy granitsi Rossiyskoy Federatsii v vozdushnom prostranstve: Avtoref. diss. ...kand. yurid. nauk. – М., 2006. – С. 13.



Диёрбек ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси таянч докторанти

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада мамлакатимизда прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш соҳасида рақамли технологияларни, “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш масалалари таҳлил этилган ҳамда соҳада инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда прокурор назорати самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируются вопросы внедрения цифровых технологий, разработана система «анализа рисков» в сфере обеспечения надзора за исполнением законодательства о несовершеннолетних органами прокуратуры нашей страны, а также предложения по повышению эффективности прокурорского надзора с использованием инновационных подходов в данной сфере.

ABSTRACT. The article analyzes proposals on increasing the efficiency of prosecutorial supervision in the field of supervision of the legislation on minors by the prosecution authorities, the implementation of digital technologies, the «risk management» system, as well as innovative approaches in organizing prosecutorial supervision in this area

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, прокурор назорати, инновацион ёндашув, прокурор назоратини рақамлаштириш, “хавфни таҳлил этиш” тизими, вояга етмаганлар соҳасида ваколатли органлар.

Ключевые слова: несовершеннолетние, прокурорский надзор, инновационный подход, цифровизация прокурорского надзора, система “управления рисками”, компетентные органы в области несовершеннолетних.

Key words: minors, prosecutor supervision, innovative approaches, digitalization of prosecutorial supervision, “risk management” system, competent minors’ authorities.

Мамлакат умумий аҳолисининг тахминан 40 фоизга яқинини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган¹ Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар қандай хатарлар, зарарли омиллар ва оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, шунингдек уларда бундай таҳдидлардан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшаш иммунитетини шакллантириш масаласи тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Хусусан, бугунги кунда дунёда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва унинг имкониятларини давлат органлари фаолиятига кенг татбиқ этиш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, бундай замонавий технологиялар инсониятга, умуман олганда, давлат идораларига ўз салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, ин-

новацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашувлар асосида бошлашимиз керак”².

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³ ҳамда 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴ Фармонлари мамлакатимизда барча соҳаларда ахборот-технологияларни қўллаш, уларнинг фаолиятини рақамлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

С.Адилходжаева, С.Садиковларнинг таъбири билан айтганда, ҳар қандай давлат маълум ахборот маконида ўзгаради, бу билан эса, узоқ келажак авлодларга ҳокимият ва бошқарув самарадорлигини ошириш учун ахборот маконидан фойдаланиш

1 <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3071/file/U-Report%20Brochure%20UZB.pdf> (Мурожаат вақти: 15.02.2021).

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кундаги Олий мажлисга Мурожаатномаси // <http://www.uza.uz>.

3 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

4 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон



вазифаси ҳам такомиллашиб боради. Яна бир долзарб вазифа бу – жамият ва давлатни ахборот коммуникациялари ёрдамида яқинлаштиришдан иборат⁵.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар прокуратура органларининг фаолият йўналишларида ҳам замонавий ахборот технологияларини қўллашни тақозо этади. Шу ўринда, ҳуқуқшунос олимлар В.Абдеева, А.Гордейларнинг ахборот-технологияларнинг ривожланиб бориши ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида, шу жумладан, прокуратура органлари тизимида ҳам ахборот-коммуникациялардан фойдаланишни талаб қилади. Буларнинг барчаси фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади деб билдирган фикрлари ўринлидир.

Ю.П.Якубина, В.И.Жаклар ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, прокуратура органларини рақамлаштириш прокуратура органлари ходимларининг вақтларини тежаш ва қўйилган вазифаларни тез ҳал этиш имконини беради⁷, деб таъкидлашган. В.Н.Исаенконинг фикрича, прокуратура органлари фаолиятини, шу жумладан прокурор назоратини рақамлаштириш уни такомиллаштиришнинг зарур ва фойдали усулидир⁸. Бу масалада ушбу муаллифларнинг фикрларига қўшилаемиз. Бизнингча ҳам, мазкур ҳуқуқшунос олимлар, тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганларидек, прокурор назоратини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали “қўл билан назорат қилиш”дан аста-секин воз кечиш вақти келди.

Хусусан, Д.Ремезовнинг фикрича, ахборот-технологияларнинг имкониятларидан фойдаланиш ҳар қандай маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш, назорат ишларини прогнозлаштириш ва ташкиллаштириш, фаолиятни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек ҳисоботларни шакллантиришда қулай имкониятлар беради⁹.

Бироқ, бошқа ҳуқуқшунос олимлардан фарқли

равишда айрим тадқиқотчилар прокуратура органларида фаолиятни рақамлаштириш ижобий натижаларга эришишга олиб келмаслиги юзасидан фикр билдирганлар.

Хусусан, О.Шапорева прокуратура органлари ходимларининг маълум бир фоизини технологияларга қобилиятсизлигига эътибор қаратган. Унинг фикрича, ахборот-технологиялардан фойдаланган ҳолда касб фаолиятини амалга оширишда прокуратура ходимларига билим ва кўникмалар етишмайди¹⁰. Бироқ, ушбу фикрлар билан келишиб бўлмайди. Масалан, мамлакатимизда прокуратура органларида “SEDO” электрон ҳужжат айланмаси тизими жорий этилган бўлиб, унга кўра, прокуратура органларида ҳужжатлар айланмаси ва уларнинг ижросини назорат қилиш “Электрон ахборот алмашинуви” тизими орқали амалга оширилмоқда¹¹. Бу тизим орқали прокуратура ходимлари ишларни юритишда қийинчиликларга эмас, балки бир қанча қулайликларга эга бўлишмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатларда нафақат вояга етмаганлар соҳасида, балки прокурорлик фаолиятининг барча йўналишларида назоратни амалга оширишда замонавий ахборот-технологияларнинг ижобий ютуқларидан фойдаланиш имконияти яратилган. Масалан, Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2017 йил 17 сентябрдаги 627-сонли буйруғи билан “Россия Федерацияси прокуратура органларини 2025 йилгача рақамлаштириш” Концепцияси қабул қилинган.¹²

Мазкур Концепцияга асосан, қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган:

прокуратура органларини ахборот-технологиялари билан рақамлаштиришда ҳуқуқий, илмий ва амалий жиҳатдан иштирок этиш;

назорат функциясини амалга оширишда бирламчи ахборотларни қайта ишлаш бўйича замонавий ва илғор ахборот технологияларни жорий этиш орқали прокурор назорати самарадорлигини оши-

5 Адилходжаева С, Садиқов С. “Электрон ҳуқумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишига доир // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2016. №1 (61). – Б.35.

6 З Абдеева Е.В., Гордей В.А. Оптимизация деятельности правоохранительных органов в контексте внедрения информационно-коммуникационных технологий// Закон и право. 2018. №10.

7 Якубина П.Ю, Жак И.В. Информатизация деятельности органов прокуратуры. // Совершенствование уголовно-процессуальных и криминалистических мер противодействия преступности. (Сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции), 2019. - С. 101.

8 Исаенко Н.В. В сборнике: Тамбовские правовые чтения имени Ф.Н. Плевако. Материалы III Международной научно-практической конференции. В 2-х томах. Ответственный редактор В.Ю. Стромов. 2019. С. 331-334.

9 Интеллектуальные ресурсы - региональному развитию, 2020. № 2. - С. 515-519.

10 Шапорева О.Н. Формирование готовности у сотрудников организации к обучению // Интеллектуальные ресурсы региональному развитию. – 2019. – Т.5, №1. – С. 173- 177.

11 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 25 декабрдаги 225-сонли буйруғига 1-илова, “Прокуратура органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида”ги Йўриқнома.

12 Капинус О.С. Цифровизация деятельности органов прокуратуры: настоящее и будущее. Вестник. Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. 2018, № 4 (66). - С. 5.

риш;

қонунбузилиши ҳолатларига қарши курашда прокурор фаолияти самарадорлигини ошириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ишларнинг ҳолати тўғрисида ўз вақтида, шу жумладан, масофадан туриб, холисона, тўлиқ ва ишончли ахборот олишни таъминлаш¹³.

Шунингдек, О.А.Инсаров ва Б.В.Андреевларнинг таъкидлашича, Россия Федерацияси прокуратурасида АИК “НАДЗОР”, АИС “Архивное дело ОП”, АИК “КАДРЫ», АИС «Парус” каби ахборот тизими ва комплекслари ишлаб чиқилган¹⁴.

Хусусан, АИК “НАДЗОР” бу – прокуратура органлари учун биринчилардан яратилган тизим бўлиб, давлат органлари ҳамда прокуратура ўртасида электрон ҳужжат айланишини ва бошқаришни таъминлаш учун хизмат қилади. Бу иш ҳажмини сезиларли даражада камайтиради ва бир қанча бюджет маблағларини тежашда самарали фойда беради¹⁵.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам прокуратура органлари фаолиятини, жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-технологиялардан фойдаланиш, яъни назорат функциясини рақамлаштиришга зарурат мавжуд. Бинобарин, прокуратура органларига юклатилган вазифаларнинг кенг қамровлиги ҳамда масъулиятнинг юқорилиги бошқаларга нисбатан ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ёши, тажрибаси жиҳатидан тенг имкониятларга эга бўлмаган вояга етмаганлар соҳасида янги ёндашувларни жорий этган ҳолда прокурор назоратини амалга оширишни талаб этади.

Шу ўринда, С.И.Герасимовнинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан замонавий прокурор назорати бу – прокурор назоратининг мустақил ва ўзига хос йўналиши, шунингдек шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, жиноят, фуқаролик суд ишларида қонунчилик ижроси устидан назоратдир¹⁶, деган фикрларини ўринли ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг

“Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги¹⁷ 139-сонли буйруғида прокуратура органларига вояга етмаганларнинг соғлигини сақлаш соҳасида, ижтимоий муҳофазаси соҳасида, таълими, маънавий ва жисмоний ривожланиши соҳасида, етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш соҳасида, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунийликни таъминлаш соҳасида назоратни амалга ошириш вазифалари белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, ушбу йўналиш қамрови жиҳатидан кенг соҳа ҳисобланади.

Ваҳоланки, вилоят прокуратураларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш соҳавий фаолияти учун масъул бўлган кўпи билан 2 нафар, туман прокуратураларида эса 1 нафар прокуратура ходими фаолият кўрсатади. Бу эса, соҳада назоратни амалга оширишда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилишда бир қатор қийинчиликларни туғдириши, табиийдир. Шу сабабли, соҳада прокурор назоратини рақамлаштириш кутилган ижобий натижаларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини рақамлаштириш деганда, соҳада фаолият кўрсатувчи прокуратура ходими электрон рақамлаштирилган тизим орқали онлайн равишда прокурор назоратини амалга ошириш имкониятига эга бўлишидир. Яъни вояга етмаганлар соҳасида фаолият олиб борувчи давлат идораларига фаолият йўналишларида жорий қилинадиган ҳар бир кўрсаткич бўйича маълумотларни электрон рўйхатга олиш вазифаси юклатилади. Бунда нафақат прокуратура, балки вояга етмаганлар билан бевосита алоқадор фаолият кўрсатувчи ташкилот ҳам қонунлар қандай бажарилаётганлигини, қонунбузилиши ҳолатлари келиб чиққанда эса қайси соҳада юз берганлигини рақамлаштирил-

13 “Об утверждении Концепции цифровой трансформации органов и организаций прокуратуры до 2025 года”: Приказ Генеральной прокуратуры от 14 сентября 2017 г. № 627.

14 Инсаров О.А, Андреев Б.В. Безопасност платформы цифровой трансформации органов и организация прокуратуры Российской Федерации. Вестник. Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. 2019, № 1 (69). - С. 11.

15 Якубина П.Ю, Жак И.В. Информатизация деятельности органов прокуратуры. // Совершенствование уголовно-процессуальных и криминалистических мер противодействия преступности. (Сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции). 2019,- С. 103.

16 Герасимов С.И. Настольная книга прокурора / С.И. Герасимов. – М.: Экслит, 2002. – 850 с.

17 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 139-сон буйруғи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари [Матн] Т.1. – Тошкент: «Тасвир», 2018. – Б. 456-465.



ган тизим орқали билиб олиши ва қонунбузарликни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриши мумкин. Бундай инновацион тизимларнинг яратилиши, нафақат, прокурор назорати самарадорлигини оширади, балки вояга етмаганлар соҳасида фаолият олиб борувчи ташкилотнинг идоровий назорати ҳам такомиллаштирилишига олиб келади. Идоровий назорат қанча тўғри ташкил этилган бўлса, мазкур соҳада прокурор назоратини амалга оширишга ҳам унчалик зарурат сезилмайди, назаримизда.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар соҳасида прокурор назоратини амалга оширишда “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш ва бу орқали қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳам назорат функциясини амалга оширишда ижобий натижа беради. Унга кўра, прокуратура органи ҳодими исталган назорат объектини текширишига ҳожат қолмайди. Яъни рақамлаштирилган тизим орқали қайси фаолиятда муаммо ва камчиликлар бўлаётганлиги, киритилиши лозим бўлган маълумотлар ўз вақтида киритилмаётганлиги маълум бир белги орқали тизимда кўриниб туради.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги¹⁸ 4342-сонли қарорида Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги гуруҳлар ва синфларда ўқувчилар билан тўлдирилиш 15-20 нафар этиб белгиланган. Агар таълим муассасаси томонидан гуруҳлар ва синфларда ўқувчилар сони кўп миқдорда шакллантирилган бўлса, тизимда бу автоматик тарзда кўринади. Бу эса, соҳада фаолият кўрсатаётган прокуратура ходимининг юзага келган қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиш бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам беради.

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йил давомида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижросини таъминлаш йўналишида 3 мингга яқин текшириш ўтказилиб, 13 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 9,5 мингдан ортиқ мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, 4 млрд. сўмлик зарар ихтиёрий қопланган, 86 та жиноят иши қўзғатилган ва 17 мингга яқин шахсининг, шу жумладан 7,5 минг нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланган¹⁹. Мазкур маълумотлар

соҳада сезиларли кўламда ижобий ишлар амалга оширилганлигидан далолат беради. Шундай бўлса-да, вояга етмаганлар соҳасида текширишларни ташкил этишда фаолиятида қонунбузарликларга йўл қўяётган текшириш объектларини олдиндан аниқлаш бирмунча қийин ҳисобланади. Соҳада қонунийликнинг аҳволи қандай бажарилаётганлигига эса текшириш объектини текшириб бўлингандан кейингина баҳолаш мумкин. Фикримизча, соҳада прокурор назоратини ташкил этишда самарадорликни ошириш ва текширишга тайёргарлик кўришни оптималлаштиришда “хавфни таҳлил этиш” ёки “хавфни баҳолаш” тизимини жорий этиш лозим.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, хавфни баҳолаш тизими – бу объектив мезонларга асосланган назорат объектларини режали текширувлардан ўтказишга имкон берадиган жараён. Бу жараён икки босқичда амалга оширилади:

- хавфни аниқлашга тайёргарлик кўриш;
- хавфни аниқлаш.

Хавфни аниқлашга тайёргарлик кўриш тегишли манбалардан талаб қилинган маълумотларни, текширувлар режасига назорат қилувчи органларнинг киритилишига асос бўлувчи мезонларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Ахборот йиллик давр учун талаб қилинади.

Хавфни аниқлаш ҳам, ўз навбатида, икки босқичда бўлиб ўтади. Дастлабки босқичда энг ҳавфли давлат муассасасини аниқлаш мақсадида назорат қилинувчи органлар тақсимланади ва таҳлил қилинади. Кейинги босқичда хавфларни баҳолаш амалга оширилади ва назорат қилинадиган органларнинг кетма-кетлиги белгиланади²⁰.

Умуман олганда, вояга етмаганлар соҳасида назоратни ташкил этишда хавфни таҳлил этиш тизими содда, вақтни имкон қадар тежовчи ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши керак. Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари мазкур тизим орқали, биринчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал вақт режимида ҳимоя қилишда, иккинчидан, улар вояга етмаганлар соҳасидаги ваколатли идоралар ва жамоатчилик билан алоқаларнинг барча соҳаларида ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда ижобий натижаларга эришади. Бундан ташқари, текширишларни режалаштиришда инсон омилининг таъсири камайтиради ва у фақат

18 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.05.2019 й., 07/19/4342/3208-сон

19 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2021 йил 29 январдаги 7-180861/21-сонли хати доирасида Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг ҳисобот маълумотларидан олинган.

20 Адамов.Б.А., Внедрение в органах прокуратуры системы оценки рисков при планировании прокурорских проверок. “Молодой учёный” Международный научный журнал, № 17 (121) / 2016, - С 191-193.



объектив ахборот тизими орқали амалга оширилади.

“Хавфни таҳлил этиш” тизими вояга етмаганлар соҳасида қонунчиликнинг аҳволи прокурор томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши ва соҳада қонунбузилиши ҳолатлари келиб чиқишини олдини олади. Шунингдек, мазкур тизим прокурор томонидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда самарали натижа беради. Яъни, прокурор томонидан вояга етмаганларнинг ис-талган йўналишида эмас, балки қонунбузилишлар кўп содир этилаётган соҳаларда текширишларни ташкиллаштириш имконини беради. Бу эса, проку-рорга назорат тадбирларини тўғри ташкиллашти-ришга, соҳада самарали фаолият кўрсаткичларга эришишга ёрдам беради.

Прокуратура органлари томонидан бу каби ах-борот технологияларидан фойдаланган ҳолда ин-новацион ёндашувларни қўллаш орқали фаоли-ятни амалга ошириш соҳа вакилларининг ижобий касб натижаларини кўрсатиш ва бу орқали давлат идоралари ва фуқаролар билан бевосита алоқага киришишига имкон беради.

Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда “П” шаклидаги ҳисоботларни рақамлашти-риш ҳам мақсадга мувофиқ. Хусусан, вояга етма-ганлар соҳасида тегишли ҳудудий прокуратура ор-гани томонидан ўтказилган текшириш яқунлари бўйича аниқланган камчиликлар ва бу камчиликлар бўйича тегишли идораларга киритилган проку-

рор назорати ҳужжатлари онлайн тарзда кўриниб туриши зарур. Зеро, рақамлаштириш сохта маъ-лумотлар киритилишининг олдини олади ёки ҳа-ракатларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаб беради.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, вояга етмаган-лар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан проку-рор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда янги инновацион методларни қўллаш, шунингдек прокурор назоратини рақамлаштириш қўйидаги бир қанча ижобий натижаларни беради:

биринчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликлари прокуратура органлари томонидан реал вақт режимида ҳимоя қилинади;

иккинчидан, вояга етмаганлар соҳасида вако-латли органлар томонидан қонунчиликка риоя қилиниши ҳолати юзасидан объектив, тўлиқ ва ишончли маълумотларни ўз вақтида электрон платформа орқали олиш имкони яратилади;

учинчидан, назорат фаолияти доирасида олина-диган маълумотларни умумлаштириш ҳамда улар-ни ҳаққоний баҳолаш;

тўртинчидан, соҳада йўл қўйилаётган қонунбу-зилиши ҳолатларини тез фурсатларда аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан керакли чоралар амалга оширилади;

бешинчидан, соҳада фаолият кўрсатаётган про-куратура органлари ходимларига ишларни тўғри ташкиллаштириш, вақтини тежаш ва қўйилган ва-зифаларни тезкорлик билан ҳал этишга имкон бе-ради.

.....

.....



Азиз ХИКМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси кафедре ўқитувчиси

ИНТЕРНЕТДА ЭКСТРЕМИЗМГА ОИД МАТЕРИАЛЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада интернет ресурсларидан фойдаланиб содир этиладиган экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби келтириб ўтилган.

АННОТАЦИЯ. В статье представлен порядок возбуждения уголовного дела и проведения отдельных следственных действий по преступлениям экстремистской направленности с использованием Интернет-ресурсов.

ANNOTATION. The article presents the procedure for initiating a criminal case and conducting certain investigative actions on crimes of an extremist nature using Internet resources.

Таянч сўзлар: экстремистик мазмундаги материаллар, терговга қадар текширув, дастлабки тергов, жиноят ишини қўзғатиш, ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечириш, нарса-буюмларни кўздан кечириш, гувоҳ, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш.

Ключевые слова: материалы экстремистского содержания, доследственная проверка, предварительное следствие, возбуждение уголовного дела, осмотр места происшествия, осмотр имущества, допрос свидетеля, подозреваемого и обвиняемого.

Key words: material of extremist content, pre-trial investigation, investigation, initiation of a criminal case, inspection of the scene, inspection of the property, interrogation of a witness, suspect and accused.

Глобал интернет тармоғи ривожланиб боргани сари унинг кенг имкониятлари одамлар учун нафақат беқиёс қулайликлар яратмоқда, балки хавф ўчоқларидан бирига ҳам айланиб бормоқда. Ваҳоланки, бугунки кунда ҳеч бир инсон ахборот технологияларисиз, хусусан, интернетсиз ҳаётини тасаввур қила олмайди.

Бугунки кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 22 миллиондан ошган, шундан мобил интернет фойдаланувчилари сони эса 19 миллионни ташкил этади¹.

Ҳозирги кунда интернет тармоғида авж олаётган ва жиноятчилик оламида энг хавфлиси бу кибертерроризм ва экстремизмдир. Электрон дунё кибертерроризмга, турли сиёсий кучлар, экстремистик ташвиқотлар ва ғояларини тарғиб қилувчи, ҳар хил жинойий гуруҳларнинг фаолиятини амалга оширишларига ва ўз қарашларини оммага тарғиб қилишларига ҳам кўмаклашмоқда.

Республикаимизда жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, жиноятларни тергов қилиш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш» вазифаси алоҳида белгиланган. Бу эса экстремизмни ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида ўрганиш, бу тифадаги жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос методикасини яратиш ва жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш механизминини янада ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда айрим шахслар экстремистик ҳаракатлар содир этишни кўзлаб интернетдан қуйидаги мақсадларда фойдаланиб келмоқда:

- экстремистик ҳаракатларни содир этиш учун олдиндан керакли маълумотларни тўплаш;
- экстремистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун пул ва бошқа моддий маблағларни йиғиш;
- экстремизмни қўллаб-қувватловчилар, уларнинг мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этувчи сайтларни яратиш;

1 Ўзбекистон Республикаси АКТ вазирлиги матбуот котиби Ш.Аҳматовнинг 11.12.2020 йилда матбуот анжуманида берган баёноти. http://t.me/aoka_uz/3889.



– экстремистик материалларни тайёрлаш, сақлаш ва намойиш этиш;

– оммага ахборот-психологик таъсир ўтказиш, келгусида ўтказилиши режалаштирилаётган экстремистик ҳаракатлар ҳақида хабардор этиш;

– якуний мақсадидан воқиф бўлмаган шахсларни экстремистик ҳаракатларни содир этишга жалб этиши (хакерлар, дастурчилар ва ҳ.) мумкин.

Экстремистлар томонидан интернетдан фаол фойдаланиб келишига, аввало, унга кириш ва фойдаланиш энгиллиги, давлат идоралари томонидан назорат қилиш имкони чекланганлиги, аудиториянинг жуда кенглиги, маълумотларни белгиланган манзилга тезлик билан етказа олиш, материалларни матн, графика ва аудиоёзув кўринишида тайёрлаш каби “қулайликлар” сабаб бўлмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244¹-моддасида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни, шу жумладан, экстремистик материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тўтилган бўлиб, ушбу модданинг 3-қисми “г” бандида ушбу ҳаракатлар телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилган³.

Шунга кўра, экстремизм билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, агар экстремистик ҳаракатлар интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, бу тоифадаги жиноят ишларини кўзғатиш ва тергов қилишда терговчи ва прокурорлардан алоҳида билим ва малакага эга бўлиши тақозо этилади.

Бу тоифадаги жиноятлар ҳақида ариза, хабарлар ва бошқа маълумотларнинг қонуний ҳал этилишининг ўзига хос хусусиятлари.

Интернетдаги экстремизмга оид жиноятлар ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилади.

Терговга қадар текширув ўтказилиши бу тоифадаги жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қонуний қарор қабул қилиш, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарса-буюм ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳамда сақлашга доир чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олади⁴.

Ўтказиладиган терговга қадар текширув натижасида қуйидагиларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– компьютер тармоғига уланиб, тақиқланган материалларни тарқатиш жойини;

– интернетда тарқалган материалларнинг мазмуни ва мақсади, унинг экстремистик деб топилишини;

– ноқонуний ҳаракатлар содир этишда фойдаланилган воситаларни (техник, дастурий ва аралаш);

– IP-манзиллар ва домендаги номларнинг мансублигини ва бошқа ҳолатлар.

Бу тоифадаги жиноятлар бўйича ўтказиладиган терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари бир кетма-кетликда (алгоритмда) амалга оширилиши муҳим.

Бунда терговга қадар текширувнинг намунавий кетма-кетлиги қуйидагича бўлади:

1. Экспертиза хулосаси олинади, бунда у ёки бу материалларнинг экстремистик мазмунга эга ёки эга эмаслиги (мисол учун, материалларда миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи деб топилганлиги ёки топилмаганлиги) аниқланади.

2. Ушбу тақиқланган материаллар жойлаштирилган интернет-ресурс кўздан кечирилади.

3. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қатнашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, холислар ва бошқа қатнашган шахслардан батафсил тушунтириш хати олинади.

4. Интернет-ресурс маъмуридан (администратордан) тақиқланган материалларни жойлаштирилган фойдаланувчи ҳақида маълумотлар олинади.

5. Интернет-провайдер ва алоқа операторларидан абонент ҳақида маълумотлар ва иш ҳолатига алоқадор бошқа ҳужжатлар нусхаси (хизмат кўрсатиш бўйича тузилган келишув (шартнома, битим) ва бошқалар) олинади.

6. Фойдаланувчи томонидан интернетга уланиб, тақиқланган материаллар киритилган жойлар (бино-иншоот, корхона ва бошқалар) аниқлаб, у ердан фойдаланувчига оид маълумотлар олинади.

7. Интернетга уланган ва тақиқланган материаллар жойлаштирилган компьютер ва бошқа телекоммуникация воситалари олиб қўйилади.

8. Гумон қилинувчи ва унинг яқин қариндошларидан ҳолат юзасидан,

хусусан, компьютердан фойдаланиш ва интернетга уланиш тартиби юзасидан батафсил тушунтириш хати олинади.

2 Крopiнoвa Ю.О., Лукин И.В. Киберэкстремизм в современно мире. Понятие и методы противодействия. // Сборник материалов Молодежного форума.2013. -- С.37

3 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <http://lex.uz/docs/111453>

4 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 3202-моддаси.<http://lex.uz/docs/111460#3350912>.



Жинойат ишени қўзғатишдан олдин терговчи тўпланган барча ҳужжатлар, шу жумладан, тезкор тадбир материаллари билан бирма-бир танишиб, тўлиқ текшириб чиқиши керак.

Интернетда жойлаштирилган экстремистик материаллар ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан терговга қадар текширувни олиб бораётган терговчи:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- шахслардан тушунтириш хати олиш;
- ҳужжатлар ва буюмларни талаб қилиш;
- нарса-буюмларни (ҳужжатларни) кўздан кечириш;
- тегишли экспертизаларни тайинлаш;
- ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида топшириқ бериш;
- тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш ҳуқуқига эга.

Жинойат ишени қўзғатишда, биринчи навбатда, тўпланган ҳужжатлар ичида у ёки бу материалларнинг тақиқланганлиги, яъни экстремистик деб топилганлиги ҳақидаги экспертиза хулосаси албатта олинган бўлиши лозим.

Жинойат ишени қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Интернетда экстремистик материалларни жойлаштиришга оид ҳолатлар юзасидан жиноят ишени қўзғатиш учун Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 322-моддасига кўра, қуйидагилар асос бўлади:

- шахсларнинг аризалари (масалан, интернетда маълум бир ижтимоий тармоқда миллий мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ва нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаъни ва қадр-қимматини камситиш юзасидан жабрланган шахс томонидан берилган ариза);
- айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз (масалан, экстремистик ташкилот аъзосидан);
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи тезкор-қидирув органларининг маълумотлари ва бошқалар⁵.

Бу тоифадаги қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилишнинг ўзига хос асосий хусусияти бу жиноятнинг содир этилиши усулидадир, яъни интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилганлигидадир.

Терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи) ни қанчалик малакали ва батафсил сўроқ қилса ҳамда ҳодиса содир бўлган жойни ва нарса-буюмларни (ҳужжатларни) қанчалик синчковлик билан кўздан кечирса, келгусида терговнинг сифатли ўтказилишига ва тергов муддатларига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади.

Терговчи жиноят иши қўзғатилганидан сўнг қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиши лозим:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- гумон қилинувчи (айбланувчи) билан бирга яшайдиган яқинларини гумон қилинувчининг шахсига оид, оила аъзолари билан муносабати, охириги вақтларда шахсиятидаги сезилган ўзгаришлар, хоббиси ва бошқалар ҳақида гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш;
- зарурият туғилганда, иш ҳолатига алоқадор нарса-буюмларни аниқлаш мақсадида тинтув ҳаракатларини ўтказиш;

– тегишли мутахассислар иштирокида интернетга уланиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотдан гумон қилинувчи (айбланувчи) томонидан телекоммуникация воситалари орқали узатилган маълумотларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 170-моддаси тартибида олиб қўйиш;

– уяли алоқа компанияларидан гумон қилинувчи (айбланувчи) нинг абонентлар ва абонент қурималари ўртасидаги узатилган ахборотларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 170-моддаси тартибида олиб қўйиш;

– ҳолатдан келиб чиқиб бошқа зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жойни ва нарса-буюмларни кўздан кечириш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.

Бу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш давомида воқеа жойини кўздан кечиришнинг мақсади жиноятларнинг фош этилиши ва тергов қилиниши учун келажакда иш версиясини тақдим этишда фойдаланилиши учун аҳамиятга эга бўлган зарур маълумотлар ва далилларни ўз вақтида аниқлаш, ўрганиш, қайд этиш, олиб қўйиш ва дастлабки текширишлардан иборат.

Интернетдан фойдаланилган ҳолда содир этиладиган экстремистик жиноятлар битта ҳудуд ёки бино-иншоотлар билан чегараланмаслиги мумкин, кўздан кечирилиши лозим бўлган объектлар бир-биридан узоқ масофаларда жойлашган бўлиши мумкин. Мисол учун, тақиқланган материаллар бир манзилда тайёрланган бўлса, уларни тарқатиш эса бошқа манзилда амалга оширилган бўлиши мумкин.



Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бу машаққатли ва масъулиятли тергов ҳаракатларидан ҳисобланиб, агар терговчи ҳодиса содир бўлган жойни қанчалик сифатли ва малакали кўздан кечирса, терговнинг бориши ҳам шунча муваффақиятли бўлади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин бир қатор ташкилий масалалар олдиндан ҳал этилиши керак. Бунда компьютер технологиялари соҳасидаги мутахассислар, эксперт-криминалист ва ҳолислар жалб этилади ҳамда уларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Шунингдек, ҳодиса жойидаги маълумотлардан нусха олиш учун дастурий таъминот воситаларини ҳам бирга олиш лозим бўлади.

Жиноят содир бўлган жойни, компьютерларни ёки бошқа жиҳозларни умумий кўздан кечириш вақтида терговчи қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- компьютер маҳаллий тармоққа уланганлиги, уланиш нуқтаси мавжудлиги;
- тармоқ симли ёки симсизлиги (Wi-Fi);
- текширилаётган компьютерда ёки тармоқда масофадан уланиш мосламалари мавжудлиги ва бошқалар.

Кўздан кечиришдан сўнг текширилаётган биноларнинг диаграммасини тузиш ва унда жиноят содир этилган нарса-буюмнинг (компьютер, мобил телефон ва бошқалар) жойлашган жойини, масофавий тизимлар билан тармоқ ва алоқа жойларини кўрсатиш керак. Кўздан кечирилган биноларни криминалистик фотосуратлар қоидаларига мувофиқ суратга олиш керак. Биринчидан, қоидага мувофиқ, криминалист-мутахассис кўздан кечирилаётган биноларнинг умумий кўринишини олади, сўнгра тугунли фотосурат қоидаларига кўра, у шахсий компьютерларни, уларга уланган қурилмаларни ва тергов ўтказилаётган жиноят билан боғлиқ бўлган ускуналарни суратга олади. Агар ускуна очилиб, сочилган ҳолда бўлса, унда батафсил фотосурат қоидаларига мувофиқ унинг алоҳида қисмлари суратга олинади.

Шунингдек, ҳодиса жойидаги жиноий мақсадлар учун ишлатилган асбоб-ускуналарнинг барча элементлари қуйидаги кетма-кетликда кўздан кечирилади: компьютер ва унинг таркибий қисмлари, компьютер тармоқлари, алоқа воситалари, принтерлар, сканерлар, модемлар, маълумот ташувчилар (флеш-карталар, ташқи қаттиқ дисклар, қаттиқ дисклар ва бошқалар), шунингдек кўздан кечирилаётган жойда қолдирилган жиноятга алоқадор ҳужжатлар.

Қоида тариқасида, кўздан кечириш давомида терговчи тақиқланган материаллар сақланаётган компьютер, ноутбук ва мобил телефонлар олиб қўйилади. Олиб қўйиш тергов ҳаракати тўғри таш-

кил этилиб, нарса-буюмлар кўздан кечирилиб, тегишли экспертизалар тайинланганидан сўнггина ушбу нарса-буюмлар жиноят иши бўйича ашёвий далил деб топилади.

Олиб қўйиладиган компьютер ускуналари, мобил телефонлар, смартфонлар ёки маълумот ташувчилар ўралган ва муҳрланган ҳолда сақланади. Бунда:

- олинган буюмларни рухсатсиз ёқиш ва ишла-тишга;
- қурилмаларни алоҳида қисмларга бўлиш ва демонтаж қилишга;
- транспортировка пайтида механик шикастланишига ва бошқа шу каби зиён етказилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Нарса-буюмларни кўздан кечириш ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 136 ва 140-моддалари тартибида амалга оширилиб, бу тоифадаги жиноятлар бўйича маълумотлар сақланадиган CD-дисклар, ижтимоий тармоқлардаги интернет саҳифаси (веб-саҳифа), техник ускуналар хотирасида сақланётган фотосуратлар ва видеоёзувлар, интернет-браузер, компьютер, ноутбук, мобил телефон, сим карта ва бошқа техника воситалари кўздан кечириш предмети бўлади.

Терговчи кўздан кечириш ҳаракатларини бирма-бир қайд этиб бориб, компьютерни (ноутбук, мобил телефон ва бошқалар) ёқишдан бошлаб, то уни учиргунга қадар бўлган жараённи баённомага қайд этиш муҳим.

Бундан ташқари, терговчи тезкорлик билан гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг маълум ижтимоий тармоқда рўйхатдан ўтган профилини кўздан кечириб, баённомада ушбу профил қачон яратилганлиги, унда қандай анкета маълумотлари киритилганлиги (ФИШ, туғилган жойи ва санаси, телефон рақами ва бошқалар), саҳифадаги дўстлари рўйхати ва сони, ундаги фотосуратлар ва видеоёзувлар, ёзишмаларнинг мазмуни, қайси файлларни бир-бирига жўнатишганлигини батафсил ёритиш лозим.

Кўздан кечириш натижалари баённомага нафақат матн кўринишида маълумотларни қайд этиб бориш, балки зарур элементларни экранда скриншот тарзида алоҳида файлларда сақлаш йўли билан қайд этилиб, ушбу ҳақда баённомага тегишли маълумотлар киритилади ва файллар сақланадиган диск баённомага илова қилинади.

Гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилишда қуйидагиларни алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

- интернетда қайси ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтганлиги, қачон ва қандай ном билан рўйхатдан ўтганлиги, мақсади ва ўзининг шахсига оид қандай маълумотларни киритганлигини;



– ижтимоий тармоқларда ва бошқа интернет дастурлари доирасида кимлар билан алоқага киришганлигини, улар билан нималар ҳақида ўзаро ёзишмалар ва ахборотлар алмашганлигини, тармоқ фойдаланувчилари билан экстремистик мазмундаги ёзишмалар қилганлигини;

– интернетга қандай техник воситалар билан уланганлигини, улар қаерда ва қачон харид қилинганлиги, яна кимлар улардан фойдаланганлигини;

– қайси провайдер интернет бўйича хизмат кўрсатганлигини;

– унинг компьютерида, мобиль телефонида ёки бошқа электрон хотира қурилмаларида (флешка, диск ва бошқалар) экстремистик материаллар мавжудлигини;

– қаердан ва қачон ушбу экстремистик материалларни кўчириб олганлигини;

– ушбу экстремистик материалларни қайси интернет-фойдаланувчиларга юборганлигини, ушбу материалларни қандай дастурларда ва мақсадларда юборганлигини;

– ушбу экстремистик материалларни интернетнинг очиқ саҳифаларига жойлаштирган ёки жойлаштирмаганлигини;

– қайси экстремистик ташкилотнинг аъзоси бўлиб ҳисобланишини, ташкилотнинг номи, мақсади, фаолияти, таркиби ва раҳбариятига оид маълумотларни;

– ташкилотга аъзо бўлишининг сабаблари ва шарт-шароитларини;

– экстремистик мазмундаги материалларни тайёрлаш усуллари ва шарт-шароитларини;

– экстремистик мазмундаги материаллар унга қайси техник ускуна ва воситалар орқали келиб тушганлигини;

– қачондан буён экстремистик фаолият билан шуғулланишини;

– экстремистик фаолият ташкилотчиси, бу тоифадаги жиноятларни содир этишга жалб этувчи ва ёлловчи шахслар ҳақидаги маълумотларни;

– компьютер, дастурий таъминот ва бошқа телекоммуникация воситаларидан фойдаланишни қаерда, кимдан ва қачон ўрганлигини;

– интернет хизматидан фойдаланганлик учун сарфлаган маблағларни қаердан олганлигини, тўловлар қандай шаклда амалга оширилганлигини;

– берилган жавоблардан келиб чиқиб бошқа саволлар бериш лозим бўлади⁶.

Зарурият туғилган тақдирда, терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилишда соҳавий

мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг экстремистик фаолият билан шуғулланишидан хабардор бўлган шахсларни, шунингдек, экстремистик мазмундаги материаллар билан танишган шахсларни гувоҳ тариқасида жалб этиб сўроқ қилиш муҳим.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқ маъмури (администратор), экспертиза хулосасини тақдим этган дин, тилшунослик ва бошқа жалб этилган экспертларни, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг яқин қариндошларини, ўртоқларини ва ижтимоий тармоқларда ёзишадиган танишларини аниқлаб, гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш лозим.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинадиган шахсларга қуйидаги саволлар берилади:

– гумон қилинувчи (айбланувчи)га алоқадорлиги (қариндоши, ўртоғи ва бошқалар);

– гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шахсига оид тавсифномаси, қизиқиши ва алоқалари доираси;

– қачон ва қандай шароитларда интернетда экстремистик мазмундаги материалларни киритилганлигидан хабардор бўлганлиги;

– мазкур материаллардаги маълумотларга нисбатан ўз муносабати;

– компьютер воситасидан фойдалана олиши ва унга кириш тартибини билиши;

– иш ҳолати юзасидан берилган жавобларидан келиб чиқиб қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Бу тоифадаги жиноят ишиларини тергов қилишда тез-тез вояга етмаганларни сўроқ қилишга тўғри келади. Шу боис, терговчи вояга етмаганларни сўроқ қилишда Ўзбекистон Республикаси ЖПК-нинг 121-моддасида қайд этилган талаблар асосида сўроқ қилиши лозим. Бунда вояга етмаганларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилишда унинг қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ҳамда психолог иштирокига алоҳида эътибор қаратиш муҳим.

Шундай қилиб, экстремистик мақсадларда интернетдан фойдаланиб содир этилган жиноятлар бўйича келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, улар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда терговчи ва прокурорда соҳага оид етарли билим ва кўникмалар эга бўлмасдан тўриб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши имконсиздир.

6 Иващенко М.А. Интернет-экстремизм: алгоритм действий следователя. // Журнал Уголовный процесс. 2020. №12. - С. 49-57





МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Санобар Мансурова

Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Рахимов
Баҳриддин Валиев
Акмал Саидов
Рахим Ҳакимов
Халим Болтаев
Рустам Гафуров
Патрик Олссон
Итихаши Катсуя
Рустам Уринбоев
Аброр Отажонов
Мирақбар Раҳмонкулов
Музаффар Мамасидиқов
Бахтияр Пўлатов
Фахри Рахимов
Комил Синдорлов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиш шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма № ___ Адади 500
Журнал «ECO TEXTILE PRODUKT»
МЧЖда чоп этилди.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Чилонзор 23-даха 47-а уй.

МУНДАРИЖА

Б.Пўлатов	Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида прокуратура	2
Б.Валиев	Бола ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш: ҳолати ва миллий ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар	8
Ф.Рахимов	Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун барча бирдек масъул	12
В.Каримов	Тезкор-қидирув фаолиятида телекоммуникация қурилмаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш масалалари	16
Э.Сатторов	Замонавий бошқарувнинг илғор амалиётида компетенциялар моделлари ва уларнинг татбиқий жиҳатлари	22
А.Махмудов	Жиноят процессида кўрсатувларни олдиндан мустақамлаб қўйиш институтининг истиқболлари	27
Х.Каримов	Жиноят кодексига маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилиш муаммолари	30
Л.Исоқов	Миграция ҳуқуқининг халқаро манбалари	35
А.Йулдошев	Ўзбекистонда оммавий иштирокни халқаро индекслар бўйича баҳолаш ва кенгайтиришнинг долзарб масалалари	40
М.Дусткориев	Роль прокурора в содействии осуществлению правосудия и его взаимодействие с другими участниками гражданского процесса	45
Ш.Шайзаков	Ўзбекистонда маъмурий судларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари	48
Ш.Хайдаров	Жиноят қонунчилигида касб юзасидан ўз вазибаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил	54
Я.Уктамов	Полномочия прокурора в досудебном производстве по уголовным делам в зарубежных странах	62
Д.Умарханова	Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик (Германия ва Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили асосида)	67
Н.Рустамов	Терговга қадар текширув босқичида шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	71
А.Алланова	Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарликнинг умумий тавсифи	78
Д.Ибрагимов	Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда инновацион ёндашувлар	84
А.Хикматов	Интернетда экстремизмга оид материалларни жойлаштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	89

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



НА СТАТЬИ, ПУБЛИКУЕМЫЕ В ЖУРНАЛЕ, РАСПРОСТРАНЯЮТСЯ СЛЕДУЮЩИЕ ТРЕБОВАНИЯ:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

